



Абдулла Орийев

шеъриятида
метафорик образлар

Обиджон КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Обиджон КАРИМОВ

Абдулла
Орипов

*шеъриятида
метафорик образлар*

Тошкент
«Akademnashr»
2014



УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

К25

К25

Каримов, Обиджон

Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар: илмий монография / О.Каримов. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 128 б.

ISBN 978-9943-4295-6-7

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

Монографияда метафоранинг бадиий тафаккурдаги ўрни, унинг ўзига хос кўринишлари, манбалари, тараққиёт омиллари ва бадиий хусусиятлари жаҳон, рус ва ўзбек олимларининг назарий қарашлари асосида ўрганилган ва умумлаштирилган.

Монографияда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижодидаги метафораларнинг манбалари, уларнинг кўчим, поэтик образ ва бутун бошли шеър даражасидаги кўринишларини таснифлаш ҳамда қиёслаш асосида шеър-метафоранинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Китоб талабалар, магистрант ва тадқиқотчилар, она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ҳамда Абдулла Орипов ижодида қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Б.НАЗАРОВ, академик

Тақризчилар:

Д.ҚУРОНОВ, филология фанлари доктори, профессор,

А.САБИРДИНОВ, филология фанлари доктори,

З.РАҲИМОВ, филология фанлари номзоди, доцент

Монография Наманган давлат университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2014 йил 29 январдаги 6-йиғилиш қарори).



ISBN 978-9943-4295-6-7

© Обиджон Каримов
Абдулла Орипов шеъриятида
метафорик образлар»
© «Akademnashr», 2014

ГУЛБАРГДАГИ УЧҚУНЛАР ЁХУД АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРЛАРИДА МЕТАФОРА...

*Уйғонувчи боғларни кездим,
Тоғай дедим қирдан изингни,
Ёногингдан ранг олган дедим,
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
Сен баҳорни соғинмадингми?..*

Бундай мисраларни эшитиб табиатнинг ўзи ҳам баҳор соғинчида энтикиб қўйса ажабмас. Бундай шеърлар наинки баҳор, умуман, ҳаётга, наинки яқинларинг, умуман, инсон зотиға, тирикликка чексиз – канорасиз меҳр ва соғинч уйғотади. Шеърий асарнинг таъсир кучини таъминловчи омиллар бисёр, албатта. Лекин улар ичида асосийларидан бири оддий шеърхонга кўп ҳам сезилавермайдиган, аслида, шеърни гўзал қудратга айлантирадиган поэтик унсур митти мажоздир. Абдулла Ориповнинг «Митти юлдуз» номи дастлабки тўпламидаги деярли барча шеърлар муваффақияти сабаби, авваламбор, улардаги бадий теранликда эди. Лекин ана шу бадий теранликни митти юлдузлардек порлаб турувчи бадий образларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бу бадий образлилик асосини эса мажоз санъати ташкил этади. Янги шеър, яхши шеър, гўзал шеърни яратиш осон эмас деймиз. Тўғри-да, минг йиллардан буён мажозлар шеърни безаб келатган экан, янги шеърни яратишнинг ўзи бўладими? Мажоз шеър томиридаги қон таначаларини янгилаб туради. Мажоз – шеърни янгиловчи руҳдир.

Сўздаги кўчма маънони, ундаги бадийят жараёнини юзага келтирувчи мажоз ҳамда унинг ранг-баранг турлари: метафора, метонимия, ташбеҳ, рамз, киноя, муболаға, ташхис ва ҳоказолардан иборат поэтик санъатлар жозибасини, бу унсурларнинг асардаги ўрни ва роли, бошқа поэтик воситалар билан алоқадорлиги, асар-

нинг бадий-ғоявий моҳиятини очишдаги хусусиятларини ўрганиш моҳият эътибори билан шоир маҳоратидаги энг нозик қирралар ва нуқталарни аниқлаш, ўзига хос мураккаб боғланишдаги бадийат комплексини илмий таҳлил ва тадқиқ этиш демакдир.

Қўлингиздаги китоб ана шу муаммоларни машҳур шоиримиз Абдулла Орипов шеърлари мисолида тадқиқ қилишга ва шоир маҳорати қирраларини таҳлил этишга бағишланади. Унинг муаллифи Обиджон Каримов – филология фанлари номзоди. Кўп йиллардан буён Наманган давлат университетида муаллимлик қилади.

Муаллиф узоқ йиллар мобайнида атоқли шоир ижоди устида изланишлар олиб борди, ўнлаб мақолалар эълон қилди, илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашди, кузатувларини умумлаштириб илмий иш ёзди. Атоқли олим-академик Салоҳиддин Мамажонов раҳбарлигида бошлаган ишни унинг шогирдлари ҳамкорлигида якунига етказиб, 2012 йили «Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу изланишлари асосида юзага келган дастлабки монографиясини эътиборингизга ҳавола этмоқда.

Китоб ўқувчиларни безътибор қолдирмаслигига ишонгимиз келади. Унинг аксар саҳифаларида тадқиқотчининг нозик кузатишларини сезмаслик мумкин эмас. Қатор шеърлар таҳлилида Обиджоннинг шеъриятни нафис ва теран илғай олишига гувоҳ бўласиз. Лирик асар бутунлигида метафоранинг тутган ўрни, айниқса, шеър композициясида бу қатламнинг аҳамияти, метафоранинг образга айланиш жараёнлари, шу муаммолар нуқтаи назаридан Абдулла Орипов шеъриятидаги ўзига хосликлар очилган саҳифалар олимнинг мустақил ва жиддий изланишлар юритганидан далолат.

Китобдан шеърият ихлосмандлари ва мутахассислар, тадқиқотчи ва адабиёт муаллимлари фойдаланиши мумкин. Шеърият хусусида тадқиқот олиб борувчилар, шеърият сирлари билан қизиқувчи ёш ижодкорлар ҳам ундан ўзлари учун керакли мулоҳазаларни топа биладилар. Лекин кези келганда шуни ҳам айтиш ўринлики, Обиджон Каримов метафора ва метафорик образ масаласининг тарихи ва назарияси, унинг Шарқ ва Ғарбда ўрганилишини ёритишга, назаримизда, керагидан ортиқ аҳамият беради. Бу йўналишнинг эътироф ҳақидаги қисмлари бирмунча қисқартирилиб, улар ўрнига Абдулла Орипов ижодини ёритиш кучайтирилса, сўнгги босқичлардаги шеърлари ҳам таҳлилга тортилса янада дуруст бўларди.

Олимнинг мажоз турлари, хусусан, метафора типлари хусусидаги аксар кузатишлари, далил ва хулосалари илмий жиҳатдан теран, асосли эканини таъкидлаган ҳолда айрим фикрлари билан баҳслашиш ҳам мумкин. Лисоний ва поэтик метафораларни қиёслаб уларнинг ўзига хосликларини эътироф этаркан, муаллиф «лисоний метафоранинг умри қисқа», поэтик метафора эса узоқроқ муддатли қисматга эга деган фикрни айтади. Фикри нотўғри деб бўлмайти, лекин лисоний метафоранинг «умри қисқа»лиги унинг камчилиги эмас, табиатига оид хусусият эканини таъкидлашни назардан қочиради. Айни вақтда, тадқиқотчининг: «...метафоранинг миллийлиги, биринчи галда, тилнинг миллийлиги билан, тилда миллат руҳи, унинг урф-одати ва ишонч-эътиқодлари яшаши, турмуш ва тафаккур тарзи яшаши билан боғлиқдир» каби хулосалари ва шу асосда Абдулла Ориповнинг ўнлаб шеърлари назокат билан таҳлил этилиши кишида илиқ таассурот қолдиради.

Абдулла Ориповнинг «Баҳор» каби машҳур шеърлари танқидчиликда атрофлича ўрганилган, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафидинов, Наим Каримов, Иброҳим Ғафуров каби нозиктаъб мунаққидлар томонидан чуқур таҳлил этилган. Обиджон устозларга иззат-икромни сақлаган ҳолда «Баҳор» каби асарларни ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб дадил таҳлил қилади. Устозларга таяниб, суяниб, уларнинг тажрибаларидан ўрганган ҳолда бу каби бадиий теран асарлардаги муваффақиятнинг янги-янги қирраларини ёритишга ўзида рағбат топади, аксар ҳолларда бунинг уддасидан чиқади. Лекин Обиджон Каримовда, ихчамликка эришиш мақсадидами ёки ўқиган кишининг ўзи тушуниб олишига умид билдирганиданми, айрим фикрларини баъзан охиригача етказмаслик ҳоллари учраб туради. Шу боис айрим хулосаларда нотугаллик кўзга ташланиб қолади. Чунончи, метафорада инкорли конструкция бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрлаб Абдулла Ориповнинг машҳур «Муножотни тинглаб» шеъридаги:

*Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё! –*

мисралари ҳақида қуйидагича хулоса чиқарилади: «Шоир кўникилган «табиат – дор», «дунё – жаллод» тарзидаги ҳукмлар билан янги метафораларни юзага чиқаради».

Фикримизча, метафоралар шоир томонидан айнан ҳукм даражасида ёки «шундай» маъносида айтилаётгани йўқ. Шеърнинг юқорироқ қисмида эътироф этилганидек, агар куйданки таралаётган ғам шу даражада экан, одамзоднинг ўзига берилган дард қай даражада; фарзандига бу қадар андуҳни раво кўрадиган бўлса, дунё – жаллод, табиат – дорнинг ўзгинаси бўларди, яъни поэтик тил ифодасида сен шундай эмассан-ку, яхши ҳам сен шундай эмассан деб кўриб-эшитиб турганидан алам ва фиғон, айнаи вақтда, унга илтижо қилмоқда шоир.

Танқидчи Обиджон Каримов буни билмайди эмас, билади. Лекин, юқорида айтилганидек, фикрини бирмунча эртароқ мухтасар қилиб қўяди. Натижада фикр ўқувчида янглиш тасаввур қолдиради. Асосий поэтик фикр асар ниҳоясида, дунёни жаллод, табиатни дор дейишдаги «инкор»да эмас, асосий мақсад куйнинг кудратини поэтик таъкидлашда, тасвирлашда.

«Метафора» термини бизга Европадан кириб келди ва ўрнашиб қолди. На мазкур термин, на мазмуни бу юртларда маълум бўлмагандан кўп асрлар аввал ундаги маъно «истиора» тарзида адабиётимиз илмида қўлланиб келган. Шу боис «метафора» тушунчаси ушбу тадқиқотда «истиора» тарзида ишлатилиши ҳам мумкин эди. Лекин асосий мақсад истиоранинг фақат табиатини эмас, унинг бадиий образга айланиш жараёнларини ўрганиш бўлгани боис, муаллиф тадқиқоти истиора ўрнига метафорик образ иборасини қўллашни маъқул топади ва, назаримизда, ишда қўйилган мақсад нуқтаи назаридан бу танлов ўзини оқлайди.

Хуллас, қўлингиздаги китобда оҳори тўкилмаган чиройли илмий-назарий изланишлар, хулосалар оз бўлмаганидек, айрим баҳс ва мунозаралар уйғотувчи кузатувлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳол мазкур китобнинг мушоҳадаларга чорлай олиш, шууримизда янги-янги мулоҳазалар уйғота билиш хосиятидан дарак беради.

*Бахтиёр Назаров,
академик*

КИРИШ

Мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб, ўзининг ижобий самараларини бера бошлаган бугунги кунда халқимиз олдида ҳаётнинг моддий ва маънавий асосларидан келиб чиқадиган улкан вазифалар турибдики, уларни амалга оширишда адабиёт ва санъат, умуман, маънавиятнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак».¹ Мустақиллик йилларида адабиётни мафкура воситаси сифатидагина эмас, балки санъат ҳодисаси сифатида ўрганишга алоҳида аҳамият берилга бошланди. Шу маънода ижодкорнинг бадиий тафаккур тарзи, ижодий услубига хос хусусиятларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳақиқатан ҳам, «... ёзувчилик – бу оддий касб эмас, пешонага ёзилган тақдир. Унинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир».²

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб шеъриятимиз янгиланиш даврига кирди. Янгиланиш мазмундагина эмас, ифода тарзида ҳам тўла намоён бўлди. Шу даврдан эътиборан ўзбек шеърияти 30-йиллардан урфга айланган риторикадан воз кечди ва образли тафаккур томон юз бурди, яъни аслига қайта бошлади. Ушбу жараёнда Абдулла Орипов ижоди жуда муҳим бир бўғинни ташкил этади. Яъни шоирнинг ижодий ўзига хослигини белгиланган метафорикликка давр шеъриятидаги асосий тамойиллардан бири, бадиий тафаккур тадрижидаги бош йўналиш деб қараш мумкин. Агар 60-йиллардан шеъриятда метафориклик муттасил кучайиб боргани эътиборга олинса, мавзу тадқиқи истиқлол даври шеъриятимизнинг поэтик ўзига хослиги ва тараққиёт тамойилларини идрок этишга ёрдам бериши янада ёрқинроқ намоён бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.29.

² Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.17 – 18.

Илмда «метафора» термини пайдо бўлганидан бери ўтган икки ярим минг йилдан зиёд вақт давомида метафора, метафориклик масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Агар антик даврда метафорага кўпроқ риториканинг объекти сифатида қаралган бўлса³, кейинги замонларда унга поэтиканинг, аниқроғи, поэтик стилистиканинг объекти сифатида қаралди, Шарқ⁴ ва Ғарб⁵ олимлари томонидан атрофлича тадқиқ этилди. Метафорани фақат кўчим ёки бадий восита эмас, балки инсон тафаккурининг, хусусан, образли тафаккурнинг муҳим механизмларидан бири сифатида тушуниш билан боғлиқ ҳолда XIX аср ўрталаридан адабиётшунослик қатори тилшунослик, фалсафа, мантиқ, психология, семиотика, когнитология каби кўплаб илм соҳалари ҳам ўзининг қизиқишлари доирасида тадқиқ этиб келади.⁶ Ўзбек адабиётшунослигида ҳам метафорани кўчим сифатидагина тушуниш барҳам топиб, унинг бадий асарда, бадий тафаккурда тутган ўрни, ижодий услубни белгилловчи хусусияти ўтган асрнинг 80-йилларидан ўрга-

³ Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000; Цицерон. Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.299; Квинтилиан Марк Фабий. Риторические наставления // <http://ancientrome.ru/antlitr/quintilianus/index.htm>.

⁴ Умар Родуёний. Таржумон ул-балоба. – Душанбе: Дониш, 1987; Шамс Қайс Розий. Ал-Муъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.31 – 38; Хусайний Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.36.

⁵ Якобсон Р. Избранные работы по поэтике. – М.: Прогресс, 1985; Хосе Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990; Шкловский В.Б. Избранные работы в 3-х томах. – М.: Сов. писатель, 1979. – С.219 – 236; Эйхенбаум Б. О прозе, о поэзии. – М.: Сов. писатель, 1986; Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990; Иванюк Б.П. Метафора и литературное произведение (структурно-типологический, историко-типологический и прагматический аспекты исследования). – Черновцы: Рута, 1998; Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990; Гусев С.С. Наука и метафоры. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1984; Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа. – М.: Худ. лит., 1986; Некрасова Е.А. Метафора и ее окружение в контексте художественной речи // Слово в русской советской поэзии. – М.: Наука, 1975.

⁶ Якобсон Р. Два аспекта языка и два типа афатических нарушений // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990; Гердер И. Трактат о происхождении языка. – М.: Изд-во ЛКИ, 2007. – 164 с; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русск. культуры, 1998; Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.5; Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.41; Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.387; Поэтика: Труды русских и советских поэтических школ. – Будапешт, 1982. – С.64 – 66; Боров Ю. Эстетика. – М.: Политиздат, 1987. – С.144 – 146; Бабенко Л.Г., Казарин Ю.В. Лингвистический анализ художественного текста. Теория и практика: учебник; практикум. – М.: Флинта, Наука, 2005; Гусев С.С. Смысл возможного. Коннотационная семантика. – СПб.: Наука, 2002; Ницше Ф. Об истине и лживо вневременном смысле // www.nietzsche.ru/works/other/about-istina/ 10.05.2011 ва бошқалар

нила бошланди.⁷ Шунингдек, метафора тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган, унинг алоҳида ижодкор шеъриятида тутган ўрнини ўрганишга бағишланган диссертациялар яратилди.⁸

Ҳозирги ўзбек шеъриятининг йирик вакили Абдулла Орипов ижоди 60-йиллар ўрталаридан адабиётшунослик ва танқиднинг диққат марказида дейиш мумкин. Шоир ижоди ҳақида М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Б.Назаров, Б.Акрамов, Н.Раҳимжонов, О.Абдуллаев, А.Шаропов, С.Мели, Я.Қосимов, И.Ғафуров, Н.Афоқова, М.Раҳмонова, Г.Ашурова, А.Ҳамдамов каби адабиётшунослар, Р.Юсубова каби тилшунос олимларнинг мақола, рисола ва тадқиқотлари яратилган.⁹ Жумладан, Н.Афоқованинг номзодлик диссертациясида шоир ижодидаги бадий санъатлар махсус тадқиқ этилган бўлиб, мавзумизга бевосита алоқадор фикрлар билдирилган. М.Раҳмонова шоир асарларининг ҳаётийлик ва ба-

⁷ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Расулов Т. Бадий асар қанотлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977; Мамажонов С. Шеърят баҳсида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972; Акрамов Б. Шеърят гавҳари (Лирикада образ муаммоси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983; Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979; Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982 ва бошқалар.

⁸ Тўланова Н.М. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б; Қобулжоннова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б; Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б. ва бошқалар.

⁹ Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Шарафиддинов О. Инсон қалбининг манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1981 йил 23 октябрь; Қўшжонов М. Камалакдек сержило // Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984; Қўшжонов М. Онажоним шеърят. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000; Мелиев С. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. №3. – Б.7 – 11; Афоқова Н., Фаниев И. Шеър – ҳақиқат даракчиси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997 йил 5 сентябрь; Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 23 б; Норбоев Б. Ҳаёти поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – 51 б; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1997. – 25 б; Раҳмонова М.С. Абдулла Орипов шеъриятида бадий бутунлик: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 23 б; Ашурова Г.Н. Абдулла Орипов шеъриятида анъана ва бадий маҳорат масаласи: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б; Ҳамдамов А.Н. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б; Юсубова Р.Н. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилиқ ва ортиқчалик (Абдулла Орипов лирикаси мисолида): Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2011. – 23 б. ва бошқалар.

дий бутунлик масаласини, Г.Ашурова шоир шеъриятининг образлар тизими, ғоя ва бадиий тасвир қирраларини, А.Ҳамдамов эса шоир шеъриятидаги поэтик тафаккур кўламининг халқона, миллий қиррасини илмий асосда ўрганган. Шунга қарамай, ҳозирга қадар Абдулла Орипов шеъриятида метафоранинг ўрни, ўзига хослиги каби масалалар монографик тарзда махсус ўрганилган эмас. Шу маънода мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади Абдулла Орипов шеъриятидаги метафораларни тизимли ўрганиш, поэтик мавзуни ривожлантириш ва асар бутунлигини таъминлашда метафоранинг ролини тадқиқ этиш орқали метафориклик шоирнинг услубий ўзига хослигини белгиловчи бош омил эканини очиб беришдан иборатдир.

Агар А.Орипов шеъриятидаги метафораларнинг илк бор тизим сифатида тадқиқ этилгани, метафорикликка шоир бадиий тафаккурига хос бош хусусият сифатида қаралгани ва шундан келиб чиқиб бу жиҳат ижодкор услубини белгилаган асосий омил экани очиб берилгани билан характерланади. Метафоранинг кўчим, поэтик образ ҳамда шеър бутунлиги даражасида намоён бўлувчи кўринишлари алоҳида ва бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганилгани; метафорага хос поэтик мавзунинг уюштирувчилик, структура белгиловчилик функциялари А.Ориповнинг метафорик йўсиндаги шеърлари таҳлилида кўрсатиб берилгани; шоир яратган тимсол шеърлар таҳлили орқали шеър-ўхшатиш, шеър-аллегория ва шеър-метафора орасидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар кўрсатилгани; тимсол шеър кўринишлари таснифига аниқлик киритилгани, бу кўринишларнинг ҳар бири аниқ мисоллар ёрдамида тавсифлангани ҳам монографиянинг янгилик жиҳатларидир.

А.Орипов ижодида метафора масаласининг тизим ҳолида ўрганилгани шеъриятимизда ўтган аср 60-йилларидан бошлаб кузатилган поэтик янгиланиш омиллари, йўналиш ва манбалари ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтиради. Айни жиҳат ишнинг А.Орипов ижоди масалалари, шунингдек, шеър поэтикаси, образлилик, ижодкор услуби каби назарий муаммолар бўйича амалга оширилажак тадқиқотлар учун манбавий асос бўлишини таъминлайди. Монографиядан таълим тизимида «Ҳозирги адабий жараён», «Янги ўзбек адабиёти тарихи» ва «Адабиётшунослик назарияси» курсларини ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда, ўқув адабиётлари яратишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

I БОБ. ПОЭЗИЯДА МЕТАФОРАНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА

Метафора ҳақидаги назарий қарашлар тадрижи. Илмда «метафора» терминини олиб кирган ҳам, унга илк бор таъриф берган ҳам қадимги юнон файласуфи Арасту (Аристотель) саналади. Шундан бери ўтган давр мобайнида метафора масаласи фанда жуда кенг ва атрофлича ишланиб келаётган муаммолардан ҳисобланади. Турли фан соҳалари вакиллари – адабиётшунослар, тилшунослар, психологлар, файласуфлар ва бошқа қатор ёндош соҳа мутахассислари метафорани ўзларини қизиқтирган нуқтаи назардан ўрганиб келдилар. Аслида, бир қарасанг, ҳаммаси равшандек: метафора – кўчим турларидан бири, сўз маъносининг ўхшашлик асосидаги кўчиши. Шунга қарамай, метафорани тадқиқ қилишга бағишланган изланишлар ҳозирги кунда ҳам давом этиб келади, унинг табиати, структураси, қабул қилиниши, аҳамияти каби жиҳатлар билан боғлиқ илмдаги фикрлар турличалиги ҳам ханузгача мавжуд. Шунинг эътиборга олган ҳолда биз асосий масалага ўтишдан аввал метафора ҳақидаги назарий қарашларни умумий тарзда кузатишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Агар Арастунинг «Поэтика» номли асарида метафорага берган таърифига диққат қилинса, файласуф метафора терминини биз ҳозирда тушунадиган маънодан кенгроқ тушунганини кўриш мумкин. Мана ўша таъриф: «Метафора – сўз маъносини ўзгартирган ҳолда турдан хилга ёки хилдан турга, хилдан хилга ёки аналогияларга асосан кўчириш»дир.¹⁰ Турдан хилга кўчиришга мисол сифатида Арасту «Менинг кемам эса мана турибди» жумласини келтиради, бу ердаги маъно кўчишини «лангар ташлаб турмоқ – «турмоқ» тушунчасининг алоҳида бир хили» эканлиги билан изоҳлайди. Демак, бу ерда Арасту маъно «умумийлик – хусусийлик» муносабати асосида кўчган деб ҳисоблайди. Худди шунга ўхшаган тушунтиришни хилдан хилга кўчиришга келтирилган мисол-

¹⁰ Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. – С.170 – 171.

да ҳам кўришимиз мумкин. Хилдан турга кўчиришга Арасту «Ҳа, Одиссей лак-лак эзгу ишлар қилди» деган мисолни келтиради ва кўчириш асосини «лак-лак – умуман, катта сон ва бу сўзлардан шоир «кўп» сўзи ўрнига фойдаланади» дея изоҳлайди. Бир қарашда, биринчи мисолда маъно кўчишига ўхшашлик асос бўлган дейиш мумкиндек кўринади. Яъни «одамнинг туриши» (ҳаракатланмай турмоқ) билан «кеманинг туриши» ўртасидаги ўхшашлик асосида маъно кўчган дейиш мумкиндек. Лекин Арастунинг ўзи ҳам бу ерда ўхшашлик ҳақида гапирмаяпти, балки «турмоқ» ҳолати умумий эканлигини айтмоқда. Демак, агар «ҳаракатсиз турмоқ» маъноси мавжудлиги ва бу маъно нафақат инсонга, балки атрофдаги нарсаларга, табиат ҳодисаларига нисбатан қўлланиши мумкинлигини инобатга олсак, аслида, бу ерда сўз маъносининг кўчиши кузатилмайди.

Иккинчи мисолда эса маъно кўчишига кўпроқ «бутун – қисм» алоқаси асос бўлгандек кўринади. Яъни «лак-лак» дегани «жуда кўп» деган маънони билдиради, «кўп» дегани эса кўплик тушунчасини бирмунча мавҳум тарзда, нейтралроқ ифодалайди. Арастунинг талқинича, «лак-лак» кўпликнинг юқори даражаси бўлса, «кўп» унинг қуйироқ даражаси. Бошқача айтсак, бу ерда, унинг фикрича, «бутун – қисм» муносабати асосидаги маъно кўчиши мавжуд. Айтиш жоизки, бундай тушуниш учун биз Арасту даврини эътиборга олишимизга тўғри келади. Чунки, яхши маълумки, қадимда тиллардаги сон категорияси ҳозир биз кўниккан «бирлик – кўплик» шаклидагина бўлмай, оралиқ шакллар ҳам (масалан, «иккилик») мавжуд бўлган. Бу эса инсонлар онгида миқдор тушунчаси ўзгариб борганининг далилидир. Яъни «кўп» тушунчаси ҳам, унинг даражалари ҳам ҳозиргидан ўзгачароқ тушунилган. Мазкур истисно билангина (шунда ҳам ғоят шартли равишда) Арасту келтирган иккинчи мисолда маъно кўчиши метонимиянинг синекдоха кўриниши асосида амалга ошган дейиш мумкин бўлади.¹¹

Арасту сўз маъносини хилдан хилга кўчиришга келтирган мисоллар русча таржимада қуйидагича: «отчерпнув душу мечом» ва «отрубив несокрушимой медью». Бу ўринда ҳам Арасту маъно кўчишини қандай изоҳлагани эътиборга лойиқ. Ушбу мисолларнинг биринчисида «жон олмоқ», иккинчисида эса «сув (бирон-бир идиш

¹¹ Ҳозирги тилшунослик ҳар иккала мисолда ҳам маъно кўчиши эмас, балки маъно кенгайиши юз берган деб қарайди.

ёки табиий ҳавзадан) олмоқ» маъноси ифодаланган. Биринчи мисолда «отчерпнуть» сўзи («чўмичга (идиш ёки ҳавзадан) тўлдириб олмоқ») «отрубить» (чошиб олмоқ) сўзи ўрнида, иккинчисида эса «отрубить сўзи «отчерпнуть» ўрнида ишлатилган. Арасту бу ерда маъно кўчишининг асоси сифатида иккала сўзда ҳам «ниманидир тортиб олмоқ» маъноси борлигини кўрсатади. Яъни Арасту келтирилган мисолларда фақат бир сўзнинг маъноси кўчгани ҳақида гапиради, асосий эътиборни шунга қаратади. Лекин ҳозирда Арасту келтирган жумлада кўчма маъно асоси иккала феъл учун умумий семанинг мавжудлиги дебгина қаралмайди, балки жумла бутунлигидан келиб чиқилади. Масалан, «жон олмоқ» маъносини ифодалаш учун «отчерпнуть» сўзи ишлатилишига асос шуки, бунда вужуд жоннинг «идиши» деган тасаввурдан келиб чиқилмоқда. Айнан шу «идиш» маъносининг борлиги «отчерпнуть» сўзини ифода мақсадига мувофиқ қўллашга имкон яратмоқда. Яъни жумладаги бошқа сўзларда ҳам метафорик маъно борлиги маъно кўчиши учун шароит яратмоқда ва жумла яхлит ҳолда метафорик маъно касб этмоқда. Демак, бу ўринда сўз маъносининг кўчиши ҳақида эмас, балки ёйиқ метафора, яъни метафорик образ ҳақида гапириш тўғри бўлади.

Метафоранинг тўртинчи тури, яъни аналогия (ўхшашлик) асосидаги кўриниши ҳақида гапираркан, Арасту: «Мен аналогия деб шундай ҳолни атайманки, бунда иккинчи сўз биринчисига қандай алоқадор бўлса, тўртинчи сўз учинчисига шундай алоқадордир. Шунинг учун иккинчи сўз ўрнига тўртинчи, тўртинчи сўз ўрнига иккинчисини қўйиш мумкин. Баъзан шундай сўз қўйиладики, унга алмаштириладиган сўз алоқадор бўлади. Мен мана бундай мисолни назарда тутаман: коса Дионисга қанчалик алоқадор бўлса, қалқон Аресга шунчалик алоқадор, шунинг учун косани Дионис қалқони, қалқонни эса Арес косаси деб аташ мумкин»¹², – дейди. Арастунинг ўзи алоқадорликни таъкидламоқда. Чунки қалқонни «Дионис косаси» деб аташнинг асоси ҳозирги замон кишиси учун «коса» билан «қалқон» ўртасидаги шаклий ўхшашлик бўлиши мумкин, лекин антик юнон учун бунақа эмас. Маълумки, тасвир ва ҳайкалларда Дионис учун коса, Арес учун қалқон доимий атрибут бўлган. Қадимги юнон ҳар қадамида ўзи топинган ушбу маъбудларнинг тасвир ва ҳайкаллари кўриб яшаган. Шу сабабли у учун маъно кўчишининг

¹² Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. – С.170.

асоси, биринчи галда, шу алоқадорликдир. Тўғри, бу ерда коса ва қалқоннинг шакли ўхшашлигини инкор қилиб бўлмайди. Яъни маъно кўчиши ҳам алоқадорлик (метонимия), ҳам ўхшашлик (метафора) асосида юз беради. Лекин Арасту бераётган изохдан маълум бўляптики, қадимги юнон учун алоқадорлик асосийдир. Яъни биринчи босқичда алоқадорлик (метонимия) назарда тутилмоқда, кейинги босқичда ўхшашлик (коса билан қалқон орасидаги) асосида маъно кўчиши (метафора) юз бермоқда. Ҳозирги замон кишиси учун эса босқичлар ўрни алмашади, биринчи ўринга коса ва қалқон ўхшашлиги чиқади.

Юқоридагилардан Арасту метафора сўзини анча кенг маънода, яъни, умуман, кўчма маъноли сўз сифатида қўллаган деган фикр келиб чиқади. Чунки Арастунинг юқорида келтирилган таърифида гап, умуман, маъно кўчишининг турлари ҳақида боради ва унинг тўртта тури кўрсатилади. Бундай қараш олимнинг «Риторика» номли асарида янада аниқ ифода этилади. Арасту «Риторика»да таъкидлашича, «Метафоранинг тўртта тури ичида аналогияга асосланганлари алоҳида эътиборга молик».¹³ Кўриб турибмизки, Арасту аналогия (ўхшашлик)га асосланган метафора (маъно кўчиши)ни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда ва буни метафоранинг тўртта туридан бири демоқда. Бу эса Арасту метафора терминини, умуман, маъно кўчиши, кўчма маъноли сўз, яъни кейинчалик юнонларнинг ўзлари «троп» деб атаган термин ўрнида ишлатганини кўрсатади. Қолаверса, Арасту «Поэтика» ва «Риторика»да келтирган мисолларнинг айримлари ҳозирда метонимия, синекдоха, ирония деб юритилувчи кўчим турларига тўғри келиши, файласуф ўз ишларида мазкур терминларни кўчим маъносида ишлатмагани ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Демак, шундай хулоса келиб чиқадики, Арасту метафора терминини, умуман, кўчим маъносида ишлатган, кўчимларнинг маъно кўчиш асосига кўра таснифланиши ва юқоридаги терминлар билан аталиши эса ундан кейинги даврларда амалга оширилган.

Арасту метафоранинг поэзиядаги ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталмаган. Бироқ буни файласуфнинг поэзия тили ҳақидаги мулоҳазаларидан билиб олиш қийин эмас. Арастунинг фикрича, поэзия тили ўзига хос сўз қўллашни тақозо этади, токи танланган сўзлар, бир томондан, аниқлик (яъни тушунарлилик)ни, иккинчи

¹³ Кўрсатилган манба. – С.128.

томондан, кундалик нутқдан фарқланиб туришини таъминласин. Поэзия тилига аниқлик талабини қўяркан, Арасту, айни чоғда, унинг тубан бўлмаслиги лозимлигини ҳам таъкидлайди. Унинг уқтиришича, агар умумистеъмолдаги сўзлар поэзия тилининг аниқлигини таъминласа, «глоссалар, метафоралар, безаклар... олижаноб ва улуғвор» этади¹⁴, яъни кундалик нутқдан фарқлайди. Бундан кўринадик, Арасту ўзи айтмоқчи «ноодатий сўзлар»ни, жумладан, метафораларни **поэзия тилининг белгиловчи хусусияти** (таъкид бизники – О.К.) деб ҳисоблайди ва уларга ғоят катта аҳамият беради.

Қадимги юнон-рим риторика ва поэтика соҳалари анъаналарини ижодий ўзлаштириб ривожлантирган Шарқ мумтоз адабиётшунослигида ҳам метафора – истиора талқини шунга ўхшаш йўлни босиб ўтган. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайний: «Истиора мажознинг бир навъидур...»¹⁵ – деб ҳисоблайди. Мажоз эса «лафзни ўз ясоғидан ўзга маънода ясоғу лафзу ўшул маъно орасиндаги бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтин ибораттур, ўз ясоғида тусунмакка моний бўлғучи жумладошин келтирмак шарти била... мажознинг турли навълари бордур. Жумладин, истиора улдурким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасиндаги алоқа ўхшашлиқтур...»¹⁶ Кўриб турганимиздек, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг берган таърифи ҳозирда кўчим даражасидаги метафорага бериладиган таърифга мос келади. Зеро, «Бадойиъ ус-санойиъ» XV асрда ёзилган бўлиб, бу вақтда Шарқда илми бадиъ анча юксак даражага кўтарилган ва муаллиф шу даражадан туриб фикр юритган. Бироқ шугина эмас. Аввало, Атоуллоҳ Ҳусайний истиора ҳақидаги мазкур фикр Шамси Қайсга тегишли эканини таъкидлаб, бу мавжуд фикрлар орасида машҳурроғидир дейди.¹⁷ Сўнг эса яна бир машҳур олимнинг истиора ҳақидаги бундан фарқли фикрини келтиради: «Рашиди Вотвот дептур: бу санъат андоқ бўлурким, бир лафзнинг ҳақиқий маъноси бўлур, котиб ёки шоир ул лафзни ул ҳақиқий маънодин кўчирур ва орийят йўли била ўзга бир ерда ишлатур. Бу таърифдин маълум бўлурким, ул мажознинг барча навларини истиора деб атаптур. Бу маърифатга хилофу машҳурдир».¹⁸ Бу ерда, аввало, Қайс Розий-

¹⁴ Қўрсатилган манба. – С.115.

¹⁵ Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-сачойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.219.

¹⁶ Ўша жойда.

¹⁷ Қўрсатилган манба. – Б.220.

¹⁸ Ўша жойда.

нинг машхур «Ал-Муъжам» (1233 йили ёзилган) асари Рашидиддин Вотвот (1088 – 1177)нинг «Ҳадойиқ ус-сихр фи дақойиқ-уш шеър»¹⁹ асаридан қарийб бир аср кейин ёзилганини эътиборда тутиш керак. Яъни бу вақт давомида илми бадиъ анча тараққий этган, шеъриятда ҳам ривожланиш кузатилган, демак, назарий умумлаштириш учун зарур бўлган материал ҳам бойиган. Натижада Вотвот истиорани, умуман, кўчим маъносида тушунган бўлса, Қайс Розий кўчимнинг ўхшашликка асосланган алоҳида бир турини тушунади. Юқорида кўрганимиз Атоуллоҳ Ҳусайний гувоҳлигича, XV асрга келиб кейинги қараш кўпроқ машхур, бошқача айтсак, соҳа мутахассислари томонидан кўпроқ эътироф этилган. Аслида, «метафора» (кўчириш) ва «истиора» (қарзга олиш, яъни сўздан шаклни қарзга олиб бошқа маънони ифодалаш) сўзларининг луғавий маъносидан келиб чиқсак ҳам дастлаб уларнинг, умуман, кўчим маъносида қўллангани табиий эканига ишонч ҳосил қиламиз. Вақт ўтиши билан эса ҳар икки сўзда ҳам маъно силжиши (торайиш томонга) юз берган ва улар кўчимнинг алоҳида бир турини англатиш учун ишлатилган. Фикримизча, Атоуллоҳ Ҳусайний таърифидеги яна битта нуқта борки, у илми бадиъ антик поэтика ва риторика аъёналарини ўзлаштирибгина қолмай, балки ижодий ривожлантирганини яққол кўрсатади. Атоуллоҳ Ҳусайний сўз кўчма маъносининг реаллашуви учун «ўз ясоғида тушунмакка моний бўлғучи жумладошин келтирмак шарт»ни қўяди. Яъни бу ўринда кўчма маънонинг контекст доирасида амалга ошиши кўзда тутиладики, сўзнинг ўз ҳолича эмас, балки матн ичида поэтиклик касб этиши янги давр адабиётшунослигининг изланишларида илмий тасдиғини топди. Демак, ҳозирги адабиётшунослиқда етакчилик қилувчи контекстуаллик тушунчасининг куртаклари ўшандаёқ ниш урган.

Арасту метафоранинг ўхшатишга асосланган турига алоҳида эътибор берганини юқорида айтдик. Унинг уқтиришича, «метафора юксак даражада аниқлик, ёқимлилиқ ва оҳорилиқ жозибасига эга»²⁰, ундан ўринли ва билиб фойдаланиш нутқни безайди. Гарчи файласуф метафорани, биринчи галда, нутқ беағи деб билса-да, уни фақат шунинг учунгина қадрламайди. Арасту метафоранинг нутқ ва поэзиядаги аҳамиятини тушунтираркан, «бизга қандайдир билим берадиган сўзлар ёқимли» бўлади деган асосдан келиб чиқади. Арастунинг фикрига кўра, метафора шу мақсад йўлида

¹⁹ Рашид ад-дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии. – М.: Наука, 1985.

²⁰ Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. – С.116.

кўп хизмат қила билади, чунки у иккита нарсани ўхшатиш орқали «турга хос тушунча ёрдамида билим беради ва маълумотлар етказади».²¹ Айтиш керакки, метафоранинг Арасту диққатини тортган ушбу функциясига XX асрга келиб жуда катта эътибор билан қарала бошлади, когнитив йўналишдаги тадқиқотларда метафоранинг шу жиҳати марказий ўринни эгаллайди (бу тўғрида қуйироқда тўхталамиз).

Арасту метафора билан ўхшатиш (ташбеҳ)нинг ўзаро муносабати масаласига ҳам тўхталади. Адабиётшуносликда ҳозирда анча кенг оммалашган «метафора – сиқик ўхшатиш» қабилидаги қараш ҳам Арастудан бошланган десак хато бўлмайди (ундан кейингилар, масалан, Деметрий (I аср) ташбеҳ – моҳиятан ёйиқ метафора, Квинтилиан (I аср) эса метафора – қисқартирилган ташбеҳ дейди). Файласуфнинг ёзишича: «Ташбеҳ ҳам метафорадир, чунки бу иккиси ўртасида сезилар-сезилмас фарқ мавжуд. Бас, шоир Ахилл ҳақида «У шердек ҳамла қилди» деса, бу – ташбеҳ. «Шер ҳамла қилди» деганида эса метафора: чунки иккиси ҳам (шер ҳам, Ахилл ҳам) жасурлик сифатига эга бўлгани учун шоир метафорадан фойдаланиб Ахиллни шер атади. Арасту ташбеҳнинг функцияси ҳам метафоранинг функцияси каби деб билади, агар қиёсланаётган объектлар яхши танланса, ташбеҳ ҳам нафис бўлишини айтади. Фақат, унинг фикрича, ташбеҳ камроқ ёқади, чунки у узунроқ (яъни кўп сўз билан ифодаланади) ва «мана бу – ўша» дея тасдиқламайди. Бундан кўринадики, Арасту метафоранинг эстетик таъсир механизмига хос муҳим жиҳатга эътибор қаратади: иккита объект бир-бирига очиқ ўхшатилганидан кўра яширин ўхшатишнинг эстетик самараси кучлироқ деб билади.²² Бундан кўринадики, Арасту ташбеҳ билан метафора функционал жиҳатдан тенг дегани билан, бу фикрида қатъий эмас, шунинг учун дарҳол қиёсда метафоранинг устун жиҳатларини санашга ўтади.

Шарқ мумтоз адабиётшунослигида ҳам ташбеҳ ва истиора орасидаги яқинликка эътибор қаратилган. Жумладан, ташбеҳнинг турларидан бири сифатида тавсифланувчи «Ташбиҳи киноят андин ибораттурким, сўзлагучи ўз кўнглида бир нимани бир нимага ташбиҳ қилур ва каломда ташбиҳ одотин келтирмас ва мушаббаҳни мушаббаҳ биҳ лафзи била таъбир этар».²³ Атоуллоҳ Ҳусайний

²¹ Кўрсатилган манба. – С.128.

²² Кўрсатилган манба. – С.132.

²³ Ҳусайний Атоуллоҳ, Бадойиҳи киноят, – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.213.



ташбеҳнинг бу тури билан истиора орасида фарқ йўқлигини таъкидлайди. Лекин, Арастудан фарқли ўлароқ, Атоуллоҳ Ҳусайний истиора билан ташбеҳ бир нарса демайди, фақат ташбеҳнинг бир тури – таркибида биргина мушаббихун биҳ иштирок этувчи ташбеҳи киноятни моҳиятан истиора деб билади. Унинг таъкидлашича, мажоз тури сифатида истиора ҳақиқат эмас, лекин «фасоҳату балоғат арбоби қошинда ҳақиқаттин яхшироқдир».²⁴ Шуниси эътиборлики, истиорани ўхшашлик асосидаги кўчим тури деб таърифлаган илми бадиъ кўчимнинг алоқадорлик асосидаги турини ҳам фарқлади ва уни киноя (метонимия маъносида) истилоҳи билан атади. Демак, XV асрга келиб мумтоз адабиётшунослигимиз кўчимнинг шеъриятда қўлланувчи асосий турлари – метафора ва метонимияни бир-биридан фарқлаб, уларни назарий тавсифлаш вазифасини бажариб бўлган эди.

Шундай қилиб, Юнонистонда асос солиниб, кейинчалик антик Римда давом эттирилган риторика ва поэтика соҳалари VIII асрдан бошлаб илми балоға ҳамда илми бадиъ номлари билан мусулмон Шарқида ривожлантирилди. Антиқ маданият вайроналари устига ўрнашган ҳозирги Европа халқлари Уйғониш давридан бошлабгина яна бу соҳаларга эътибор қарата бошлади. Улар Арасту «Поэтикаси» билан аввалига араб тили орқали танишган бўлсалар, 1498 йили бу асар лотин тилида, 1549 йили эса итальян тилида чоп этилди.²⁵ Шундан сўнг Арасту «Поэтика»сига шарҳлар, унга ўхшатма тарзида ёзилган кўплаб поэтикага оид рисоалар яратилди.²⁶ Бу рисоаларда адабиётга тааллуқли кўплаб масалалар қатори услуб муаммолари ҳам кенг ўрин тутди. Жумладан, Юлий Цезар Скалигер (1484 – 1558)нинг «Поэтика», Антонио Минтурно (ваф. 1574)нинг «Поэтик санъат», Лодовико Кастельветро (1505 – 1571)нинг «Халқ тилида баён қилинган ва шарҳланган Арасту «Поэтикаси» номли асарлари Арасту аъёналарининг давоми сифатида яратилган бўлиб, уларнинг ҳаммасида услуб ва поэтик фигуралар масаласига алоҳида боб ажратилган. Айтиш керакки, мазкур ишларда муайян масаланинг қўйилиши ҳам, талқини ҳам Арасту руҳида амалга оширилган. Иккинчи томондан, бу муаллифларнинг назарий қарашлари антик юнон-рим адабиётларининг ижодий тажрибаларидан ёки ўзлари учун юксак намуна санаган ижодкорлар

²⁴ Қўрсатилган манба. – Б.220.

²⁵ Қаранг: Типология и периодизация культуры Возрождения. – М., 1978. – С.26 – 37.

²⁶ Литературные манифесты западноевропейских классицистов. – М., 1980. – С.7 – 8.

асарларидан келтириб чиқарилади. Шу икки сабабга кўра улар адабий-назарий тафаккурда, хусусан, метафора масаласида янги гап айта олмадилар. Албатта, бунинг объектив сабаблари бор. Маълумки, Уйғониш давридан Европа халқларининг миллий адабиётлари шакллана бошлаган, антик адабиёт аъёналарини ўзлаштириш жуда зарур бўлган. Шунинг учун бу даврдаги поэтикага оид рисоалар кўпроқ амалий характерда, ижодкорга йўриқнома тарзида ёзилган. Масалан, инглиз тилида ёзилган шундай асарлардан бири – Бен Жонсон (1573 – 1637)нинг «Қайдлар ёки кузатишлар» номли асарида услуб борасида қатор маслаҳатлар берилади.²⁷ Жумладан, сўз ва маъно бамисоли жисму тандек яхлит бирлик экани, сўздан тўғри фойдаланилсагина нутқ нафосатли бўлиши уқтирилади. Муаллиф поэзияда сўзнинг ҳақиқий кучини кўчимлар ёки метафора орқали намоён қилиш мумкин деб билади. Бироқ кўчим ва метафоралардан фақат зарур ҳоллардагина фойдаланиш керак. Яъни бирон-бир тушунчани ифодалашга мос аниқ сўз бўлмаган ҳолларда шунақа зарурат юзага келади. Б.Жонсон метафоралар табиий бўлиши керак дейди, чунки сунъий метафора қийин англонади, ўта жимжимадорлик эса нафосатга зиддир. Қизиқ жиҳати шуки, Б.Жонсон янги метафора яратиш хавфли деб билади, буни уларга узоқ фойдаланмагунча ўрганиш қийинлиги билан изоҳлайди. Албатта, мазкур фикр ҳозирги қарашларга тўғри келмайди, чунки ҳозир Б.Жонсон маъқулламаётган янги метафора яратишга ижодкорнинг ўзига хос санъаткорона нигоҳи, ижодий индивидуаллиги белгиси деб қаралади. Бизнингча, худди шу ўринда бадиий ижодда алоҳида индивид ролига катта аҳамият берган янги давр билан аъёналар устуворлиги сақланган традиционализм²⁸ даври қарашларидаги фарқни кўриш мумкин.

XVII асрдан антик адабиётни намуна билган классицистлар билан бир қаторда барокко йўналиши, унинг таркибида деб қаралувчи гонгоризм, маринизм, концептизм каби оқимлар ҳам майдонга чиқди. Барокко доирасидаги бу оқимларнинг ҳаммаси ижодда индивид ролига эътиборни кучайтиргани билан характерланади. Улар индивидуал нигоҳ билан кўрилганни ва ҳис қилинганни ўзига хос тарзда ифодалашга рағбат билдиришади. Шундан барокко ижодкорлари туманли-сирли ифодага, жимжимадорликка интиладилар, бу би-

²⁷ Кўрсатилган манба. – С.185 – 188.

²⁸ Қаранг: Теория литературы. В 2-х томах / Под ред. Н.Д.Тамарченко. – М., 2004. – С.221 – 223.

лан ўқувчини ҳайратга солиш ва шу орқали ҳузур бахш этишни ўзларининг вазифаси деб биладилар. Яъни барокко Арасту қўйган ва Уйғониш давридан бошлаб яратилган поэтикага оид рисолаларда қўллаб-қувватланган ифоданинг аниқлиги талабига зид йўлни тутати. Агар салафлар метафорани қўллашда эҳтиёт бўлишни кўп таъкидласалар, барокконинг ифода воситалари орасида метафора ҳукмрон мавқе эгаллайди, метафориклик барокко услубининг энг муҳим белгиловчи хусусияти бўлиб қолади. Жумладан, барокко назариётчиларидан бири Эммануил Тезауро фикрига кўра, закийлик ижоднинг муҳим шarti, чунки у нарса-ҳодиса моҳиятига кириш ва бу моҳиятни бошқа нарса-ҳодиса моҳияти билан боғлаш имконини беради. Худди шу боғлаш имкони бу нарса-ҳодисаларни бир-бирининг ўрнига қўйишга, яъни метафора яратишга замин бўлади. Тўғри, Тезауронинг назарий қарашлари асосида закийлик ётади, лекин закийликнинг пировард мақсади метафора, яъни закийлик метафора яратиш воситаси бўлиб қолади. Шунинг учун Тезауро метафорани «поэзиянинг онаси» деб билади.²⁹ Барокко шоирларининг ижодида метафора юксак даражада ассоциативлик касб этади, бу эса унинг анъанавий метафораларга нисбатан тушунилиши мураккаб бўлишига олиб келади. Ўз вақтида Арасту «агар жумла тўлалигича метафоралардан таркиб топса топишмоққа айланади»³⁰ ва бу ҳол ифода аниқлигига путур етказиши дея огоҳлантирган бўлса, улар онгли равишда шу йўлни тутадилар, топишмоқни ечиш, яъни метафора маъзини чақишнинг ўзи ўқувчига завқ берувчи восита деб биладилар.³¹ Барокконинг метафорага муносабатида ички зиддият кузатилади: бир томондан, унда метафорага (умуман, нутқ безакларига) Арасту каби поэтик тилнинг белгиловчи хусусияти деб қаралади, иккинчи томондан, ижодда индивид ролига катта аҳамият берилгани туфайли ижодкор томонидан кўрилган ва ҳис этилганни ифодалаш мақсади олдинга чиқади. Мазкур ички зиддият барокконинг ижодда традиционализмдан ижодий индивидуалликка ўтиш даври ҳодисаси эканлиги билан изоҳланиши мумкин.

Барокконинг метафорага бундай муносабати нафақат классицистлар, балки XVIII асрда майдонга чиққан маърифатчиларнинг рационалистик мавқедаги вакиллари қарашларига ҳам зид эди. Чунки уларнинг дунёқарашига рационалистик фалсафанинг таъ-

²⁹ Голенищев-Кутузов И.Н. Романские литературы. – М., 1975. – С.326 – 333.

³⁰ Аристотель. Риторика. Поэтика. – С.172.

³¹ Каранг: XVII век в мировом литературном развитии. – М., 1969. – С.109 – 129.

сири кучли бўлиб, бу фалсафа вакиллари рационал билиш билан эстетик билишни бир-биридан кескин фарқлаганлар, шу сабабли метафорага салбий муносабатда бўлганлар. Жумладан, инглиз файласуфи Т.Гоббс нутқнинг бирламчи вазифаси фикрни ифода-лаш ва билимни етказишда деб билади, бинобарин, бу вазифани бажаришга фақат ўз маъносига қўлланган сўзларгина қодир, метафора ва бошқа кўчимлар эса нутқнинг шу функциясига халақит беради. Шунга ўхшаш Ж.Локк ҳам образли сўзларни маъқулламай-ди, чунки улар одамни ёлғон ғояларга ишонтиради, эҳтирослари-ни кўзгаб, ақлини адаштиради³² деб билади. Эътибор берилса, бу Шарқда оммалашган «мажоз ҳақиқатнинг зиддидир» (А.Ҳусайний) деган қарашга ўхшаш, лекин улардан икки хил муносабат келиб чиқади. Яъни Шарқ мажозни ҳақиқатдан яхшироқ деб билади, чунки уни Ҳақни англашнинг муҳим воситаси деб ҳисоблайди.

Рационалистик мавқедаги маърифатчилик адабиётининг зидди бўлиб майдонга чиққан романтизм эса, аксинча, инсон тафаккурида, жумладан, бадиий тафаккурда метафоранинг ўрни ва аҳамияти жуда катта деб билади. Шу жиҳатдан қаралса, романтизм куртаклари барокко заминидан ниш урган деган фикр асосли. Зеро, бадиий тафаккур ривожини узлуксиз, унда қадимдан бошлаб иккита чизик мавжуд: бири – Арастудан бошланувчи моддий қараш асосидаги реалистик тамойил, иккинчиси – Афлотундан бошланувчи идеалистик қараш асосидаги нореалистик тамойил. Нореалистик тамойилдагилар мажозга, метафора ва рамзларга ҳаминиша юқори баҳо бериб келади. Жумладан, романтизм вакиллари метафорани нафақат ифода воситаси, балки тафаккурнинг асосий усули деб биладилар. Рационализмга қарши тураркан, масалан, Ф.Ницше (1844 – 1900) билиш метафорик шаклдагина мавжуд, субъект (инсон) билан объект (олам) орасида фақат метафора орқали ифодаланувчи эстетик муносабатгина бўлиши мумкин деб билади. Шунинг учун онг ўзини намоён этиш учун янги-янги имконлар қидиради ва бу имконларни миф ҳамда санъатдан топади. Рационал билишни инкор қилиб Ницше онгимизда тушунча шаклида яшовчи билимлар, аслида, метафоранинг қолдиқ парчаларидан бошқа нарса эмас деб ҳисоблайди. Шу синиқларни бир-бирига боғлаш орқали янги билим ҳосил бўлади, билиш жараёнида интуиция етакчидир. Шунинг учун Ницше ҳақиқат дегани «ҳаракатдаги метафора, метонимия, антропоморфизмлар тўдаси», «ҳақиқат – сароб, фақат

³² Қаранг: Гусев С.С. Наука и метафора. – Л., 1984.

унинг шунақалиги унутилган» дейди.³³ Яъни рационалистик ёндашув билиш жараёнида метафора яроқсиз деб санаса, Ницшенинг иррационал ёндашувига кўра, билиш фақат метафора даражасида қолади, нарса моҳиятига эса етиб бўлмайди. Хуллас, романтизм давридаги бундай қарашлар аъъанавий қарашларга қарши қаратилгани учун шунчалик кескин янграши мумкин, албатта, лекин бу, айти пайтда, метафорага эътибор кучая бошлаганидан далолат ҳам эди.

Буларнинг натижаси шу бўлдики, XVIII аср ўрталаридан нутқ безаклари, жумладан, метафорага поэтик тилнинг белгиловчи хусусияти сифатида қараш барҳам топа борди. Романтизм марказга ижодкор субъектини қўйди ва шу асосда бадиийлик мезонларини тубдан ўзгартирди. Энди ижодий индивидуаллик, ифода ва услубнинг ўзига хослиги асосий бадиий қадрият сифатида тушунила бошланди. Яъни энди ижодкор аъъанавий бадиий шакл ва воситалардан қай даражада моҳирона фойдалана олишига қараб эмас, ижодий тасаввур кучи билан бадиий олам яратиши ва у орқали ўзини қандай ифодалай билишига қараб баҳоланадиган бўлди. Натижада поэтик нутқнинг ҳам ташқи жиҳатлари (безаклари) эмас, унинг ифода хусусиятлари биринчи ўринга чиқди. Айти пайтда, шу даврдан бошлаб бадиий проза шиддат билан ривожланди, бу эса насрий нутқнинг тўлақонли бадиий нутқ шакли сифатида эътироф этилишига ҳамда ҳар қандай лексик бирлик ўз ҳолича эмас, балки бадиий матн контекстида поэтиклик касб эта олишининг англанишига олиб келди. Шунинг учун ҳозирги пайтга келиб, Арасту асос солган аъъаналарга зид ўлароқ, «бадиий тасвир ва ифода воситалари (яъни «нутқ безаклари» – О.К.) бадиий тилнинг белгиловчи хусусияти эмас, балки белгиловчи хусусият бўлмиш образлилик (тасвирийлик) ва эмоционалликни кучайтирувчи унсурлардир»³⁴ деган қараш устувор бўлиб қолди. Ушбу қарашни, бизнингча, битта шарт билан, яъни метафора фақат кўчим тури – бадиий тасвир ва ифода воситаларидан бири сифатида тушунилсагина тўғри деб қабул қилиш мумкин. Нега деганда, XX асрдан бошлаб метафорани ўрганишга эътиборнинг кучайиши, турли фан соҳалари вакилларининг бу борада олиб борган тадқиқотлари унинг аҳамияти «нутқ беағи» деган тушунчадан бениҳоя кенг эканини кўрсатмоқда. Яъни энди-

³³ Ницше Ф. Об истине и лжи во внеэравственном смысле // www.nietzsche.ru/works/other/about-istina/ 10.05.2011.

³⁴ Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 2007. – Б.112.

ликда метафора деб сўзнинг ўхшашлик асосида кўчма маънода қўлланишигина эмас, бадий матндаги алоҳида образ (бу ёйиқ метафора деб ҳам юритилади), баъзан бутун бошли асар ҳам (метафора-шеър) аталмоқда.

Хўш, нима учун ўтган асрга келиб метафорани ўрганишга эътибор кучайди? Бунинг сабаби, агар бадий адабиётдан келиб чиқсак, юқорида айтганимиздек, XVIII асрдан бошлаб ижодий индивидуалликка эътиборнинг кучайишидир. Чунки ижодий индивидуаллик ўзига хос поэтик нигоҳ билан кўриш ва ўзига хос ифодани тақозо этади, бу талабни қондиришда эса метафоранинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Иккинчи томондан, янги давр ўзгаришлари метафоранинг қўлланиш доирасини бениҳоя кенгайтирди. Агар илгари у, асосан, бадий матнда қўлланган бўлса, энди публицистикада (вақтли матбуотнинг ривожланиши назарга олинса, бу метафоранинг қўлланиш доирасини қанчалик кенгайтирганини тасаввур қилиш қийин эмас), илмда (бу ўринда фан-техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда янгидан номланиши зарур бўлган нарсаларнинг кўпайганини эсга олиш керак), фалсафада (XX аср Ғарб фалсафасида эссе хусусиятлари кучайгани, А.Камю, Ж.П.Сартр, К.Ясперс кабилар ижодини эслаш жоиз), ниҳоят, кундалик мулоқот тилида ҳам кенг ўрин эгаллай бошлади. Н.Д.Арутюнова айтганидек, метафорага қизиқиш ушбу соҳаларнинг фикрий ҳамкорлигига олиб келди ва инсон онгининг турли жиҳатларини ўрганувчи когнитив фаннинг пайдо бўлишига ёрдам берди.³⁵

Аслини олганда, метафорага тил ва тафаккур ривожига муҳим омил сифатида қараш анча илгари бошланган. Масалан, ўз вақтида қарашлари жиҳатидан романтикларга яқин турувчи машҳур немис филолог олими И.Гердер (1744 – 1803) тилнинг пайдо бўлишини мифологик тафаккур билан боғлаганди. Унинг фикрича, қадимият одами учун табиатда ҳар неки бор – ҳаммаси жонли мавжудот, инсон атрофидаги нарсалар ва амалларни шундан келиб чиқиб атаган. Шунақа экан, Гердер қарашига кўра, инсон аташ амалини ўзи (умуман, жонзот) билан аналоглар асосида, яъни метаболарлар орқали амалга оширган.³⁶ Кейинчалик романтиклар, хусусан, Ф.Шеллинг ҳам Гердер йўлидан бориб тил унсурлари ўзида мифология изларини сақлайди деб ҳисоблайди. Булардан фарқли ўлароқ, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб мифологик мактабнинг да-

³⁵ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990 – С.5.

³⁶ Қаранг: Гердер И. Трактат о происхождении языка. – М., 2007.

вомчилари бўлган А.Кун ва М.Мюллер тушунчаларнинг ҳосил бўлишида тил мифологияга нисбатан бирламчи деган фикрни илгари сурадилар. Хусусан, М.Мюллер ҳозирги инсон учун метафора онгли равишда сўз маъносини кўчириш бўлса, қадимият кишиси учун янги нарсалар-ҳодисани эски исм (сўз)ларга мувофиқ тарзда номлаш бўлганини таъкидлайди. Унинг фикрича, қадимги метафора инсон ижодий фантазиясининг маҳсули сифатида эмас, балки оламни билиш жараёнида юзага келувчи аташ зарурати туфайли пайдо бўлади.³⁷ Хуллас, булар метафорага тафаккур ва тил билан боғлиқликда қараш анча илгари қарор топа бошлаганини кўрсатади.

Шунга қарамай, метафорани тафаккур жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайди. Жумладан, немис файласуфи Э.Кассирер «Тил ва миф» номли китобининг битта бобини «Метафора қудрати» деб атади. Унинг метафора ҳақидаги фикрлари юқорида эслатилган мифологик мактаб қарашларини ривожлантиради. Бироқ Э.Кассирер тил ва миф муносабатида улардан бирига етакчилиكنи беришга ҳаракат қилмайди. Салафлари сингари у ҳам тафаккурнинг ибтидоий даврини, ҳали мантикий тафаккур шаклланмаган даврни тилда, мифларда, дин ва санъатда қолдирган излари орқали тадқиқ этади. Фақат Кассирер бунда инсон онги фикрий фаолиятнинг турли қирралари (миф, тил, санъат)ни бир бутунликка бирлаштиради деб билади, шунга кўра, уларнинг генезисини ҳам, структурасини ҳам бир-бирига боғлиқликда ўрганиш зарур дейди. Кассирер миф ва тил битта илдиздан – руҳдан келиб чиқади, улар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига ўтиб яшаган, бир-бирини тўлдирган ҳолда ривожланган деб ҳисоблайди. Олимнинг ёзишича, қадим аجدод образли тафаккур этган, нарсалар-ҳодисаларни характерли белгиларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд сўзларга таяниб атаган. Шунинг учун, унинг фикрича, қадимги метафора турдан хилга кўчириш асосида ҳосил бўлади. Шу тариқа инсоннинг олам ҳақидаги билимлари кенгайиб борган, зеро, аталган нарсалар анланган, билинган нарсалар. Қадимги инсон образли тафаккур этаркан, нарсаларни абстракт атаган эмас, аксинча, ҳар бир сўз пайдо бўлган вақтдан бошлаб илоҳ ёки иблиснинг конкрет мифологик образига айланган. Тил ва тафаккур ривожидида метафорага бунчалик катта аҳамият бериши билан Э.Кассирер мифологик мактаб аънаваларининг давомчилигига бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ҳақиқатда ундай эмас. Э.Кас-

³⁷ Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.34.

сирернинг фикрича, тараққиётнинг кейинги босқичларида тил ва мифнинг узвий алоқаси сусайиб борган, чунки «тил фақат миф салтанатига тегишли эмас, унда азалдан бошқа бир куч – логос кучи ҳам амал қилади».³⁸ Яъни, Ницшедан фарқли ўлароқ, Кассирер метафорага тафаккурнинг ягона усули деб қарамайди, балки уни мантикий (мантикий-дискурсив) тафаккур қаторидаги билиш механизми санайди.

Кўриб турибмизки, XVIII асрдан бошлаб метафорага тафаккур билан боғлиқ ҳодиса сифатида қараш кучайиб келган. Бу эса XX асрга келиб метафорани тафаккур механизмларидан бири сифатида тушунишни устувор этиб, унинг билиш жараёнидаги аҳамиятини янгича баҳолашни тақозо қилди. Натижада метафора, юқорида айтилганидек, нафақат филология, балки фалсафа, герменевтика, психология, мантиқ, фан методологияси каби соҳаларнинг ҳам объекти бўлиб қолди. XX аср ўрталаридан кенг оммалашган ва «когнитив фан» деган атама билан юритилаётган соҳа кенг маънода инсон онгида кечувчи билиш – билимлар олиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш жараёнларини ўрганувчи фанлар мажмуини англатади.³⁹ Метафора эса, ҳозирги когнитив фан нуқтаи назаридан қаралса, оддийгина кўчим эмас, балки инсон тафаккурига хос жуда муҳим бир жиҳат, унинг олами англаш механизмларидан биридир.

Жумладан, Ж.Лакофф ва Д.Жонсон кўпчиликка хос метафорани фақат бадий тасвир воситаси ёки тил билангина боғлиқ деб тушунишнинг янглишлигини айтиб, «...бизнинг фикрлашимиз ва ҳаракатланишимизга асос бўлувчи тушунчалар тизими моҳиятан метафорикдир», – дея таъкидлайдилар. Инсонни тушунчалар тизими бошқаргани ҳолда, унинг хатти-ҳаракатлари у ёки бу даражада автоматик тарзда амалга ошади. Шу сабаб инсон муайян схемаларга мувофиқ ҳаракат қиладики, улар сўз билан ифодаланган тушунчаларни бир-бирига чоғиштириш асосида, яъни метафора асосида ишлайди.⁴⁰ Испан файласуфи Х.Ортега-и-Гассет эса метафора ҳақида шундай ёзади: «Метафора бизга концептуал майдонимизнинг энг чекка жойларигача етиб бориш имконини берувчи тафаккур қуроли бўлиб хизмат қилади. Бизга яқин турган ва шу учун осон ўз-

³⁸ Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.41.

³⁹ http://virtualcoglab.cs.msu.su/CogSci_R.html

⁴⁰ Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.387.

лаштириладиган объектлар фикримизнинг биздан йироқ ва тутқич бермаётган тушунчаларга етиб бориши учун кўприқдир. Метафора ақлнинг «кўлини узун» қилади, унинг мантикдаги аҳамиятини қармоқ ёки милтиққа қиёслаш мумкин». Шу билан бирга, Гассет айтадики, метафора фикр салтанати чегарасини кенгайтирмайди, фақат унинг узоқ уфқида элас-элас кўринаётган нарсани англашга йўл очади.⁴¹

Шунга ўхшаш фикр фреймлар назарияси асосчиси М.Минский-да ҳам мавжуд. Аввало, у фрейм деганда нарса-ҳодисаларни ўрганишга имкон берувчи сценарийларни назарда тутади, унинг таълимотида метафорага ҳам салмоқли ўрин берилган. Жумладан, олим аналогиялар бирон-бир нарса-ҳодиса ёки ғояни тамоман бошқа нарса-ҳодиса ёки ғоя орқали кўришга имкон беришини, бунда инсон ҳаётнинг бир жабҳасида тўплаган билими ва тажрибасини тамоман бошқа жабҳадаги муаммоларни ҳал қилишга сафарбар этишини айтади. Унинг фикрича, билимлар шу тариқа шаклланади, метафора эса катта эвристик самара берувчи кутилмаган фреймлараро алоқаларни юзага келтириши билан қимматлидир.⁴²

Юқоридагиларни хулосалаб айтиш мумкинки, метафора ҳақидаги назарий қарашлар уни оддийгина нутқ безаги сифатида тушунишдан тафаккурнинг муҳим механизми деб тушуниш томон ривожланиб борди.

Метафора поэтик тафаккур механизми сифатида. Арасту «Поэтика»да шоирга йўл-йўриқлар бераркан, метафорада моҳир бўлмоқ кераклигини алоҳида уқтиради ва таъкидлаб айтадики, «Фақат шунигина ўзгалардан ўзлаштириб бўлмайди, бу қобилият (яъни метафора яратиш – О.К.) истеъдоднинг белгиси бўлиб хизмат қилади. Ахир яхши метафоралар яратиш ўхшашликни кўра олиш демакдир».⁴³ Демак, Арасту метафора яратиш қобилиятини туғма истеъдод билан боғлиқ тушунади, шунинг учун буни бошқалардан ўзлаштириб бўлмайди дейди. Албатта, файласуфнинг «ўхшашликни кўра олиш»га урғу бериши ҳам бежиз эмас. Сабаби, бунинг учун санъаткорона нигоҳ керак, ўхшашликни кўра олиш образли тафаккур этишнинг энг муҳим шартидир. Яъни, гарчи Арасту таъкидлаб айтмаган бўлса ҳам, бу ерда поэзияга хос образли та-

⁴¹ Хосе Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.71 – 78.

⁴² Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1988. Вып. XXIII. – С.291 – 292.

⁴³ Аристотель. Риторика. Поэтика. – С.173.

факкур назарда тутилаётганини билиш мумкин. Чунки метафора, аввалги фаслда кўрганимиздек, образли тафаккур натижаси бўлиб яралади. Гарчи тил ҳодисаси бўлса ҳам, метафора ўзининг бу хусусиятини эстетик функция бажарувчи поэтик нутқдагина тўла намоён этади. Бошқача айтсак, метафора поэтик нутқдагина бадий образ сифатида қабул қилинади. Зеро, метафора нарса-ҳодисани шунчаки атабгина қўймайди, балки уни бошқа нарса-ҳодисага қиёсан тавсифлайди, онгимизда аталаётган нарса ҳақидаги жонли тасаввур – образ яратади. Таъкидлаш керакки, бу образ поэтик нутқдагина асл ҳолича, яъни образ сифатида қабул қилинади, нутқнинг бошқа кўринишлари доирасида эса унинг пировард мақсади номинация бўлиб қолаверади ва у тушунча сифатида қабул қилинади.

Мазкур қиёсдан метафоранинг поэзиядаги ўрни ва аҳамияти нечоғлик катта эканини билиб олиш мумкин. Зеро, санъат, хусусан, поэзия образли тафаккур қилиш ва образли ифодадир. Шундан келиб чиққан ҳолда метафорани моҳиятан санъатнинг жажоки модели дейиш мумкин.

Аввалги фаслда кўрдикки, Э.Кассирер миф, тил ва санъатнинг генезисини битта ибтидога – руҳга боғлайди, улар азалда бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ва шу сабаб уларнинг генезисини бир бутунликда ўрганиш лозим деб ўқтиради. Кейинча эса инсонда абстракт тафаккур қилиш имконининг ортиши баробарида, уларнинг орасидаги боғлиқлик сусайиб борган. Натижада, жумладан, сўз ўзининг образли табиатини йўқотиб, нарса-ҳодисанинг абстракт номига айланган. Бироқ, олимнинг фикрича, руҳнинг бир соҳаси борки, унда сўзнинг образлилиги (тасвирийлиги) сақланадигина эмас, балки муттасил янгилашиб туради, бу соҳа поэзиядир. Сабаби, поэзия қадим илдизи – миф билан алоқани узмаган, аксинча, унинг энг сара намуналари миф билан мудом алоқада, унда оламга мифологик назар қайта туғилади. Фақат энди поэзияда яшовчи руҳ сўз ва мифологик образни бошқаради, энди улар илоҳлар ё иблисларнинг мифологик оламини ҳам, абстракт тушунча ё муносабатларнинг мантиқий ҳақиқатини ҳам ифодаламайди. Аксинча, поэзия улардан фориг бўлиб тахайюл оламига айланади, бу оламда эса руҳ эркин парвоз этади, шунинг учун конкретлашган соф ҳислар ўз ифодасини топади. Зеро, бадий ифода учун қўлланувчи сўз поэзияда ўзининг янги, эстетик ҳаётини бошлайди.⁴⁴ Кўряпмизки, Э.Кассирер

⁴⁴ Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.41 – 42.

поэзияни руҳ билан боғларкан, унда сўзнинг образли табиати ва оламга мифологик назар қайта туғилишини, шулар туфайли сўзнинг эстетик ҳаёти бошланишини таъкидламоқда.

Аслида, Э.Кассирернинг поэзияда оламга метафорик назар қайта туғилади дейишида ҳам метафориклик бор, бу ўринда мифологик тафаккур ўрнини эгаллаган поэтик тафаккур назарда тутилади. Албатта, мазкур фикримиз изох талаб қилади. Биз Э.Кассирернинг фикрларини бошқа олимлар фикри билан чоғиштириш орқали шу хулосага келдик. Жумладан, рус олими А.Потебня метафориклик – «тилнинг доимий хусусияти» деганида ҳар қандай сўзни образ деб тушунишдан келиб чиқади. Шу билан бирга, олим образ ва у ифодаляётган маъно бошқа-бошқа нарсалар эканининг идрок этилиши билан юзага келувчи метафорани ҳам фарқлайди ҳамда унинг пайдо бўлиши билан мифологик тафаккур йўқола бошлаганини таъкидлайди.⁴⁵ Мифологик тафаккурнинг йўқола бориши билан метафоранинг пайдо бўлиши орасидаги алоқадорлик мавжудлигини О.Фрейденберг ҳам таъкидлайди. Фақат олима буни мифга ишонч-эътиқоднинг йўқолиши билан эмас, образли тафаккурдаги структур ўзгариш билан тушунтиради: образ аниқ ўхшатиб бериш (мимесис)дан диққат марказига талқин қилинадиган маънони қўйиш асосида ривожлани, натижада метафора юзага келди.⁴⁶ Хуллас, мифологик тафаккур ўрнини метафорик тафаккур эгаллаши инсон онгининг ўсиши билан боғлиқ ва буни аввалги фаслда кўрдик. Поэзиянинг метафорага мойиллиги эса унда объектив олам – реал воқелик билан субъектив олам – инсон шахсининг тўқнаш келиши туфайли бўлиб, уларни орадаги ўхшашлик орқали англашга интилиш метафорани тақозо этади. Шунинг учун метафоранинг кенг тарқалган асосий кўринишлари жонлантириш ёки предметлаштириш асосида амалга ошади. Хусусан, жонлантириш асосидаги метафоранинг қадимийроқ экани унинг илдизлари мифологик тафаккурдан сув ичишига далолат қилади. Бу эса метафора мифологик тафаккур ўрнини эгаллади дегани бўлиб, поэзияда оламга мифологик назар қайта туғилади деган фикрни шу маънода тушуниш керак. Юқоридагилардан поэзияда сўзнинг эстетик ҳаётини таъминляётган асосий омил метафориклик экани маълум бўлади. Шу боис поэзияда метафоранинг ўрни ҳақида жуда кўп фикрлар билдирилган. Жумладан, структурализмнинг таниқли намоянда-

⁴⁵ Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., 1976. – С.341.

⁴⁶ Поэтика: Труды русских и советских поэтических школ. – Будапешт, 1982. – С.64 – 66.

ларидан бири Р.Якобсон фикрига кўра, «поэзиянинг асосида ўшашлик принципи ётади» ва шу жиҳати билан у «алоқадорлик»ка асосланувчи проза билан оппозиция ҳосил қилади.⁴⁷ Академик В.М. Жирмунский эса бутун бошли адабий йўналиш – романтизмнинг асосий хусусиятини метафорикликда кўради, чунки романтизм учун «метафора воқеликни романтик қайта яратиш усулидир».⁴⁸ Шунингдек, кўп ҳолларда метафора, метафориклик алоҳида шоир услубининг асосий белгиси сифатида ҳам кўрсатилади. Масалан, В.М.Жирмунский А.Блокни, Р.Якобсон эса В.Маяковскийни «метафора шоири» деб атайдди.⁴⁹ Бу эса метафоранинг услуб белгиловчи хусусияти ҳақида гапиришга асос беради. Шунинг учун В.М.Жирмунский метафорага ҳар доим бажараётган функцияси нуқтаи назаридан қараш керак, чунки метафоранинг қандай ишлатилаётгани шоир услуби ва дунёқарашининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ дебёзади.⁵⁰

Х.Ортега-и-Гассет метафоранинг фан ва поэзиядаги ўрни ҳақида тўхталиб метафора илмда ёрдамчи мақомида бўлса, поэзияда моҳиятни ташкил қилишини айтади. Бироқ, унинг ёзишича, эстетика метафорада фақат «гўзалликнинг жозиб жилвасинигина кўради», шу сабабли унга ҳақиқат категориясини татбиқ этмай, билиш куроли деб ҳисобламай келинади. Бу эса поэзияга тадқиқотчилик мақсадлари ёт эмаслигини, унинг ҳам фан каби позитив фактларни очиб беришга қодирлигини сезишга халақит беради. Ҳолбуки, поэзиянинг оламни билишда ўрни жуда катта, бироқ унинг бу борадаги аҳамиятини жуда кам одам тасаввур қила олади.⁵¹

Дарҳақиқат, аввалига поэзияга хос ҳодиса, шунда ҳам нутқ беазаги сифатида тушунилган метафора эндиликда фикрий фаолиятнинг барча кўринишларига бирдек хос эканлиги эътироф этилишини аввалги фаслда кўриб ўтдик. Гассетнинг фикридан шундай хулоса келиб чиқадики, метафорани поэзияда ҳам фақат нутқ беазаги эмас, балки бадий тафаккур механизми сифатида

⁴⁷ Якобсон Р. Два аспекта языка и два типа афатических нарушений // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.130.

⁴⁸ Жирмунский В.М. Введение в литературоведение: Курс лекций. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С.335.

⁴⁹ Қаранг: Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – С.426 – 432; Якобсон Р. Работы по поэтике. – М., 1987. – С.326.

⁵⁰ Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – С.441.

⁵¹ Х.Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.72.

тушунилса тўғри бўлади. Чунки метафора шоирга ўзининг ички оламини (ташқи оламга қиёсан) ва ўзидан ташқаридаги оламини (ички оламга қиёсан) англашга ёрдам берувчи тенги йўқ воситадир.

Яхши маълумки, ҳозирги вақтда метафора термини нафақат нутқ воситасида амалга ошувчи бадий коммуникацияга, балки бадий информация етказишнинг бошқа турлари (масалан, рақс, кино, рассомлик)га нисбатан ҳам қўлланади. Шунинг учун Ортега-и-Гассет юқорида тилга олинган мақоласида агар масалага чуқурроқ ёндашилса, эҳтимол, «метафора» терминидан воз кечишимизга тўғри келган бўлур эди, чунки у бизни чалкаштириб қўйиши мумкин деган фикрни билдиради.⁵² Албатта, файласуфнинг бу фикрида жон бор. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, юнонча «метафора» сўзининг луғавий маъноси «кўчириш» бўлиб, у дастлаб, умуман, кўчма маъноли сўз (троп) маъносида ишлатилган, бу ҳақда биринчи фаслда сўз юритдик. Ҳозирда мазкур термин билан фақат ўхшашлик асосидаги кўчим юритилиши маъно тораёйиши натижасидир. Иккинчи томондан, ушбу терминнинг қўлланиш доираси, маъно кўлами ҳозирда жуда кенг, бу термин билан маънони билвосита ва образли ифодалашнинг ҳар қандай кўриниши аталмоқда (масалан, рассомлик санъатидаги тасвирий образ ҳам, агар кўчма маъноси бўлса, метафора деб юритилаверади). Бундан ташқари, метафора маъно кўламини бадий адабиётда ҳам бениҳоя кенгайтирган. Натижада ҳозир биз ўхшашликка асосланиб кўчма маънода қўлланган биргина сўзни ҳам, матннинг бир бўлаги (мисра, банд; жумла, абзац)да ифодаланувчи образни ҳам, баъзан эса бутун бошли асарни тўлалигича метафора деб атайверамиз. Тўғри, кейинги икки ҳолни баъзан «ёйиқ метафора» ёки «метафорик образ» деб аниқлаштирамиз, лекин қисқа қилиб «метафора» дейиш кўпроқ учрайди. Демак, поэзияда метафора терминининг қўлланиш доираси кенгайди, бу эса унинг маъно доираси ҳам кенгайганини билдиради. Яъни агар аввалига метафора терминиди маъно торайиши (умуман, кўчма маънодаги сўз – ўхшашлик асосидаги кўчма маъноли сўз) юз берган бўлса, янги даврдан бошлаб унда маъно кенгайиши жараёни кузатилади. Натижада энди метафорани жуда кенг, яъни поэзияда (умуман, санъатда)ги бир нарсаси-ҳодиса моҳиятини иккинчи бир нарсаси-ҳодиса орқали очиш деб тушунила бошланди.

⁵² Қўрсатилган манба. – С.70.

Юқорида метафорани моҳиятан санъатнинг жажжи модели дейиш мумкинлигини айтдик. Метафора бадиий тафаккурнинг асосий механизми эканлиги, бадиий тафаккур метафорик шаклда кечиши шундай дейишга асосдир. Буни қандай тушуниш керак? Аввало, санъатдаги, жумладан, поэзиядаги образ конкрет ҳис этилади, демак, у нарсанинг аксигина эмас, балки унинг ўзи бошқа нарсадир. Образ ўзи акс эттираётган нарсани англаш воситасилигини эсга олсак, унинг ўзи табиатан метафорик эканлиги кўринади. Худди шундай ёндашув бутун бадиий асарга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин, зеро, эстетика ва адабиётшунослиқда бадиий асарнинг ўзи бутун ҳолича битта образга тенг деган қараш мавжуд.⁵³ Демак, поэзияда метафоранинг ўрнига жуда катта аҳамият берилиши, унинг асосида ўхшашлик принципи ётади дейилишига етарли асос бор. Сабаби, метафора принципи поэтик асарнинг барча сатҳларида, тилидан бошлаб композицион қурилишигача амал қилади. Фақат конкрет асарда бу принцип сатҳларнинг ҳаммасида ҳам доминант хусусият сифатида яққол кўзга ташланмаслиги мумкин. Масалан, В.М.Жирмунский «метафора шоири» деб атаган А.Блок шеърларидаги метафориклик шеърнинг барча сатҳларида бирдек намоён бўлади. Худди шу олим Пушкин услубига метафориклик у қадар хос эмас деб ҳисоблайди.⁵⁴ Бироқ, гарчи метафора Пушкин шеърларининг тилида ёки уларнинг композицион жиҳатдан уюштирилишида А.Блок шеърларидаги каби ҳал қилувчи аҳамият касб этмаса-да, барибир, поэтик образлари ёки шеърларининг ҳар бири кенг маънодаги метафориклик принципи доирасидадир. В.М.Жирмунский кўплаб дарслик ва қўлланмаларда эслатилувчи мазкур фикрига далил қилиб Пушкиннинг машҳур «Я вас любил» («Мен сизни севардим») шеърини келтиради. Дарҳақиқат, саккиз мисрали бу шеърда «севги сўнмаган» («Любовь ещё, быть может, В душе моей угасла не совсем») тарзидаги биргина метафора ишлатилган. Лекин, табиийки, гап сонда эмас, шу биргина метафоранинг ўзи шеър мазмунининг асосини ташкил қилади. Чунки ўша «сўнмаган севги», бир томондан, лирик қаҳрамоннинг шеърда мурожаат қилинаётган аёлга муносабатини белгилайди, иккинчи томондан, лирик қаҳрамон ички оламини очиб беради. Яъни шеър мазмуни, руҳи, эмоционаллиги «сўнмаган севги» туфайли конкретлашади. Демак, бунда метафоранинг аҳамияти жуда катта, аънаналарга со-

⁵³ Қаранг: Боров Ю. Эстетика. – М., 1987. – С.148 – 154.

⁵⁴ Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – С.341.

диқ Пушкин тилда аниқликка кўпроқ эътибор беришига қарамай, у қўллаган биргина метафора ҳам функционал жиҳатдан ўта фаол, шеърда мазмуний ва ҳиссий жиҳатдан уюштирувчилик вазифасини бажаради.

Пушкин шеъридаги биргина метафоранинг аҳамияти ҳақида айтилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳақиқатан ҳам, метафорага ҳар доим функционал жиҳатдан қараш керак. Фақат бу ўринда юқорида келтирилган В.М.Жирмунский фикрини бир оз тўлдиришга тўғри келади. Яъни метафорага функционал жиҳатдан қараш фақат шоирнинг услуби ёки дунёқарашини англаш учунгина зарур бўлмай, метафоранинг табиати билан боғлиқ юзага келувчи заруратдир. Шу заруратдан келиб чиқиб, бизнингча, метафорага функционал жиҳатдан қараганда, бир томондан, унинг шоирга дидагини ифодалашга, иккинчи томондан, шеърхонга уларни ҳис қилишга қанчалик ёрдам бераётганини диққат марказига қўйиш муҳим. Зеро, метафора ижодий фаолият маҳсули экан, худди бадий асар ёки образ каби иккала томонни – ижодкор ва ўқувчини бирдек назарда тутишни тақозо этади. Шунинг учун метафорани «тилнинг туши» деб атаган америкалик файласуф Д.Дэвидсон бу тушнинг таъбири туш эгаси билан таъбирчи ҳамкорлигида амалга ошишини уқтиради.⁵⁵ Демак, булардан маълум бўляптики, метафоранинг шеъриятдаги ўрни ва аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг шеърий матнда бажараётган вазифаларини кўздан кечириш зарурдир.

Шеърият ҳақида гап кетганда, энг аввал, унинг тасвир предмети инсон ҳис-туйғулари эканлиги, инсон қалбини тадқиқ этиши айтилади. Инсон қалби эса чексиз бир уммон. Ундаги эврилишлар, туйғулар жилвасини аташ учун ҳар доим ҳам сўз топилмайди. Шунинг учун шеър образ яратади, ўз навбатида, образ шоир учун ўша ҳис-туйғунини ифодалашга, шеърхон учун эса қайта ҳис қилиб кўришга имкон яратади. Худди шу нуқтада лисоний метафора билан поэтик метафора орасидаги фарқни кўриш мумкин. Поэтик метафора – образ, у лисоний метафора каби аташга эмас, балки ифодалашга қаратилган. Зеро, поэтик метафора сўз ёки сўзлардан таркиб топувчи матн бўлгани ҳолда, унда ифода сўз (ёки сўз бирикмаси, гап, матн) воситасида эмас, балки унинг ёрдамида яратилган образ орқали амалга ошади. Демак, биз оддий ҳақиқат сифатида қабул қиладиган «бадий адабиёт сўз воситасида иш кўради, сўз восита-

⁵⁵ Дэвидсон Д. Что означают метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.173.

сида ифодалайди» деган қарашни ҳам шундан келиб чиққан ҳолда тушуниш керак бўлади. Яъни сўз бадиий адабиётда образ яратиш воситасидирки, унинг ёрдамида сўз санъатининг ифода воситаси бўлмиш образ яратилади. Мисол учун, А.Ориповнинг куйидаги сатрларини олайлик:

*Чувалади ўйларим сенсиз,
Хаёлимга тароқ ургайман.
Менинг қўлим етмаган юлдуз,
Тушларимда сени кўргайман.*⁵⁶

Ушбу парча уч бандли шеърнинг биринчи банди бўлиб, унинг дастлабки уч мисрасида учта метафора қўлланган. Дастлабки иккита мисрада «сенсизлик»дан қийналаётган лирик қаҳрамон ҳолати жонлантирилган, яъни лирик ҳолат образи яратилган. Айни шу образ ўқувчининг шеърни қабул қилишига, лирик қаҳрамон кечинмаларини ўз кўнглидан кечириб кўришига асос бўлади. Лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг ғоят аниқ ифода этилгани шеърнинг муваффақиятини таъминлаган бош омилдир. Бунда метафора ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу фикримиз, агар Арасту метафораларни кўп қўллаш нутқнинг аниқлигига путур етказди деб ҳисоблагани ва бундай қараш узоқ вақт устувор бўлганини эсласак, баҳсли кўриниши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, парчада Арасту назарда тутган аниқлик йўқ, чунки сўзлар ўз маъносига хилоф ишлатилган ва шеърхондан кўчма маънони англаб олиш талаб этилади. Бироқ бу ўринда аниқликка сўз орқали эмас, балки образ орқали, лирик ҳолат образи орқали эришилган. Чунки «чувалмоқ» феъл-метафораси лирик қаҳрамон руҳиятида кечиб турган ноаниқлик (ўйларининг тагига етолмаслик, зиддиятли ўйлар гирдобиди бир хас каби чирпирак бўлиш) ҳолатини аниқ ифодалайди. Таъкидлаш керакки, метафора бу ҳолатни атаётгани йўқ, балки жонли тасвирлаб бермоқда. Худди шунда метафоранинг шеърятдаги муҳим функцияларидан бирини кўриш мумкин. Агар шоир метафорик ифодалаш ўрнига ҳолатни атаганида эди, лирик ҳолатнинг образли тасаввур қилиниши қийин бўлур эди. Иккинчи томондан, аташ аниқликни талаб қилади. Лирик ҳолатни эса, биринчидан, аниқ аташнинг имкони йўқ, иккинчидан,

⁵⁶ Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б.112; бундан кейин шу нашрдан кўчирма олинганда қавс ичида рим рақами билан жилд, араб рақами билан саҳифани кўрсатамиз.

ҳар қандай аниқлик ҳолатни чегаралаб қўяди. Натижада шоир учун ифода имконлари, шеърхон учун тасаввур имконлари чекланиб қолади. Метафора эса, аксинча, айти шу имконларни кенгайтиради. Мазкур жиҳати билан метафорик ифода ижод жараёни учун ҳам, ўқиш жараёни учун ҳам бирдек муҳим аҳамият касб этади.

Биз шу чоққача «чувалмоқ» феъли билан ифодаланган метафорани алоҳида олган ҳолда фикр юритдик. Ҳолбуки, биринчидан, «чувалмоқ» метафораси матндаги бошқа сўзлар билан алоқада ва образ-ҳолатни улар билан бирликда яратади, иккинчидан, у матндаги бошқа метафоралар билан ҳам узвий алоқада. Масалан, биринчи мисрада «чувалади ўйларим» метафораси «сенсиз» сўзи билан боғланганидагина конкрет мазмун касб этади, зеро, улар бир бутунлиқдагина йўқотиш изтиробига тушган ошиқ руҳиятини тасвирлайди. Агар «чувалади» феъл шакли давомийлик маъносини ифодалашини эътиборга олсак, шеърда оний кечинма эмас, балки лирик қаҳрамон руҳиятида муайян вақт доирасида кечаётган ҳолат тасвирлангани аён бўлади. Албатта, бу оғир ҳолат ва ундан чиқиш учун лирик қаҳрамон «хаёлига тароқ уради» – гирдоб мисол ўз домига тортаётган зиддиятли ўй-кечинмаларни тартибга солмоққа интилади. Лекин бефойда, бу ҳолат нафақат ўнгида, тушларида ҳам давом этади. Чунки ёр – энди ошиқ «қўли етмаган юлдуз». Агар биринчи мисрада фақат «сенсизлик» ҳақида гап борган бўлса, учинчи мисрада «қўл етмаган юлдуз» метафораси ҳолатни аниқлаштиради, «сенсизлик» мотиви энди «айрилиқ» мотивига айланади. Шу тариқа метафораларнинг ўзаро ва матндаги бошқа сўзлар билан алоқаси лирик қаҳрамон ўй-ҳиссларини ҳозир кўнгилда кечаётган жараён сифатида тасвирлашга имкон беради. Шеърни ўқиш чоғида эса бу жараён нафақат тасаввур қилинади, балки шеърхон кўнглига кўчади. Худди шу нарса бадиият ҳодисаси амалга ошганидан далолат бўлиб, шеър шоир ва шеърхон қалбларини туташтирувчи кўприкка айланганини кўрсатади ва лирик асарнинг қимматини белгилайди.

Метафора – лирик субъект кайфиятини бериш, шеърнинг эмоционал тоналлигини белгилашнинг тенгсиз воситаси. А.Ориповнинг мўъжазгина бир шеъри «Осмон уфқларга сепар кул рангин» мисраси билан бошланади. Шу илк мисранинг ўзиёқ лирик қаҳрамон жуда тушкун бир кайфиятда эканлигидан дарак беради. Айти дамда, бу ўзига хос сигнал ҳам бўлиб, кейинги мисралар шунга мувофиқ ўқилади ва қабул қилинади:

*Осмон уфқларга сепар кул рангин,
Булутлар чопади, ҳорғин, безга.*

Ҳаво нега мунча маъюс,

Ҳаво нега мунча ғамгин:

Оҳ, мен сендан ажралдим нега?... (I, 113)

Кўриб турганимиздек, шеърнинг кейинги мисралари ҳам ғамгин, элегик руҳ билан йўғрилган, бунинг илк мисрадаёқ ифода топгани ўқувчини шеърни қабул қилишга эмоционал жиҳатдан тайёрлайди. Шу томони билан ушбу шеър юқорида кўрилган «Чувалади ўйларим сенсиз» шеърига ўхшайдики, бу А.Ориповнинг метафора қўллашдаги ўзига хос жиҳатларидандир. Қолаверса, бу шеър метафоранинг миллий хусусиятлари ҳақида фикр юритишга ҳам қулай. Кўриниб турибдики, шеърдаги кайфият асосини йўқотиш изтироби, аза руҳи ташкил қилади. Балки, аза руҳи деганимиз ўринсиз кўринар. Лекин шоирнинг шу йилларда ёзилган шеърларидан бири «Севги ўлими» деб номланганки, бу аза руҳи деганимизни оқлайди. Мутахассислар метафора миллий менталитет, қадим ишонч-этиқодлар ва урф-одатлар билан боғлиқлигини таъкидлайдилар. Агар ўтмишда аёлларнинг азада бошларидан кул сочиш одати бўлгани эсланса, «осмон уфқларга сепар кул рангин» метафорасининг илдизлари кўзга ташланади. Демак, илк сатрни ўқигандаёқ аза руҳини ҳис қилишимиз бежиз эмас, осмоннинг уфқларга кул рангини сочиши билан момоларнинг азада бошларидан кул сочиши ўртасидаги аналогиялар бунинг асосидир. Тўғри, миллий ўқувчи ўтмиш урф-одатларига оид тафсилотни билмаслиги ҳам мумкин, лекин англамаган тарзда ўша руҳни ҳис қилади. Зеро, инсон онгида суяк суриб асрлардан ўтиб келувчи тарихий хотира яшайди, англаган ё англамаганидан қатъи назар, унинг тафаккур тарзига таъсир этади.

Метафора фикрни образли тарзда, таъсирли ифодалашга хизмат қилади. Унинг бу хусусияти ўқувчига ҳайрат ва завқ беради, ҳайрат ва завққа ўраб берилган билим эса бамисоли тошга ўйилган битик бўлиб, умрбод ўқувчи онгида муҳрланади. Кўпчилик ёдида сақланувчи шоҳ сатрлар ифодаланган фикрнинг ноёблиги билангина эмас, ўша фикр гўзал тарзда ифодалангани учун ҳам қадрланади. Инсон психологияси шундайки, уни фикрнинг янгилигидан кўра янгича ифода этилгани кўпроқ қизиқтиради. Одамзод неча-неча асрлардан буён ўз тажрибасига таянган ҳолда инсон табиати, умр

мазмунни, муҳаббат, дӯстлик, адолат ва ҳоказо барчага баробар аҳамиятли масалалардаги фикрларини умумлаштириб ёзувда мангуа муҳрлаб келади. Жумладан, шоир қавми пайдо бўлибдики шу иш билан машғул. Агар шундан келиб чиқилса, айтилмаган фикрнинг ўзи кам қолган дейиш учун асос етарли. Демак, бу ўринда ўз-ўзидан қандай айтиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Масалан, умрининг ўткинчи ва бир бор бериладиган неъмат экани, унинг ҳар бир лаҳзасини қадрлаб, ҳаётдан завқ олиб яшаш кераклиги айтилиши ҳақиқат, бироқ қайта-қайта айтилавериш сийқаси чиқиб кетган ҳақиқатдир. Агар бу ҳақиқат шунчаки айтилса, биров эътибор ҳам бермайди. Бироқ шоир уни шундай ифода этадики, натижада у мутлақо янги-дек ўқувчини ўзига тортади. А.Ориповнинг «Кўпдан кутган эдим...» шеърисида, бир қараганда, гап баҳор ҳақида кетаётгандек. Лекин унинг қат-қатига юқорида айтилган фикрлар сингдирилган. Табиатдаги уйғонишдан қалби завққа тўлган лирик қаҳрамон баҳорнинг гўзаллигидан баҳра олишга чорларкан, шундай хитоб этади:

*Бугун бош устингда яшнаган япроқ
Шовуллаб тўкилар эрта пойингга.
Бу учқур йўловчи солмайди қулоқ
Сенинг илтимосинг, сенинг раъйингга (I, 93).*

Ушбу парча ҳикмат каби жаранглайди ва ўқувчи ёдида сақланиб қолади десак, асло муболаға бўлмайди. Аввало, япроқ умридан баҳс этувчи икки мисра ўз маъноси билан бир қаторда метафорик маънога ҳам эга. Яъни бу икки мисрада табиатдаги фасл алмашилиши орқали инсон умрининг фонийлиги яна бир қарра эслатилади. Кейинги сатрдаги «учқур йўловчи» метафораси эса вақтнинг инсон измидан ташқаридалигини таъкидлаб, ҳаётни севишга ундайди. Ифоданинг оригинал ва гўзаллиги барчага аён ҳақиқатни янгилайди, унга янги жило бериб ўқувчи эътиборини ўзига жалб қилади.

Лисоний метафоранинг умри қисқа, чунки у аташ зарурати билан юзага келади. Қачонки кўчма маъно тилда етарли даражада ўзлашиб кетса, у метафоралик хусусиятини йўқотади: энди у кўчма маъно эмас, балки сўзнинг луғатларда тартиб сон билан ифодаланувчи ўз маъноларидан бирига айланади. Поэтик метафоранинг қисмати эса бундай эмас. Чунки поэтик метафоранинг ўз дунёси бор: у конкрет матн доирасида яшайди, демак, то шу матн яшар-

кан, унинг ҳам оҳори тўкилмайди. Поэтик метафора ҳамisha оригиналликка интилади, шу оригиналлик унга жозиба кучини бериб ўқувчини хайратлантиради. Қолаверса, ҳар қанча оригинал бўлмасин, поэтик метафора миллий тафаккур, лисоний ва адабий анъаналарнинг мустақкам заминида туради. Мисол учун, А.Ориповнинг қуйидаги маълум ва машҳур мисраларини олайлик:

*Денгиз ортин ёритди илк бор
Берунийнинг ақл машъали (I, 179).*

Мазкур мисраларда метафорик маъно қандай юзага чиқишини кўриб чиқсак, поэтик метафорадаги оригиналлик ва анъанавийлик муносабатини англашимиз мумкин бўлади. Бизнингча, қуйидагилар метафорадаги анъанавий жиҳатлардир:

1) миллий тафаккуримизда илм доим зиё, нур, ёруғлик тушунчалари билан муқояса этилган;

2) диний анъаналаримизда олимлар зулматни ёритувчилар деб тушунилган;

3) миллий адабий анъаналарда нур ва зулмат, маърифат ва жаҳолат қаршилантиришлари фаол ишлатилган;

4) халқ оғзаки ижодида, кейинчалик қисман ёзма адабиётда дунё Қоф тоғи билан ажратилиб, чегаранинг бу томони аниқ тасаввур этилган (ёруғ), нариги томони ҳақида тасаввурлар мавҳум (қоронғи) бўлган.

Мазкур асослар А.Орипов қўллаган метафора илдизлари чуқур эканлигини кўрсатади. Келтирилган асосларнинг дастлабки учтаси ҳозирда ҳам тўла амал қилади, улар миллий ижтимоий ва бадий тафаккурда универсал мақомга эга. Лекин шеър ёзилган пайтга келиб тўртинчи асос жиддий ўзгарган, улар қуйидагилар:

1) дунё иккига ажралади, лекин Кўҳи Қоф билан эмас, балки океан (уммон, денгиз) билан ажратилади;

2) шеър ёзилган пайтда дунёдаги жами ёвузликлар (зулмат) океанорти билан, эзгуликлар (ёруғлик) бу томон билан боғлиқ деб тушунилган.

Бундан ташқари, XX аср кишиси Ернинг шарсимон эканлиги, ғарбий ва шарқий яримшарларни фақат қуёшгина ёрита билишидан яхши хабардор. Шу маънода, шеърда айтилмаганига қарамай, ўқувчи Беруний даҳосининг нечоғлик буюклигини Қуёшга қиёсан янада теранроқ ҳис этади.

Поэтик метафоранинг қабул қилинишида миллий адабий анъаналар контексти жуда муҳим. Чунки ҳар бир янги асар шу заминда туғилади ва ўзига яратилган асарлар билан диалогик алоқада бўлади. Масалан, А.Ориповнинг «Оҳ, ўтган у кунлар қайтмагай зинҳор» мисраси билан бошланувчи шеърида «Ўчган муҳаббатнинг ёнмоғи душвор» (II, 57) сатри бор. Шоирнинг метафорани худди шу тарзда қўллашига имкон берувчи асос мумтоз адабиётимизда ишқ-муҳаббатнинг олов билан, оташ билан жуда кўп муқояса қилинганидир. Яъни, гарчи матнда муҳаббат оловга ўхшатилмаган бўлса-да, шоир ва ўқувчи онгида бу ўхшатиш мавжуд, шу туфайли «ўчган муҳаббат» ҳақида гапириш ва тушуниш мумкин бўлади. Худди шу фикрларни шоирнинг қуйидаги мисраларига нисбатан ҳам билдириш мумкин:

*Бошимга чиқди гоҳ пойим тўзони,
Улуғлар қошида гоҳ бўлди жойим* (II, 31).

Маълумки, мумтоз шоирларимиз ошиқнинг «ёрнинг гарди пойи бўлишга» ёки «ёр гарди пойини кўзларига суришга» тайёр ҳолати акс этган кўплаб байтлар айтганлар; нутқий этикетда «гарди пойингиз бўлай», «йўлингизга пойандоз бўлай» қабилидаги такаллуфлар ўзини мурожаат этилаётган одам қаршисида арзимас дейиш орқали ҳурмат изҳорига хизмат қилади; урфларимизда инсонлараро муносабатларни белгилашда «тўр ва пойгак» тушунчалари муҳим ўрин тутади. Айтмоқчимизки, А.Орипов қўллаган метафоранинг маъноси худди шу тушунчалар асосида рўёбга чиқади.

Метафоранинг миллийлиги, биринчи галда, тилнинг миллийлиги билан, тилда миллат руҳи, унинг урф-одати ва ишонч-эътиқодлари яшаши, турмуш ва тафаккур тарзи яшаши билан боғлиқдир. А.Ориповнинг «Ғалати зот» номли тўртлиги бор:

*Ёнғоқнинг тагидан ўтганми бу зот?
На дўстин, на ёрин хушлайди.
Бошини силасанг, шу заҳот
Қўлингни тишлайди...* (II, 89)

Ушбу шеърда метафора халқ тилида кенг қўлланувчи «ёнғоқ тагидан ўтган» (вариантлари: «ёнғоқ тагида ётган», «ёнғоқ таги-

да ухлаган») ибораси билан ифодаланган. Иборанинг маъноси халқимизнинг қадимдан келувчи ишонч-этиқодлари билан боғлиқ. Уларга кўра, ёнғоқ дарахти инс-жинслар макони, шунинг учун ёнғоқ тагида ухлаб қолиш жуда хавфли, жин чалиб кетиши ва одам «айниб қолиши» мумкин. Шеърда тавсифланган зот ҳам «ғалати», шу сабаб «на дўстин, на ёрин хушлайди». Шоир бундай тутум, бундай феълни «айниб қолиш», инсонликка номувофиқ деб билади. Унинг бундай қараши кейинги мисраларда, ғалати зотни «бошини силаса тишлайдиган» итга ўхшатганида кузатилади. Аслини олганда, бу ҳам метафора, фақат бунда итнинг қилиғига нисбат бериш билан ғалати зотнинг итлиги айtilмоқда.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллардан кўринмоқдаки, метафора бошқа қатор вазифалар билан бир қаторда асарнинг миллийлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этар экан.

Аксарият ҳолларда метафоранинг матн доирасида маънони уюштирувчи марказ бўлиб хизмат қилаётгани, шеър мазмуни шу марказ атрофида уюшиши ва рўёбга чиқиши кузатилади. А.Ориповнинг «Баҳор шамоли» номли шеъри тўрт банддан ташкил топган бўлиб, биз унинг мазмунни уюштирувчи маркази деб ҳисоблаган иккинчи бандини келтирамиз:

*Қоялар кўксида шодмон, беқайғу,
Оний умри билан солланар чечак.
Баҳор бу – энг тоза шаббодадир бу,
Баҳор бу – энг тоза шамолдир демак (I, 120).*

Кўриниб турганидек, биринчи икки мисрада метафора-жонлантириш қўлланган. Шоир бунда иккита нуқтага маъно урғуси беради: биринчиси чечакнинг бахтиёрлиги бўлса, иккинчиси унинг умри «оний» эканлиги. Яъни умри оний бўлишига қарамай, чечак «шодмон, беқайғу солланади» ва шу нарса ички зиддиятни келтириб чиқаради. Мазкур ички зиддият, умуман, қўлланган метафора бажараётган функция шеър ниҳоясида англашилади:

*Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин (I, 120).*

Бизнингча, шеър мазмуни охирги иккинчи банд билан боғлиқликда олинсагина тўғри тушунилиши мумкин. Чечак ўзига берилган умр бир нафасда ўтиб кетишини билгани ҳолда нечун бахтиёр? Чунки у ўша оний умрни «тоза шаббода кўйнида» эмин-эркин, софлигини сақлаб ўтказади. Охирги бандда баҳорнинг ўтиши уч бора таъкидланадики, бу, бизнингча, бандларни ўзаро мазмунан боғловчи риштадир. Зеро, чечакнинг оний умри ҳам ўтади, баҳор ҳам ўтади, умр ҳам ўтади. Фақат шу ўткинчи умрда бахтиёр бўла олишнинг битта муҳим шarti бор: инсон софлигини, кўнгил мусаффолигини сақлаб яшамоғи керак. Демак, ушбу шеърда аввал метафора асосий ғояни ўзида сиқик ифодалайди, сўнг шу сиқиклик ёйиб шарҳлаб берилади. Бугина эмас, образнинг бадий-эстетик самараси ундан анча кенг. Зеро, шеър ўқувчиси охирида яна «қоялар бағрида шодмон, беқайғу, оний умри билан солланиб турган» чечакка қайтарилади. Фақат энди шу образ шеър мазмун-моҳиятини ўзида бекаму кўст мужассам этади ва бир ҳикмат сифатида қабул қилинади.

Юқоридагига ўхшаш айрим ҳолларда шеър тўлалигича битта метафорани, метафорик образни яратишга сафарбар этилган бўлади. Табиийки, бу ҳолда шеърда ишлатилган бошқа бадий воситалар, жумладан, бошқа метафоралар ҳам ўша бош мақсадга бўйсундирилади. А.Ориповнинг «Арслон ва инсон» шеъри бунга яхши мисол бўла олади. Шеър ҳақидаги фикрларимизни текшириб кўриш ва қай даражада асосли эканига ишонч ҳосил қилиш учун матнни тўлиғича келтирамиз:

*Жами жонзотлардан ёлғиз бир арслон
Қуёшга кўз юммай қарар эмиш тик.
Балки, шу сабабдан у соҳиб ўрмон,
Жонзотлар ичида яшар беҳадик.*

*Инсон! Сенинг учун ҳақиқат – қуёш,
Ўзингни тириклик шоҳи санайсан.
Афсуски, бошинг ҳам, кўзларингда ёш,
Қачон қуёшингга сен тик қарайсан?.. (II, 80)*

Аввало, шеър бандлари ўзаро қаршилантирилгани, шоир композицион контраст усулидан фойдаланганини айтиш лозим. Биринчи бандда «қуёшга тик қараш» арслоннинг жонзотлар шоҳи бўлишига ҳуқуқ берган, «соҳиби ўрмон» сифатида «беҳадик» яша-

шига имкон яратган нарса дея талқин қилинмоқда. Иккинчи бандда ўзини «тириклик шоҳи» сановчи инсонни арслонга қарши қўяркан, шоир инсонда ўзини шундай санашга маънавий ҳуқуқ борми деган масалани ўртага ташлайди. Ўзи афсус билан тан олганидек, бу саволга шоир тасдиқ жавобини беролмайди, чунки инсон ўз қуёши – ҳақиқатга тик қарай олишга ожиз. Шеърда композицион контраст усули билан бир қаторда «соҳиби ўрмон», «тириклик шоҳи» метафорик перифразалари, риторик ундов, риторик сўроқ каби бадий воситалардан фойдаланилган. Лекин бу бадий усул ва воситаларнинг ҳаммаси битта мақсадга, яъни «ҳақиқат – қуёш» метафорасини кўзланган ғояга мос бадий талқин қилишга бўйсундирилган. Зеро, шеър шу метафора учун, унинг воситасида шоирни ўйлан-тирган инсон табиати, ҳаётдаги ижтимоий позицияси каби қатор муҳим масалалар билан боғлиқ фикр-дардларни ифодалаш учун ёзилган. Бунинг учун шоир «ҳақиқат – қуёш» метафорасини асосга қўяди-да, уни юқоридаги воситалар ёрдамида ёйиб шарҳлаб беради, пировардида инсон ҳақиқатга тик қараб яшай олсагина инсонлик номи ва шаънига муносиб бўла олади деган ғояни юксак бадий маҳорат билан ифодалайди.

Албатта, метафора шеърий матнда бажарувчи функцияларни тўла ёритиб бериш битта боб доирасида имконсиз ишдир. Бироқ юқоридаги таҳлилларимиз ҳам метафоранинг шеъриятда жуда катта ўрин тутиши, метафора бадий тафаккурнинг асосий механизми эканлиги, поэзиянинг асосида ўхшашлик принципи ётиши ҳақида бунгача эслатилган фикрларни тасдиқлаш учун етарли деб умид қиламиз.

II БОБ. АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРА ВА МЕТАФОРИКЛИК

Абдулла Орипов шеъриятининг метафоралар манбаи ҳақида. Абдулла Орипов адабиёт, шеърият ҳақида гапира туриб шундай дейди: «Адабиёт, шеърият образлилик билан тирикдир. Шеъриятда самимият ҳам бўлиши керак. Шундагина у бир умр эсда қолади» (IV, 54). Демак, шоир шеърият олдига иккита асосий талабни қўяди: образлилик ва самимийлик. Шубҳасиз, ғоят тўғри талаблар. Лекин шуниси борки, уларнинг биринчиси поэзиянинг табиати билан, иккинчиси эса ижодкор шахс – шоир табиати билан боғлиқ. Албатта, самимият жуда зарур, лекин образлилик бирламчи эканлиги шубҳасиз. Адабиёт илми бадий образ поэзиянинг воқеликни бадий-эстетик инъикос қилишида энг асосий, бирламчи восита эканлигини бешак ҳақиқат дея эътироф этади. Зеро, сўз санъати инсоннинг ички оламини ҳам, ундан ташқаридаги оламни ҳам бадий образ воситасида идрок этиб, уларга эстетик идеал нуқтаи назаридан муносабатда бўлган ҳолда умумлаштиради ва конкрет ҳис қилинадиган тарзда акс эттиради. Яъни бадий образ санъатдаги ҳам тафаккур, ҳам ифода шаклидирки, шунинг учун образлилик санъатнинг белгиловчи хусусияти саналади.

Эстетика ва адабиётшуносликка оид ишларда бадий образнинг материали, бир томондан, реал воқелик, иккинчи томондан, ижодкор шахси эканлиги таъкидланади.⁵⁷ Агар метафора (ҳатто унинг энг оддий кўчим даражасидаги кўриниши ҳам) образ эканлигини эътиборда тутсак, бу гап унга ҳам тўла тегишли деган хулоса келиб чиқади. Аслида, буни Арасту яхши метафора ярата олиш, ўхшашликни кўра олиш истеъдоднинг белгиси деб ҳисоблаганидаёқ эътироф этган. Чунки ўхшашлик воқеликда мавжуд бўлса, уни кўра олиш ижодкор шахси билан боғлиқ, яхши метафора эса шу иккисининг бирлигида яратилади. Арасту метафора яратишни ўз-

⁵⁷ Боров Ю. Эстетика. – М., 1987. – С.144 – 146; Қуროнов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 2007. – Б.65.

галардан ўрганиб, ўзлаштириб бўлмаслигини, яъни унинг туғма қобилият билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Демак, метафора (умуман, образ) ярата олиш учун киши алоҳида сифатларга эга бўлиши лозим. Хўш, бу қандай сифатлар? Бизнингча, ушбу саволга жавобни Абдулла Ориповнинг ўзидан излаш керак.

Абдулла Орипов ёзувчи Шойим Бўтаев билан суҳбатда шундай дейди: «Теварак атрофдаги нарсаларга – дарахтларга, гулларга, гиёҳларга ҳамманинг ҳам нигоҳи тушади. Сиз кўрган-билган воқеа-ҳодисалардан ёнингиздаги ўртоғингиз ҳам воқиф бўлади. Бироқ улардан таъсирланиш ҳар хил. Биров йиқилган дарахтга кўз ёшсиз қарай олмаса, биров одамни бўғизлашса ҳам лоқайдгина кузатади...» (IV, 96) Кўряпмизки, бу ерда гап санъаткор учун энг муҳим сифат – таъсирланиш ҳақида боряпти ва уни ижодга туртки берувчи илк омил санаш керак. Албатта, шоир тўғри таъкидлаётганидек, таъсирланиш даражаси ҳар кимда турлича. Шу билан бирга, таъсирланиш билан таъсирчанликни ҳам фарқлаш керак. Таъсирчанлик кўпчиликка хос, лекин ҳаммада ҳам ташқи оламдан олинган таассурот бадий мушоҳадага етакламай, бошқа йўллар билан (йиғлаб-сиқташ, ғамга чўкиш, қувониш ва ҳоказо) қондирилади. Аксинча, таассурот ижодкорнинг қалбини ҳисларга тўлдиради, уларни бадий мушоҳада кучи билан идрок этиш ва ифодалаш эҳтиёжини туғдиради. Яна А.Ориповнинг ўзига мурожаат қиламиз: «Мен неғалигини ўзим ҳам билмаган ҳолда тўкилаётган япроқларга, юлдузларга боқиб хўрсинган вақтларим бўлган... Нималарнидир айтгим, тўлиб турган юрагимни қоғозга туширгим келарди...» (IV, 96)

А.Орипов йигитлик даврида ёзган «Куз хаёллари» шеърида мана бу мисралар бор:

*Бир ҳикмат ўқийман хазонларда мен:
«Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен» (I, 27).*

Менимча, мазкур мисраларда шоирнинг бадий тафаккур тарзига хос жуда муҳим хусусият ўз ифодасини топган. А.Ориповнинг илк ижоди билан танишган киши унда чор атрофига шоирона ўткир нигоҳ билан боқиб ундан ҳикмат уқайётган лирик қаҳрамонга қайта-қайта дуч келади. Шоир табиат билан инсон, унинг ўй-ҳислари, қувонч-ташвишлари, кайфияти орасида ўхшашликлар топади ва шу ўхшашликлар ёрдамида дилидагини изҳор қилишга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бу ёш шоирга берилган улкан иқтидордан нишона эди. Зеро, шоир илк машқлариданоқ оддийгина изҳор эмас, поэтик изҳорга, образли ифодага ҳаракат қиладики, худди шу нарсанинг фитратида санъаткор яшаётганидан дарак берган, балки, кўпчиликда истеъдоднинг порлоқ келажагига умид уйғотган асосий омилдир.

Истеъдоднинг камолида муҳитнинг нечоғлик катта аҳамиятга эгалиги маълум. Албатта, бўлғуси шоир оиласида ҳукм сурган адабиётга алоҳида бир меҳр (I, 7) унинг ижодкор сифатида шаклланишида муҳим омил бўлгани ҳам шубҳасиз. Лекин, фикримизча, А.Ориповнинг биз билган улкан сўз санъаткори бўлиб етишишида туғма истеъдоди билан бирга болалиги ўтган жойлар табиатининг ҳам улкан хизмати бор. Шоир таржимаи ҳолида шундай деб ёзади: «... баҳор пайтларида бу ерларга ёгин кўп тушар, Қўнғиртов этаклари минг хил ўт-ўлан, чучмомаю қизғалдоқлар билан, қуёнтўпиғу исмалоқ билан, каррағу ҳазориисфанд билан, кўзигуллар билан қопланар, атроф-теварак жаннатий бир манзара касб этарди... Ўша Қўнғиртовда бизнинг болалик йилларимиз ўтган. Баҳор келганда ҳавони ўт-ўланнинг ёқимли хушбўй ҳиди қоплар, шаррос ёмғир қуйганда биз тоғ чўққиси унгуридаги кичик-кичик ғорларга бекиниб олардик. Ўша юксакликдан шимол тарафдаги ям-яшил бепоян кенгликларни томоша қилар эдим, тўйиб-тўйиб нафас олардим. Айниқса, бу жойларда жануб кечалари, юлдузли осмон ниҳоятда гўзал бўлар эди. Тим қора осмонда кўл чўзсанг етгудек улкан-улкан новвотранг юлдузлар чарақлаб туради. Ҳаётимда бундай гўзал манзараларни кейин учрата олмадим» (I, 6).

Шоир хотирасида тикланаётган ҳайрат унинг кўплаб шеърларидан, айниқса, «Баҳор», «Қарши кўшиғи», «Сен баҳорни соғинмадингми?» каби машҳур шеърларидан ўқувчиларга яхши таниш. Айтмоқчимизки, табиатга меҳр, унинг гўзаллиги олдида завқ ва ҳайратга чўма олиш шоирга болалиқдан хос бўлган.

Мурғак қалбнинг табиат билан яккама-якка мулоқоти худо берган истеъдодни камол топтирган, санъаткорона нигоҳ ва дидни чархлаган, кузатувчанлик, таъсирлана олиш, ҳиссий мушоҳада қилишга қобиллик каби муҳим сифатларни ривожлантирган. Атрофидаги тенгсиз табиий гўзалликни кўролганидан келган болаларча самимий ҳайрат эса тасаввур ва тахайюлга қанот берган. Яъни А.Орипов болалигиданоқ табиат билан уйғунликда, муттасил мулоқотда яшаган. Демак, биз поэзияда ички ва ташқи оламлар

бир-бирига қарши қўйилади ҳамда мудом бир-бирига ўтиб туради деган қарашдан келиб чиқамизми ё поэзиянинг асосида ўхшашлик принципи ётади деган қарашданми, барибир, шоирда образли, метафорик фикрлашнинг ривожланиши учун зарур муҳит мавжуд бўлган. Шунинг учун А.Ориповнинг илк машқларидаёқ табиат образли ифода учун бой манба бўлиб хизмат қилганини кўриш мумкин.

Ўн етти ёшида ёзган «Юлдузлар» шеърини А.Орипов қуйидаги мисралар билан бошлайди:

*Апрель осмонига кўзингни тикиб,
Қандай соз, тунларни кузатиб қолсанг.
Кўк сари хаёллар элтса ўзингни,
Қандай соз, юлдузлар ичра йўқолсанг (I, 15).*

Апрель тонгининг шукуҳи хаёлга қанот беради, болалигида табиат билан уйғунликда яшаган ёш шоир «юлдузлар ичра йўқолишни», она табиат бағрига сингиб кетишни орзу қилади. Эътиборли томони, шоир бу орзусини шунчаки эмас, аксинча, мазкур орзу қалбини чулғаган лирик ҳолат, ўша дамдаги кайфият ҳис қилинадиган тарзда изҳор этипти. Бунинг асоси метафорик тафаккур бўлиб, шоир кўнгилдаги кайфиятни табиат билан муқоясада ифодалашга интиломда. Кайфият шуки, лирик қахрамон ўзини бир дам «юлдузлар ичида юлдуз» ҳис қилади, шу онларда «ширин туйғулар завқини қитиқлайди», яна бир орзу эса мана бу сатрларда метафорик ифода этилади:

*Милт-милт ёнаётган жажжи дил сўзинг
Юлдузлар чамани ичра шўх бўйлар (I, 15).*

Мазкур мисраларда ҳадемай мактабни тамомлаб шоир бўлиш умидида пойтахтга йўл соладиган ёш истеъдоднинг ўзига ишончи барқ уриб турганини сезиш қийин эмас. Бизни кўпроқ ифода йўсини қизиқтиргани учун шу ишонч қандай акс эттирилганига эътибор қаратамиз. Демак, парчага диққат қилсак, унда бир қатор метафоралар ишлатилганини кўрамиз: 1) милт-милт ёнаётган дил сўзи; 2) жажжи сўз; 3) юлдузлар чамани; 4) сўз шўх бўйлар. Шу метафораларнинг матнда бирикуви ёш шоир дилини чулғаган орзуларни, ишончни ифода этади. Яъни унинг жажжи бўлса ҳам айтарга ўз «дил сўзи» бор, бу сўз митти юлдуз каби «милт-милт» ёнади ва

«юлдузлар чамани ичра шўх бўйлайди». Худди шу метафоралар матнда бириккан ҳолда шоир бўлишни дилига тугиб катта ҳаётга қадам қўйишга чоғланган ўсмир орзу-ниятларини ифодалайди. Манами мисраларда эса бу орзу-ниятлар баландроқ пардада ифодаланади:

*Дейман: осмонларнинг ҳилоли бўлсам,
Хулкар ва Зухроси бўлгим келади.
Шу гўзал ўлкамда камолга тўлсам,
Порлоқ юлдузлардай кулгим келади (I, 15).*

Диққат қилинса, шеърда кўчим даражасидаги метафоралар образ даражасидаги метафорани юзага чиқаргани ва юлдузли осмон образи энди метафорик тарзда шеърият маъносини англата бошлаганини сезиш қийин эмас. Энг муҳими, катта йўлга чиқишга чоғланган ёш шоир дилидаги орзу-умидлар, эртанги кунга неқбин назар, истеъдод кучига ишонч каби ўй-ҳислар табиатга проекция қилинган тарзда, образли қилиб ифода этилади. Яна битта таъкидлаш зарур бўлган нуқта шуки, мазкур маъноларнинг реаллашуви-га битта метафора – юлдузлар чамани ичра милт-милт ёнаётган жажжи дил сўзи асос бўлиб хизмат қилади. Яъни шу метафора шеърда акс этган кечинма-кайфиятни юқоридагича тушуниш имконини беради. Шу билан бирга, шеърдаги метафорик образни бундай тушунишга изн берувчи бошқа асослар ҳам бор. А.Ориповнинг ўн беш йиллар кейин ёзилган «Некрасов ҳасрати» шеъри бундай бошланади:

*Пушкин шеъри ҳали янгарарди мағрур,
Лермонтов чарақлар назм осмонида.
Шоир бўлиш қийин,
Шоир бўлиш оғир
Шундай буюкларнинг қаҳқашонида (I, 201).*

Иккинчи мисрадаги «Лермонтов чарақлар», «назм осмони» ҳамда сўнгги мисрадаги «буюклар қаҳқашони» метафоралари шеъриятни юлдузли осмон образи орқали ифодалаётганини кўрсатади. Бу парчани «Юлдузлар» шеъри билан боғловчи яна бир нуқта шоирнинг лирик персонаж – Некрасов кечинмаларининг ўзи қачонлардир кўнгилдан кечирган ва «Юлдузлар»да акс эттирган кечин-

малар билан уйғунлигидир. Яъни пайти келиб ўзга шоир ҳаётидан бир ҳолатни ижодий қайта яратаркан, А.Орипов ўз кўнглидан ўтган кечинмаларни унга проекция қилади. Фараз жоиз бўлса, шоирнинг илк тўпламини «Митти юлдуз» деб атаганида ҳам, бизнингча, шу метафора билан боғлиқлик бор кўринади.

Сухбатларидан бирида А.Орипов образлилик ҳақида содда қилиб шундай дейди: «Аввало, образлилик дегани нима? Масалан, бир нарсани оддий баён қилсангиз, дарров эсдан чиқиб кетади. Нимагадир ўхшатиб, қиёс қилиб гапирилганда эсда қолади. Ўшани жўнгина қилиб мактаб боласига айтадиган бўлсак, образлилик деймиз, ташбеҳлар, қиёслар деймиз» (IV, 169). Бир қарасанг, шоир масалани анча жўнлаштиргандек кўринар, лекин образлиликнинг асосида аксарият ҳолларда ўхшашлик ётишини аввалги бобда кўриб ўтдик. Шу маънода шоир образлилик ва унинг аҳамиятига жуда содда таъриф бермоқда. Дарҳақиқат, «оддий баён қилинганда», масалан, «тонг ёришди» дейилади, бу хабарни эшитувчи оддий информация (маълумот) сифатида қабул қилади. Бироқ худди шу маълумот «Юлдузлар» шеърида «Осмон гўзалларин кумуш ётоқлар Қўйнига чорлайди, субҳидам яқин» (I, 15) тарзида образли ифодаланади. Оддийгина баён этишдан фарқли ўлароқ, бу ифода ўқувчи тасаввурида конкрет манзарани жонлантиради. Бироқ мақсад шунчаки манзарани жонлантириш эмас, албатта. Манзара, аввало, шоирга дилидагини ифода этишга, иккинчи томондан, ўқувчини орзу-умидлари қўйнида тунни оқартирган лирик қаҳрамон ҳолатига яқинлаштириш, унинг ҳисларини кўнглидан кечириб кўриш имконини яратишга хизмат қилади.

Мазкур мисралардаги метафора структурасига кўра ҳам диққатга лойиқ. Агар «осмон гўзаллари» шеър контекстида юлдузларни англатса, «кумуш ётоқлар» оқ булутларни билдиради. Демак, шоир сахарга томон юлдузлар бир-бир ўчиб бормоқда демасдан, бунинг ўрнига «улар уйкуга кетяпти» дейди. Кўриб турибмизки, бу ўринда ҳам метафора-кўчимлар ёйиқ метафора – метафорик образ яратишга хизмат қилдирилмоқда. Яъни биз юқорида яхлит бир образни парчаладик, уни қисмлар («осмон гўзаллари» ва «кумуш ётоқлар») га ажратдик. Ҳолбуки, улар ўзаро бир бутунликни ташкил қилади. Ҳар қандай қисмлардан таркиб топган бутунлик каби бунда ҳам қисмларнинг ўзаро алоқа-муносабати мавжуд, шу алоқа туфайли бутуннинг мазмун-моҳияти юзага чиқади. Шоир аввал юлдузларни гўзалларга ўхшатади. Бироқ юлдуз билан гўзал ўртасидаги ўх-

шашлик, яъни метафоранинг асоси борми? Балки, юлдузда ҳам гўзаллардаги сингари жозиба бор дейиш мумкиндир. Лекин бу ўринда шоир яққол ўхшашликдан кўра кўпроқ халқ ижоди ва мумтоз адабиётимиз аъёнлари — ёрни осмон жисмларига ўхшатиш, уларнинг номи билан аташни давом эттиради. Бу аъёнлар илдизи қадимиятга, мифологик тафаккур даврига, инсон табиатдаги ҳар қандай нарсаси ҳодисани ўзи каби жонли (ва онгли) деб билган вақтларга кетади. Хуллас, яққол ўхшашлик йўқлиги учун ҳам, шоир «осмон гўзаллари» дейди, метафора сўз бирикмаси орқалигина рўёбга чиқади («осмон» сўзи «гўзаллар» сўзини ўз маъносидан тушунишга монелик қилади). Аксинча, «булут» билан, айниқса, «оқ булут» билан ётоқ жой ўртасида ўхшашлик мавжуд, бироқ шунда ҳам кўчма маънони англашда контекст (яъни юлдузга инсон сифати берилган, шу асосда булутга инсонга алоқадор «ётоқ» сифатини бериш мумкин)нинг хизмати бор. Демак, бу иккала метафора ўзаро метонимик муносабатда. Алоҳида олганда эса «кумуш ётоқ» метафорик маънони уч босқичда юзага чиқаради: 1) «кумуш» метафорик сифатлаши оқ булутга ишора; 2) оқ булут идеалдаги момикдек юмшоқ ва оппоқ ўрин билан ўхшашлик асосида ётоқ метафораси билан аталади; 3) оппоқ ўрин-жой билан хобхона орасида қисм — бутун алоқаси мавжуд. Албатта, гарчи босқичларни рақамлаб кўрсатаётган бўлсак ҳам, энг тезкор компьютердан ҳам тез ишловчи инсон онгида бу амаллар сониянинг қандайдир бўлаклари давомида содир бўлади. Ижод онларида, яъни бадиий тафаккур жараёнида ҳам худди шундай. Бошқа томондан, ёйиқ метафорани қисмларга ажратиш, ҳар бир қисмда маънонинг юзага чиқишини кўриб ўтсак-да, алоҳида олинган ҳолда бу қисмлар материал эканлигини унутмаслик керак. Зеро, улар ҳаммаси биргаликда битта метафорани ташкил этади ва тасаввуримизда субҳидамги осмон манзарасини жонлантиради: «Осмон гўзалларини кумуш ётоқлар қўйнига чорлайди...» — тонг ота бошлаши баробарида юлдузларнинг бир-бир кўздан ғойиб бўлиши билан гўзалларнинг хобхонага кириб кўздан йўқолиши орасида ўхшашлик бор. Табиат ҳодисаси билан инсон турмуши ўртасидаги шу ўхшашлик метафорага асос бўлиб хизмат қилади.

Табиатни жонлантириш, унга инсонга хос сифатларни бахш этиш асосидаги метафораларнинг илдизлари, юқорида айтилганидек, жуда қадим замонлардан сув ичади. А.Ориповга хос поэтик тафаккур, услубнинг ўзига хослиги, бизнингча, энг аввал шу жиҳат билан характерланади. Яъни, умуман, поэзияга хос мазкур хусусият

А.Орипов ижодида устуворлик қиладики, бунинг сабаби шоирнинг болалиги она табиат бағрида ўтгани, у билан бевосита ва тигиз мулоқотда бўлганидир. Шоирнинг ўзи ҳам кўплаб адабий-танқидий ва публицистик чиқишларида, суҳбатларида буни қайта-қайта таъкидлайди. Жумладан, қирқдан ўтиб болалик соғинчи кучая бошлаган бир паллада А.Орипов шундай дейди: «Бола кўзлари ҳамма нарсага ҳайрат ва қизиқиш билан боқади. У маҳал юлдузлар ўзгача ёнади. Дарахтлар бошқача бўлади. Тоғлар янада баланд, улуғвор, осмон янада кенг, беғубор, дарёлар жўшқин, шиддатли...» (I, 96) Маълумки, шахснинг феъл-атвори, сажияси болалиқдан бошлаб шаклланади, яъни болалик шахснинг ўзига хос пойдеворидир. Шу ўринда «услуг – шахс» деган қарашни эсга олсак, А.Орипов услубидаги юқорида айтилган ўзига хослик табиат қўйнида ўтган болаликнинг ҳосиласи экани маълум бўлади. Зеро, болалик даври бошқача, масалан, қайноқ шаҳар ҳаёти ичида кечган шоирнинг услубида бунақа ҳол кузатилмаслиги, табиат унинг учун метафора (умуман, образ)нинг асосий манбаи бўлмаслиги ҳам табиийдир.

Аксинча, донишмандлар болалиқда олинган билимни тошга ўйилган ёзувга ўхшатганлари каби, болалик таассуротлари ҳам яшовчан бўлади. Шу сабабли А.Орипов ижодининг кейинги босқичларида ҳам, гарчи энди аста-секин метафора учун ўзгача асослар кириб кела бошлаганига қарамай, табиат энг асосий манба бўлиб қолаверади. Шоирнинг машҳур «Баҳор» шеърини, ундаги гўзал тасвирларни эслайлик:

*Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,
Офтоб ҳам юксалди – тик келар қуёш.
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин ,
Безавол майса ҳам силкитади бош (I, 122).*

Шоир «еллар», «тоғлар» ва «майса»га инсонга хос хусусиятларни бермоқда. Шунга эътибор қилиш керакки, бу хусусиятларнинг ҳаммаси ҳаракатга чоғланган инсонга хос («кафт ишқаламоқ», «кифтини кўтармоқ»; «бош силкимоқ» – ҳаммаси муҳим иш олдидаги чигалёзди машқлар каби). Шеър эса баҳорга, бутун борлиқ жонланадиган, ҳаракатга келадиган фаслга бағишланган. Кўрамизки, шоир шеърнинг умумий мазмун-руҳига монанд метаболалар танлашга интилади, токи улар узукка кўз қўйгандек тушсин. Айни шу нарса шоирнинг юксак диди, сўз қўллашга масъулият билан ён-

дашишидан далолат беради. Нега десангиз, бу ўринда шоир учун метафора шунчаки чиройли ифода бўлмай, балки, энг аввал, муайян мазмун-кайфиятни ифодалаш воситасидир. Зотан, шундай бўлиши керак ҳам, чунки метафоранинг бош вазифаси тасвирни жонлироқ, ифодани ёрқин ва таъсирлироқ қилишдан иборат.

А.Орипов сўз билан чизган табиат манзараларида лирик кайфият муҳрланади, уларда объектив тасвирдан кўра субъектив тасвир – воқеликни кўнгилдан ўтказиб бериш устувор. Шунинг учун шоир шеърда тилга олганки нарса унинг учун катта эмоционал қиймат касб этади: ўй-хисларига йўғрилади, уларга туртки беради. Бу эса шеърнинг эмоционал тоналлигини, лирик қаҳрамон кўнглида кечаётган жараён, ундаги бурилиш ва эврилишларни ифодалашда жуда муҳимдир. Жумладан, «Баҳор» шеърининг бошланиш қисми йўғрилган кўтаринки шодумонлик руҳи кейин, яъни табиатдаги ўйғониш, жонланишга батамом бефарқ, «мангуга кўз юмган»лар эсланганда ўзгаради:

*Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт,
Неча бор само ҳам кўмди қуёшин.
Иқболи саждагоҳ бўлганлар, ҳайҳот,
Ўзлари тупроққа қўйдилар бошин (I, 122).*

Ушбу парчада метафориклик тематик параллелизм орқали юзага чиқади: само ҳар кун қуёшини кўмгани каби, инсоннинг ҳам яқинларини бир-бир ерга бериши – ҳаётнинг азалий қонуни. Шоир буни билади, лекин йўқотиш армонлари ҳали оҳорли, улар дилни вайрон этади. Шеърда эмоционаллик ўзгариб, армондан аламга, ундан исёнга айланиб боради. Эмоционал бўёқларнинг ўзгаришига монанд метафоралар ҳам шунга мос ўзгариб боради ва бу нарса ҳис-туйғулар ифодасида қанча муҳим бўлса, ўқувчининг ҳиссий идрок этишида ҳам шунчалик аҳамиятга эгадир. Яна «Баҳор» шеърига мурожаат қиламиз:

*Фақат билганидан қолмас тириклик,
Мана, гулга чўммиш Чиғатой бўйи.
Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор
Ўчган хотиралар чироғин ёқиб.
Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор
Маъсум бинафшадан сирғалар тақиб.*

Агар парчага яхшилаб разм солинса, «Баҳор» шеърининг бунчалик таъсирчан бўлишини таъминлаган асосий сабаблардан бирини англаш мумкин. Шоир танлаган сўзлар тасвирланаётган манзара ва руҳ-кайфиятга мос. Натижада ушбу сатрларни ўқиркан, ўқувчи хаёлан қабристон – «сокин эл»да баҳор билан бирга «ивирсиб», «ўчган хотиралар чироғини ёқиб» юради. Биринчи мисрадаги «билганидан қолмас» метафораси «тириклик» аталувчи мавҳум тушунчани предметлаштириб, ҳаёт қонунлари қандайлигидан қатъи назар, инсон уларни қабул қилишга мажбурлигини вазминлик билан қайд этади. Бу лирик қаҳрамоннинг устозлари (Ғ.Ғулум, М.Шайхзодани)ни йўқотиш билан боғлиқ аламлари изҳоридан кейинги бир тин олиши, жунбишга келган ҳисларнинг сокинлашиш нуқтаси. Шундан кейиноқ шеърда қабристон сокинлигига мос кайфият ҳосил қилинади. Айни дамда, бизни мазкур кайфиятни ҳосил қилишда метафораларнинг роли қизиқтиради. Жумладан, баҳорга нисбатан «ивирсимоқ» метафорасининг қўлланганини олайлик. Шоирнинг маҳорати шундаки, у баҳорга, умуман, одамга хос хусусиятни эмас, балки айнан қабристон зиёратига келган одамга хос хусусиятни беради. Зеро, мазор оралаб юрган одамга шу сўз кўпроқ мос келади. Негаки қабристонда киши ажиб сокинлашиб қолади, ҳеч қаерга шошмайди, йўқотганлари эса бир-бир ёдига тушаверади, бириси иккинчисини ёдга келтиради, олалатмай ҳаммаларини бир-бир йўқлагиси келади. Шу томонини ўйласак, мазкур ҳолга «ивирсиш»дан мосроқ сўз йўқдек туюлади. Ҳолбуки, аслини олганда, «ивирсимоқ»да салбий маъно бўёғи мавжуд. Лекин манзара-кайфият контекстида сўз-метафора янгича бир маъно қиррасини намоён этади. Худди шу гапни «ястанмоқ» метафорасига нисбатан ҳам айтиш мумкинки, бу сўз манзара-кайфият контекстида «ивирсимоқ» сўзи билан ўзаро муносаббатлик, мувофиқлик (мумтоз шеърятдаги таносиб санъати каби) ҳосил қилади. Хўш, бу муносаббатлик қандай юзага чиқади? Аввало, «ястанмоқ» сўзида «бемалоллик», «хотиржамлик» маъно қирралари – семалари мавжуд бўлиб, улар «ивирсимоқ» сўзидаги шунга мос семаларни актуаллаштиради. Яъни «ястанмоқ» сўзи билан контекстуал алоқа «ивирсимоқ» сўзидаги салбий маъно ифодасини сўндиради. Эътироз бўлиши мумкин: «ястанмоқ» сўзининг ўзида ҳам бир оз салбий оҳанг (масалан, «ястаниб ётмоқ» – «тал-

тайиб ётмоқ» каби) мавжуд эмасми? Ҳа, бор, лекин уни контекстдаги «сокин эл» метафораси сўндириб, бошқа, айна ҳолат учун мос келувчи «бемалоллик», «хотиржамлик» семаларини актуаллаштиради. Ахир «сокин эл»нинг шошадиган жойи йўқ, демак, то маҳшар кунигача бемалол «ястаниб» ётавериши мумкин. Шу тариқа «ивирсимоқ» ва «ястанмоқ» сўзларининг матндаги ўзаро мутаносиблиги ҳосил бўлади. Таҳлилимиз кўрсатяптики, метафора якка ҳолда эмас, матндаги бошқа сўзлар (бошқа турдаги кўчимлар) билан бирликда образни тўлақонли намоён этади. Бошқача айтсак, метафораларнинг ўзаро мазмуний алоқа-муносабати келтирилган парчада биз айтган манзара-кайфиятни ҳосил қилишга асос вазифасини ўтайди. Шу алоқа-муносабат туфайли метафоранинг кўзда тутилган маъноси актуаллашади, конкретлашади. Амин бўлдикки, бу ҳам бир маҳорат, бир санъаткорлик. Моҳирона танланган сўзлар, жонли тасвир ўқувчини юқорида биз тавсиф этган ҳолатга олиб киради, шоир билан дунёнинг фонийлиги, умрнинг ўткинчилиги ҳақидаги ўйларга толдиради.

Юқорида келтирилган мисоллар ва уларнинг таҳлили кўрсатяптики, А.Орипов шеъриятида табиат метафорик тафаккурга туртки берувчи куч, образли ифода ва метафорик образларга хомашё берувчи туганмас манба бўлиб хизмат қилади. Шоир услубининг ўзига хос бу хусусияти шахс сифатида шаклланишининг муҳим босқичлари – болалик ва ўсмирлик йиллари табиат билан уйғунликда, бевосита ва жонли мулоқотда кечгани билан изоҳланади.

А.Орипов биз юқорида эслатган суҳбатида шундай дейди: «Табиат она бўлса, жамият отадир! Катта маънодаги курашлар, долғалар кишини табиатнинг қўйнидан олиб келиб жамият орасига ташлайди. Одам табиатнинг қўйнида-ку, табиатдек соф, мусаффо эди. У жамият орасида ўзини қандай тутати? Энди у бирданига «катта одам» бўлиб болалигини унутадими?! Кўпинча шундай бўлади» (I, 96). Шоирнинг афсус чекиши бежиз эмас, болаликдаги софликни тўла сақлаб қолиш банданинг қўлидан келмаслигини у яхши билади. Ҳолбуки, киши маънавияти ўша софликни қай даражада сақлаб қололгани билан белгиланади. А.Орипов лирик мероси билан танишганда унинг ижод онлари ўша софликка бот-бот қайтиб қалам тебратганига амин бўлади киши. Бироқ бу фақат ижоднинг илоҳий онларида, фақат руҳан содир бўлади. Энди шоирнинг ўзи «иноқ эдим мен аслим – табиат билан» (I, 236) деб таърифлаган ёшликнинг мусаффо пайтларига буткул қайтиш иложсиз.

Энди шеърларидаги табиат билан бирлик ҳисси ва унинг гўзаллигидан туғилувчи завқ, ёшлик шавқи, ишқ сурурию ҳижрон азоблари ўрнини ижтимоий дард эгаллайди. Табиийки, шеърларида инсон қисмати, феъл-атворининг манзаралари, ижтимоий муносабатларидаги норасоликлар, халқининг ўтмиши ва бугуни, истиқболи қайғуси, башарият тақдири каби масалалардан баҳс этаётган шоир метафоранинг ҳам шунга мосларини қидиради.

Шу ўринда «метафора қидиради» деганимиз унчалик маъқул эмас кўринади. Зотан, шоир метафора қидирмайди, балки уни яратади. Демак, шоир метафорани эмас, балки метафора учун асос – ўхшашликлар қидиради десак тўғрироқ бўлади. Агар шоир ижодининг илк босқичида ички олами билан ташқи олам (табиат) орасидаги ўхшашликларга таянган бўлса, ҳаётга чуқурроқ кириб боргани сари ўхшашликлар доираси ҳам кенгайиб боради. Зеро, борлиқда моҳиятан бир-бирига ўхшаш нуқталар «ўтмиш – ҳозир», «табиат – жамият», «инсон – наботот», «инсон – ҳайвонот», «инсон – ҳодиса» каби саноксиз жуфтликларнинг ҳаммасидан ҳам топилавериши мумкин. Масалан, Ғ.Ғулом вафотининг бир йиллиги муносабати билан ёзилган «Нутқ» шеърида мана бундай мисралар бор:

*Бу асрдан мангуликка ёрлиқ олмоққа
Етмас экан фақатгина шеърий истеъдод (I, 135).*

Маълумки, жамиятда муайян бир ҳолатни тасдиқлаш учун тегишли тартибда ҳужжат – «ёрлиқ» олиш зарур. Албатта, бунинг учун кишидан «ёрлиқ» билан тасдиқланаётган ҳолат талабларига мувофиқлик талаб этилади. Жамият ҳаётидаги ушбу тартиб кўчма маънода «Ғафур Ғулом мангу яшайди» деган фикрни ифодалайди. Иккинчи томондан, шоир мазкур ёрлиқни шиддатли XX асрдан олди, унинг талаблари эса улкан, шоирлик истеъдодининг ўзи етарли эмас. Демак, метафора бу ерда тавсифланаётган объектнинг аҳамиятини тўлақонли очиб бериш учун хизмат қилади. Шунга ўхшаш муаллимларга бағишланган шеърда мана бундай таъриф бор:

*Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду
Оқибат қуёшдек соча олур нур (I, 240).*

Мазкур мисраларда ўқитувчи меҳнатининг моҳияти ва маҳсули метафора ёрдамида гўзал ифодаланган. Албатта, бу ерда метафо-

рик маъно миллий менталитетимизга сингиб кетган «билим – ёруғлик», «олим – қуёш» каби базис метафораларга асосланади.

Табиийки, ўхшашликларни топишнинг ўзи пировард мақсад эмас, улар дилдагини ифодалашга хизмат қилсагина ўзини оқлайди. Инчунин, айрим ҳолларда дилдагини ифодалаш фақат метафора орқалигина мумкин бўлади. А.Ориповнинг 1964 йили ёзилган «Ўзбекистонда куз» шеърида мана бу сатрлар бор:

*Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,
Менинг шодликларим, эзгу дардларим –
Менинг она халқим...
Эй қадим, ҳалол,
Ризқи она ерга сепилган халқим!
Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол,
Миллион эгатларга эгилган халқим! (I, 51)*

Ушбу мисраларни ўқиганда беихтиёр 60-йилларда халқимиз қисмати ҳақида бу даражада куйиниб ёзолган, энг муҳими, ёзганларини эълон қилолган шоир топилмаса керак деган ўй келади. Ёзганларини эълон қилолган деб бекорга таъкидлаётганимиз йўқ. Сабаби, бу сатрлар шеър бутунлигида халқининг оғир аҳволидан қониқмаётган лирик қаҳрамонни намоён этади. Мустабид тузум шароитида бундай кечинмаларни ифодалаш учун тоғдай юрак кам, аввало, санъаткор бўлиш талаб қилинади. Чунки сўз эркинлиги бўғилган ва дилдагини айтиш имкони йўқ экан, фақат образ, образлилики кўмакка келади. Аввало, «сонсиз эгатларга сочилган шодлик» ва «эзгу дардлар» метафоралари шоир ўз қисматини халқдан айри тасаввур этолмаслигини ифодалайди. Кейин, «эзгу дардлар» бирикмасида «эзгу» сифатлаши икки хил вазифани бажаради: 1) ифодани юмшатиб, силлиқлаб-пардалайди; ушбу вазифа бирикмадан аввал келган «шодлик» сўзига ҳам юклатилган; 2) «эзгу» сифатлашининг қўшилиши билан «дард»га ёруғлик инади, унда оғриқ билан бирга даво умиди – истиқбол ҳам жилваланади. Мазкур талқинни қабул қилсак, кейинги метафораларда ҳам ички зидланиш борлигини кўриш мумкин. Шоир «ризқи она ерга сочилган» метафораси орқали заҳматли меҳнати билан ҳалол ризқ топувчи халқига эҳтиромини ифодаласа, «эгилган» метафораси унинг муте ҳолатидан норозилигини ифодалайди. Тўғри, бир қарашда «эгилган» сўзи ўз маъносида қўлланган кўринади, жумла

доирасида шундай ҳам. Лекин шеър контекстида, аниқроғи, ўзидан кейинроқ келувчи қуйидаги мисралар контекстида «эгилган» сўзи метафорик маъно касб этади:

*Бир нафас бошингни кўтаргин-у, боқ,
Ер юзида ажиб виқор ва нуфуз.
Сенинг ўзинг каби ўйчан ва қувноқ,
Хушфеъл бўлиб келмиш тупроғингга куз (I, 51).*

Балки, юртига «хушфеъл бўлиб келган» куз шавқини «бир нафас» туйишга вақти бўлмаганидан «эгатларга эгилган» ҳолда тасвирлаш билан шоир халқининг меҳнаткашлигини бўрттириб кўрсатмоқчидай кўринар. Лекин у асосий маънони пардалайди, холос. Ҳар ҳолда, «дард» сўзи билан уриштирилса «эгилган» сўзи орқали гавдалантирилган ҳолат кўпроқ «қуллик» маъносига қараб кетади. Шеър сатрлари орасида шу ёки ҳеч бўлмаса шунга яқин маъно борлигини машхур «Юзма-юз» шеъридаги қуйидаги сатрлар ҳам тасдиқлайди:

*Менинг нигоҳимни тортади такрор
Миллион эгатларга сочилган ўзбек.
Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам
Ва лекин дилимда ташвиш бор менинг.
Майлига, шўх қўшиқ янграсин тилда,
Рангпар сингилгинам, ўйлайман сени (I, 63).*

Шоир «на соғлик, на ёрдан ёлчимаган» сингил қисматида халқ қисматини кўради, шу сабаб уни ўйлаганида «сўзсиз, ҳасратда тўлғонади». Яъни шоир юқорида «эзгу дард» дея пардалаб айтган дард, аслида, шунинг ўзидир. Зотан, шоирнинг синглиси ҳақидаги изтиробли мисралардан сўнг мана бундай дейиши фикримизни яна бир карра тасдиқлайди:

*Сенинг қаторингда она халқ бордир:
Сен каби меҳнаткаш, сен каби суюқ.
Унинг ташвишини унутмоқ ордир,
Уни унутганлар – тўнкадир куюк (I, 64).*

Модомики шоир она халқини синглиси қаторида кўриб халқ ташвишини унутганларни «куюк тўнка» деркан, юқоридаги метафо-

ранинг биз берган талқини асослидир. Умуман, А.Ориповнинг ушбу даврда ёзилган халқ, Ватан мавзуидаги шеърларида шунга яқин талқинлар устуворлик қилади. Жумладан, машҳур «Ўзбекистон» шеърисида куйидаги банд ҳам юқоридаги шеърлар билан умумий контекстни ташкил этади:

*Кеч куз эди. Мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв.
– Ташқарида изиллар ёмғир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: – Пахтам қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним...
Ўзбекистон, Ватаним маним (I, 181).*

Бир қарашда бунда ҳам фақат халқнинг фидокорлиги мадҳ этилаётгандек кўринади, лекин шоирнинг «умри маҳзаним» дейиши ҳақиқий муносабатни ифодалайди ва парчани юқоридаги шеърлар билан боғлайди. Ушбу парча ҳақида ўз вақтида устоз адабиётшунослар куйидаги фикрларни ёзгандиларки, улардан орттириб айтиш қийин: «Ўзбек қайси асрда қандоқ бўлса бўлгандир, аммо XX аср ўзбегининг – фитратидаги жамики яхши фазилатлари ўзига қарши қаратилган халқнинг суврати шудир. Бу мисраларда оғрик ва шафқат, аянч ва изтироб, алам ва меҳр қанчалар кўп! Унда андишаси қулликкача, соддалиги гумроҳликкача, заҳматкашлиги ҳам-молликкача, фидойилиги қурбонликкача зўрланган халқ шоирининг ҳамма ҳам англаб ололмайдиган дил оғриқлари бор».⁵⁸

Юқоридаги шеър таҳлиллари А.Ориповнинг ўз халқига фарзандлик мақоми сўз санъаткори сифатидаги мақомидан асло қуйи эмаслигини кўрсатади. Зотан, асл маънодаги шахсина ҳар қандай тазйиқ ва зуғумлар шароитида ҳам ўзлигини сақлай олади, ҳаёти-ни гаровга қўйиб бўлса-да ўз қарашини ифодалайди. Фақат бунинг учун шоир зиммасидаги вазифани, яъники Аллоҳ томонидан берилган истеъдодни эзгулик, халқнинг саодати ва маънавий камолоти йўлида сарфлашга масъул эканини ҳис этмоғи лозим.

⁵⁸ Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.23.

А.Орипов шеъриятидаги метафораларнинг яна бир бой манбаси борки, унга ҳам мухтасар тўхталмаса бўлмайди. Шоирнинг илк ижодига оид шеърларни кузатганда уларда ижодий тажриба етишмаганидан шеъриятимизда анъанавий тарзда ишлатилиб келган сифатлаш, ташбеҳ ва метафораларнинг кўп учрашига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу табиий, чунки бошловчи ижодкорда ўз йўлини топгунга қадар салафларга эргашишга мойиллик, ўз овозини баралла қўйишга ийманиш, иккиланиш (психологлар тили билан айтганда, «комплексланиш») ҳислари бўлади. Шоирнинг ўзи мактаб давридаги ижоди ҳақида: «У маҳаллардаги менинг шеърларим мавзу тарафдан ҳам, шаклий жиҳатдан ҳам, албатта, тақлид эди» (I, 8), – дея эътироф этади. Ҳақиқатда ушбу эътироф мактаб даврининг ўзигагина эмас, ижодий фаолиятининг илк босқичига ҳам муайян даражада тааллуқли. Анъанавий сифатлаш, ташбеҳ ва метафораларнинг кенг қўллангани ҳам, аслида, шу сабабдир. Масалан, илк шеърларда ишлатилган «хаёл дарёси», «шалоладек бўлса шеърларим» («Учқун»); «юлдузлар чамани», «ипак из», «осмон гумбази» («Юлдузлар»); «пар булутлар», «марварид қорлар», «қуёш қўяр ёстиғига бош», «шўх шалола», «ой сузади кўмкўк самода» («Тоғлар»); «баҳор келди гул сепин ёйиб», «қир-адирда кўк майса – гилам», «бутоқларда жилмаяр куртак» («Баҳор») каби тасвир воситаларида Ойбек, Ҳ.Олимжон таъсири борлиги сезилади.

Айни чоғда, чинакам истеъдод тақлид доирасида қололмайди, аксинча, илк қадамларданоқ ўзини намоён этишга интилади. Шунинг учун илк шеърларидаёқ шоир санъаткорона нигоҳ билан кўрганларини ўзига хос тарзда ифодалашга интилаётгани, изланаётгани кўринади, бунга юқорида амин бўлдик. Иккинчи томондан, ҳеч бир истеъдод, даражасидан қатъи назар, бой миллий адабий анъаналардан истифода этмай, уларни ўзлаштирмай қолмайди. Зотан, анъаналар истеъдод ниҳолининг гуркираб ривожланиши учун унумли тупроқдир, томирлари улардан сув ичмаган ниҳол миллий адабиёт заминиде яшнолмайди. Ниҳоят, истеъдодли ёш анъаналарни кўр-кўрона эмас, балки ижодий ўзлаштиради, салафлари билан ижодий мусобақа қилади. Яъни тақлид ўз ҳолича эмас, балки ижодий мусобақа сифатида кечганидагина ижодкорга ўз йўлини очишга ёрдам беради. Яна бир томони шуки, салафлар билан мусобақа фақат ижодкор фаолиятнинг илк босқичида эмас, кейинги босқичларида ҳам давом этади. Зотан, худди шу давомий-

лик поэтик тил анъаналарининг бойиши, сайқалланишининг бош омилидир.

А.Орипов шеъриятдаги салафларига, миллий адабиёт анъаналарига юксак ҳурмат, эҳтиром билан қарайди. Шоирнинг устозларга бағишланган қатор шеърлари, матбуотда эълон қилинган мақола ва суҳбатлари, сўзлаган нутқларида баён этган фикрлари бунинг яққол кўрсатади. Шундай ҳолис ва ҳалол муносабатгина шоирга ижодда ўзини устозлар давомчиси, миллий адабиётимизнинг мухтор вакили сифатида намоён қилишга маънавий ҳуқуқ ва имкон беради.

Яхши маълумки, мумтоз шеъриятда «камон», «ўқ» каби аслаҳалар орқали турли қиёслар (масалан, камон – қош; ўқ – киприк) қилинган, улар истиора санъати учун асос вазифасини ўтаган. Шунингдек, шоирларимиз араб алифбосидаги ҳарфлар шаклидан ҳам кўпинча ўхшатиш асоси сифатида фойдаланганлар. А.Ориповнинг 1971 йили ёзилган бир тўртлигида мумтоз шеъриятдаги мазкур анъаналарга таянилади:

*Ногоҳ энтикди-ю, эгилди камон,
Ўқ учди белгисиз ёқларга томон.
Кекса отасининг қаддин дол этиб
Фарзанд кетиб борар эди шу замон (I, 206).*

Кўриб турибмизки, шеърни бутунича битта ёйиқ метафора дейиш мумкин. Шоир поэтик анъанани янгилаб камонни ота, ўқни фарзандга қиёс қилади. Янгилик моҳияти шундаки, шоир ўхшашликни аслаҳаларнинг шаклида эмас, балки ишлаши – ўқни отиш ва бунинг оқибатида кўрмоқда. Эгилган камон «дол» шаклига киради. Мумтоз шоирлар «дол»ни ёр кўйида саргардон ошиқ ҳолатини ифодалаш учун ишлатган бўлсалар, А.Орипов уни фарзанди йироқ кетган ота ҳолатига қиёс қилади. Ифодадаги бундай силжиш миллий турмуш тарзида ва у билан боғлиқ миллий менталитетда юз берган ўзгаришлар билан боғлиқ. Мумтоз шоирлар камон ва ўқни бундай ҳолатга қиёс қилган эмаслар, чунки ўтмиш ҳаёти учун бунақа ҳолатнинг ўзи истисно саналади. Шеър ёзилган пайтга келиб эса улғайган фарзанднинг оиладан узилиши, ўқиш ёки ишлаш учун йироқларга йўл олиши одатий ҳол бўлиб қолганди. Демак, миллий турмуш тарзи ва менталитетдаги ўзгаришлар поэтик ифодада ҳам ўзгаришларга олиб келар экан.

А.Орипов ёр тасвирида мумтоз шеърятимиздаги каби мубо-
лағали метафоралардан ҳам кенг фойдаланади. Масалан, машхур
«Сен баҳорни соғинмадингми?» номли шеърида ёр ҳақида:
«Ёноғингдан ранг олган дедим – Полазорга бурдим юзимни» (I, 38),
– деб ёзади. Шунга ўхшаш ифода «Сен узоқ яшайсан» шеърида
ҳам бор: «Тунлар ранг олади ҳали сочингдан» (II, 27). Ёр ҳақида шу
гапни айтгач ўзи ҳақида: «Мен-чи, назарингда ёвқур бўлсам ҳам,
Бир кунда тўрт фасл кечар бошимдан», – дейди ва ифодада тўғри-
дан-тўғри ҳазрат Навоий мисраларига таянади. Шоирнинг «Қут-
лов» шеърида салафлар билан ижодий мулоқот яққол кўринади ва
очиқ эътироф этилади:

*Умрдан йил ўтса, яширмоқ нечун,
Юрак симоб янглиғ титрагай ҳар гал.
Устоз лутф этгандай, ҳар фурсат учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.
Кечган ҳар онингга назар солсанг гар,
Шоирнинг шоҳ сатри раводир, балким (I, 194).*

Кўряпмизки, шоир ўқувчини фикран Ғ.Ғуломнинг машхур «Вақт»
шеърига юборади, шундагина бу ердаги метафоралар (ҳайкал қўй-
моқ», «шоҳ сатр») мазмуни аниқлашади. Шеърдаги «Сенинг меҳна-
тингдан тупроқ очиб зар» мисрасини ўқиганда Ойбекнинг машхур
«Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди» сатри ёдга келади. Иккала
мисрада қўлланган метафора моҳиятан битта бўлса ҳам, Ойбек-
да у Ватан, А.Ориповда эса меҳнаткаш халқ мадҳига қаратилади.
«Ҳали офтоб ишга шимармасдан енг, Ҳали Зухро кўкдан боққанда
яккаш» мисралари эса Уйғуннинг ўз вақтида машхур «На кўкнинг
фанори ўчмасдан, На юлдуз сайр этиб кўчмасдан» мисраларини,
уларда қўлланган метафораларни ёдга солади. Иккала шоир ҳам
мазкур метафоралар орқали деҳқоннинг каллаи саҳардан далага
чиқишини тасвирлайди; А.Орипов тасвирда салафи изидан боради
ва у билан ижодий мусобақага киришади.

Кузатишлар ва таҳлиллар кўрсатдики, А.Орипов шеърятини
да метафорага материал берувчи манбалар ғоят кенг ва бойдир.
Ушбу фаслда шоир қўллаган метафораларнинг хомашё манбаи
сифатида она табиат, жамият ва миллий адабий анъаналарини-
гина мухтасар кўриб чиқа олдик. Ҳолбуки, булардан бошқа шоир
метафоралари яна миллий турмуш тарзи, халқнинг урф-одатлари,

ишонч-эътиқодлари, фольклор, жаҳон адабиёти анъаналари каби манбалардан ҳам озиқланади. Метафора (умуман, образ) яратиш учун мурожаат этаётган манбалар ниҳоятда бойлиги шоир ижодида метафорик (образли) тафаккур теранлиги, метафораларнинг ранг-баранглигини таъминловчи асосий омилдир.

Метафоралар таснифи, бадий нутқ тизимидаги ўрни ва алоқалари. Ўхшашлик асосида кўчма маънода қўлланган сўзларнинг ҳаммаси кўчимнинг метафора деб номланувчи битта турини ташкил қилса ҳам, албатта, уларнинг барчаси бир хил эмас. Демак, тур ичида улар хилларга ажралиши табиий. Биринчи бобда айтилганидек, метафора масаласи адабиётшунослиқдан бошқа яна кўплаб гуманитар билим соҳаларида ҳам ўрганилади. Бу соҳаларнинг ҳаммаси метафорани ўзини қизиқтирган аспектда ўрганади, ўзи учун муҳим тасниф принципига таяниб гуруҳлайди.

Ҳозирги тилшунослиқда, энг аввал, лисоний ва поэтик метафоралар фарқланади. Ўз вақтида Цицерон образли тарзда мана бундай деган: «...олдиниға совуқдан ҳимоя қилиш учун ўйлаб топилган кийим кейинчалик ҳам безак воситаси, ҳам мартаба белгиси сифатида ишлатилгани каби, кўчма иборалар ҳам сўз етишмаслигидан пайдо бўлиб, кейин ҳузур, завқ олиш учун кенг қўлланди».⁵⁹ Цицерон, кўриб турганимиздек, эътиборни кўчма маъноли сўзлар бажарувчи функцияга қаратади: номинатив ва эстетик. Шундай бўлса-да, у метафоранинг лисоний ва поэтик хилларини ажратмайди, битта нарсанинг турли вазифалар учун ишлатилишини таъкидлайди, холос. Лисоний ва поэтик метафораларни фарқлаш ва ўзаро қарши қўйган ҳолда ўрганишни француз тилшуноси Ш.Балли бошлаб берган бўлиб⁶⁰, ҳозирда бу иккисининг бошқа-бошқа ҳодисалар эканлиги тилшунослиқда умумэътироф этилган.

Ўз-ўзидан равшанки, адабиётшунослик поэтик метафорани ўрганади. Поэтик метафоранинг энг муҳим хусусияти оригиналлик ва экспрессивлик ҳисобланадики, ушбу хусусиятлар ҳамиша контекст билан узвий боғлиқ ҳолда (коннотативлик) юзага чиқади.

Адабиётшуносликка оид тадқиқотларда, хусусан, махсус луғатлар ва ўқув адабиётларида метафоралар таснифига жиддий эътибор берилмайди. Шу боис метафоранинг иккита: метафора-жонлантириш ва метафора-предметлаштириш турлари ҳақида тўхталиб, бундан бошқача таснифлар ҳам бўлиши мумкинлиги айтилади ва

⁵⁹ Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.299.

⁶⁰ Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С.331.

шу жойдаёқ бунинг у қадар муҳим эмаслиги таъкидлаб қўйилади.⁶¹

Аввало, метафоранинг мазкур икки турига тўхталамиз. Метафора-жонлантириш деганда воқелиқдаги жонсиз нарсаларга инсонга (баъзан эса қўлам кенгроқ олинади-да, умуман, жонли мавжудотларга) хос хусусиятларни кўчириш назарда тутилади. Бунинг акси ўлароқ, метафора-предметлаштиришда ташқи оламдаги нарсаларга хос хусусиятлар ички олам ҳодисаларига – маънавий-руҳий тушунчаларга кўчирилади. Агар метафора ички ва ташқи оламини бир-бирига қиёсан ўрганиш экани ёдга олинса, булар ҳақиқатан ҳам метафоранинг асосий турлари экани аён бўлади. А.Орипов шеъриятида метафоранинг биринчи тури жуда фаол ишлатилади. Масалан, шоир «Яна келди эркатой кўклам» (I, 19) деганида унинг баҳорга муносабати яққол ифодаланадики, бу поэтик метафорага хос экспрессивликдир. Ёки киш бўйи баҳорни интиқ кутган лирик қаҳрамон: «Ҳар нечук киш фаслин тунд дийдоридан Жажжи капалакнинг васли ширинроқ» (I, 202), – деганидаги экспрессивлик ўқувчини беихтиёр унга ҳамфикр этади. Бунга сабаб экспрессивликнинг ўзигина эмас, топиб оригинал тарзда айтилганида ҳам. Ахир, аслида, «тунд дийдор» дегани инсонга хос: ҳаётда истасанг-истамасанг «тунд дийдор» одамлар билан ҳам муомалада бўлишга, чидашга мажбурсан киши. Яъни мажбуриятдан халос бўлган чоғдаги кайфият ҳаммага таниш. Шоир мазкур кайфият билан қишдан баҳорга чиқиш чоғидаги кайфият орасида ўхшашликни кашф этади, яъни қиёснинг ўзи оригинал ва шу нарса ифодани таъсирчан этади.

Шеъриятда метафора-предметлаштириш метафора-жонлантиришга нисбатан сийрақроқ учрайди, лекин бадиий самараси ундан асло кам эмас. А.Ориповнинг илк ижодига оид бир шеърида Дарбанд дарёсига хитобан: «Юракда сен ижод ҳиссини чертдинг» (I, 29), – дейилади. Албатта, бу ерда дарёга инсон сифатининг берилиши ҳам бор. Лекин «ижод ҳиссини чертмоқ»да «ҳис»ни «тор»га яширин ўхшатиш мавжуд: ҳис предмет сифатини олади. Худди шу қиёс мисранинг метафорик маъносини юзага чиқаради: тор чертибди – юрак куйлай бошлади, яъни дарё қалбга илҳом бағишлади. Метафоранинг бу тури бадиий образнинг муҳим шарт бўлган конкрет-ҳиссий ифодани таъминлайди. Негаки инсон ички оламига тааллуқли тушунчалар – абстракт тушунчалар, предметлаштириш

⁶¹ Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. – М., 2000. – С.436.

уларни конкрет-ҳиссий идрок қилишга ёрдам беради. Масалан, «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» номли шеърда «Титроқ юлдуз каби музлаган шуур» (I, 139) сатри бор. Ушбу сатр шеърнинг ўрта-сидан ўрин олган бўлиб, унга қадар мана бу мисралар келади:

*Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси,
Танимни жунжитар оқшомги шамол.
Нега мунча ғамгин найнинг навоси,
Нега қалбим тўла ўкинч ва малол?
Барглар орасига тинмасдан сира
Ошно юлдузлардан тўкилади нур.
Билмайман қийнайди қайси хотира... (I, 139)*

Лирик қаҳрамон ўзининг айна дамдаги ҳолат-кайфиятини идрок этолмай туради, идрок этишга ожиз, чунки «шуур музлаган». Шуур эса, маълумки, абстракт от, унинг музлаши мумкин эмас. Демак, бу ўринда шуурга музлаши мумкин бўлган конкрет предмет хусусияти кўчирилиб абстракт тушунча предметлаштирилди. Хўш, бунақа предметлаштириш конкрет-ҳиссий идрок этишга қандай ёрдам беради? Албатта, ўхшашлик асосида. Балки, «шуур музлаган» ҳолатни ҳамма ҳам ҳис этиб кўрмаган, ҳис этса ҳам бу ҳолатни аташга уринмагандир. Бироқ ҳамманинг ҳам бирда-ярим совуқ қотган пайтлари бўлган. Шундай пайтда, масалан, «қўлларим музлаб қолди, бирор нарсани ушлай олмайман» деймиз. Яъни музлаган қўл ўз вазифасини бажаришга ярамай вақтинча ишдан чиқади. Шунга ўхшаб шеърдаги ҳолатда «музлаган шуур» ҳам ўз вазифасини – идрок этишни уддалаёлмай қолади. Яъни тахминан шундай ўхшашлик асосида яратилган метафора таққослаш орқалигина англанади.

Метафоранинг юқоридаги иккита тури қиёс объектлари (жонли ва жонсиз) ва маъно кўчириш йўналиши (жонлидан жонсизга ва аксинча)га кўра таснифланди. Ҳолбуки, шу тамойил бўйича яна метафоранинг маъно кўчиши жонлидан жонлига ва жонсиздан жонсизга йўналишида амалга ошган турлари ҳам ажратилиши мумкин. Масалан, А.Ориповнинг «Қозоғистон оҳуси» шеърдаги илк мисраларда маъно кўчиши жонлидан жонлига йўналишида амалга ошади:

*Кўкчатовда кўк камзулли бир оҳу кўрдим,
Таажжубки, оёғида қизил этикча (1, 216).*

Бунда оҳу метафораси қозоқ сулуви маъносида ишлатилмоқда, демак, қиёс объектларининг иккиси (оҳу, сулув) ҳам жонли. «Совға» шеъри Бухоро – Москва газ қувурининг ишга туширилиши муносабати билан ёзилган (1967) бўлиб, сарлавҳа остидаги бағишлов истисно қилинса, шеър матнида «газ» сўзи йўқ. Унинг ўрнига «олов», «оташ» сўзлари ҳамда «Осиёнинг қуёши», «Ўзбекистон оташи» бирикмалари ишлатилган (I, 146). Агар «олов», «оташ» сўзларида алоқадорлик (метонимия) асосидаги маъно кўчиши кузатилса, «Осиё қуёши» бирикмасидаги «қуёш» сўзида маъно кўчиши метафора асосида, жонсиздан жонсизга йўналишида содир бўлган.

Юқоридаги мисоллар таҳлили кўрсатдики, А.Орипов шеъриятида қиёс объектлари ва маъно кўчиш йўналишига кўра метафоранинг тўртта тури қўлланган экан:

- 1) инсонга хос хусусиятларни жонсиз нарсаларга кўчириш;
- 2) предмет хусусиятини инсон руҳий олами билан боғлиқ ёки ташқи оламдаги абстракт тушунчаларга кўчириш;
- 3) маънони жонли нарсадан жонли нарсага кўчириш;
- 4) жонсиз предметдан жонсиз предметга кўчириш.

Таъкидлаш керакки, шоир ижодида метафоранинг мазкур хиллари қўлланишдаги фаоллик даражасига кўра бир хил эмас, уларнинг фаоллиги рўйхатдаги тартибга мос келади. Буларнинг ичида метафора-жонлантириш энг фаоли, метафора-предметлаштириш унга қараганда бир оз сустроқ. Бу эса А.Орипов бадиий тафаккурида ички ва ташқи оламини бир-бирига қиёсан идрок этишга интилиш устуворлиги билан изоҳланиб, аввалги фаслда айтилганидек, кўп жиҳатдан шоир шахс сифатида шаклланган муҳит билан боғлиқдир.

Мазкур икки хил метафоранинг устуворлиги уларни ифодаловчи тил бирликларини ҳам белгилайди. Умуман олиб қаралса, метафора ҳар қандай сўз туркумига оид сўз билан ифодаланиши мумкин, албатта. Лекин шеъриятда, хусусан, А.Орипов ижодида метафоранинг юқоридаги икки хили устувор экан, улар, асосан, феъл ва от туркумига кирувчи сўзлар билан ифодаланади. Зеро, мантиқан олиб қаралганда ҳам феъллар жонлантириш, отлар предметлаштириш учун энг қулай сўзлардир. Шунга қарамай, ҳар иккала хил метафораларнинг юзага келишида феъл муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, А.Орипов шеъриятида шундай. Масалан:

*Тунда ҳам жимгина ёш тўқди осмон
У менинг ҳолимга йиғлар эди, бас!*

*Бас, дўстим, мен учун чекмагин фиғон,
Сенинг кўз ёшинг ҳам янгилик эмас (I, 113).*

Бу парчада «ёш тўқмоқ», «йиғламоқ», «фиғон чекмоқ» феълларининг «осмон»га нисбатан ишлатилиши объектни жонлантиради, унга инсонга хос сифатларни беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гарчи метафора-жонлантириш жонсиз предметга жонли сифатини бериш дея таърифланса ҳам, аслида, бунда, асосан, инсонга хос сифатлар берилади. Шунинг учун метафоранинг мазкур тури персонификация⁶², антропоморфизм⁶³ деб ҳам юритилади.

Маълумки, ҳаракат фақат инсонга эмас, балки жониворлар, нарса-ҳодисаларга ҳам хосдир. Ўз-ўзидан равшанки, феъл туркумида уларнинг ҳаракатини ифодаловчи сўзлар ҳам бор. Яъни феъл туркумига кирувчи сўзларнинг бир қисми инсонга, бир қисми жониворга, тагин бир қисми нарса-ҳодисаларга хос ҳаракатни ифодалайди. Демак, нарса-ҳодисаларга инсонга хос сифатларни бериш услубий жиҳатдан шунга мос феълларнинг ишлатилишини талаб қилади. Масалан, «Баҳор» шеъридаги «Булутлар ортидан боқади юлдуз», «Қайдадир юртини эслаб инграр най», «Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи» (I, 125) каби мисраларда ишлатилган «боқмоқ», «эсламоқ», «инграмоқ», «оҳ тортмоқ» феъллари фақат инсонга хос ҳаракатни англатади ва предметни шахслантиради (персонификация). Агар феъл, умуман, жонзотга хос ҳаракатни англатадиган бўлса, шахсланиш контекстагина юзага чиқади. Масалан, «Йироқда Монблан тоғи ухлайди» (I, 281) мисрасида қўлланган «ухламоқ» феъли, умуман, жонзотга нисбатан қўлланиши мумкин, демак, шу феълнинг ўзи тоққа инсон сифатини беролмайди. Чунки, масалан, тоғ айиққа ё девга ўхшаб ухлаши мумкин. Лекин кейинги мисрада: «Оппоқ қор чойшабин тагида беҳуш» (I, 281), – дейилиши билан тоққа айнан инсон сифати берилаётгани аниқ бўлади.

Контекст билан боғлиқлик феъл инсон ички оламига оид тушунчалар билан бирликда қўлланганида янада муҳим аҳамият

⁶² Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. – С.218.

⁶³ Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. – М., 2000. – С.435.

касб этади. Масалан, А.Орипов бир шеърида: «Нечун юрагимни тирнайсан, ғашлик?» (II, 33) – деб ёзади. Ушбу метафорик ифодада «тирнамоқ» феъли «ғашлик» абстракт отига боғланган бўлиб, метафорик маъно икки босқичда реаллашади: жонлантиришнинг амалга ошиши учун аввал абстракт тушунчанинг предметлаштирилиши тақозо этилади. Яъни «ғашлик» аввалига тирнаши мумкин бўлган нарсага, масалан, мушукка яширин ўхшатилади. Кўп ҳолларда феъл бир эмас, бир неча сўздаги кўчма маъноларга ишора қилиб яхлит метафорик маънони юзага чиқаради. Масалан, «Севгисиз одам» шеъридаги мана бу сатрларни олайлик:

*Яхши қиз хаёлга толдингиз нечун?
Нечун кўз ёшингиз томди йўлимга?
Севгисиз одамга ачинмоқ нечун,
Кўз ёш йўл тополмас менинг дилимга» (I, 22).*

Охирги мисрадаги «йўл топмоқ» феъли «кўз ёш»га боғланади ва уни жонлантиради. Матнда «кўз ёш»нинг «яхши қиз» билан алоқадорлиги эътиборга олинса, мисра ўша қизга қаратилган «мени тушуна олмайсиз» маъносини беради. Бироқ ушбу феъл «дил»га ҳам боғланади. Натижада абстракт тушунча бўлган дил конкрет макон маъносини олади, яъни предметлашади. Иккинчи томондан, ушбу мазмуний боғланиш дилни ҳам таърифлайди: севгисиз одам қалби қоронғу бир зимистон, унда ишқ «оташили кул босган» (I, 22), «йўл тополмаслик» сабаби ҳам шудир.

Таҳлил ва кузатишлар А.Ориповнинг метафора яратиш услубида феъл туркумига кирувчи сўзлар етакчилик қилишини кўрсатади. Аксинча, от сўз туркуми билан ифодаланган метафоралар нисбатан камчиликни ташкил этади. Аввало, бунда қаратқичли бирикма билан ифодаланган метафораларни айтиш керак. Бундай бирикмаларда қаратқич позициясида (асосан, белгисиз қаратқич) турган от қаралмиш позициясида турган отга ўхшатилади. Масалан, «Гоҳо хаёл дарёсида жим Ўтказаман тунларни бедор» (I, 14), – деб ёзади шоир. Мисрадаги «хаёл дарёси» бирикмасида хаёлнинг бетизгин оқими дарёнинг оқимига қиёсланади. Бирикмадаги хаёл ўз маъносида, дарё кўчма маънода қўлланса-да, иккиси бирликда битта метафорани ташкил қилади. Бунақа метафораларга мисол сифатида мана бу сатрларни ҳам келтириш мумкин:

*Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тиғида
Фалакни кўзларди менинг ҳам созим (II, 12).*

Албатта, метафоранинг бу тури от билан ифодаланган метафорик сифатлашдан фарқ қилади. Масалан, А.Ориповнинг «Тоғлар» шеъридаги мана бу тасвирда шундай сифатлашлар қўлланган:

*Пар булутлар, марварид қорлар
Юсак чўққи узра қўйган бош (I, 16).*

Бунда «пар», «марварид» отлари билан ифодаланган сифатлашлар сифатланмишнинг муайян бир белгисини англатмоқда: биринчи ҳолда ранг ва юмшоқлик (оқ булут)ни, иккинчи ҳолда ранг (ялтироқ оқ)ни. Албатта, бунда белгини от билан аташ ҳам ўхшашлик асосида амалга ошмоқда, шунинг учун уни метафорик сифатлаш дейилади. Бироқ бу ерда битта муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керак: бирикма ҳолида ҳам улар нарса (булут, қор) ни атамоқда, фақат аталаётган нарса белгиси билан аниқлаштириб аталмоқда. Бундан фарқли ўлароқ, «хаёл дарёси» қаратқичли бирикмаси «хаёл» ёки «дарё»ни атаётгани йўқ, балки бирикмани ташкил этган сўзларнинг ўз маъноси билан боғлиқ бўлса ҳам янги маънони, яъни хаёллар домига чулғанган бир ҳолатни ифодалашга хизмат қилмоқда.

От билан ифодаланган метафораларга унинг илмий манбаларда субстантив метафора⁶⁴ деб юритилувчи турини ҳам киритиш мумкин. А.Орипов шеъриятида метафоранинг бу тури ҳам анча фаол қўлланади. Масалан, «Номаълум одам» шеърида шундай мисралар бор:

*Ўлим бу – нишонга бориб теккан ўқ,
Туғилиш – шиддат-ла тортилган камон (I, 201).*

Илгари айтилганидек, адабиётшуносликда антик даврлардан буён метафора ихчам ўхшатиш деган қараш ҳукм суриб келади. Метафорани бундай тушуниш ҳар қандай ўхшатишли конструкцияни қисқартириш натижасида метафора келиб чиқади деганидир. Яъни, масалан, мана бундай силжиш орқали: «Рустам мардлиги билан бамисоли шер» – «Рустам мисоли шер» – «Рустам шер-

⁶⁴ Теория метафоры. – С.27 – 28.

дир» – «Шер» (яъни Рустам маъносида). Ушбу мисолларнинг ҳаммасида иккита объект бир-бирига ўхшатишмоқда. Бироқ уларнинг биринчисида «ўхшатилаётган нарса (Рустам), ўхшаётган нарса (шер), ўхшатиш асоси (мардлик) ва ўхшатиш воситаси (бамисоли) мавжуд; иккинчисида булардан ўхшатиш асоси (мардлиги билан), учинчисида ўхшатиш асоси (мардлиги билан) ва ўхшатиш воситаси (бамисоли) тушиб қолади, тўртинчисида булардан ташқари ўхшатилаётган нарса англатувчи сўз ҳам тушиб қолади ва ўхшаётган нарсани англатувчи сўз ўхшатилаётган нарса маъносида ишлатилади. Биз мисолга олган мисраларда умр оқими ғоят шиддатли эканлиги метафорик тарзда ифода этилмоқда. Бироқ «Ўлим бу – нишонга бориб теккан ўқ» метафорасини юқоридаги каби ўхшатишли конструкциянинг қисқариши эмас, бунда ҳукм (предикат) мавжуд. Шунинг учун метафоранинг бу хилини баъзан предикатли метафора деб ҳам юритилади.⁶⁵ Худди шунга ўхшаш гапни «Эй баҳор бекаси – май чечаклари» (I, 202) мисрасига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Айни чоғда, иккала мисол ҳам метафорик маънога эга ва метафорик тарзда (аналогия асосида) идрок этилади. Бунақа метафораларга яна А.Ориповнинг қуйидаги мисраларини ҳам мисол келтириш мумкин:

Бўронга айланмай шаббода – гўдак (II, 35).

Юз йил-ку тарихда – қошнинг ораси (I, 103).

Эртак дегани бу – ширин ақида (I, 111).

Мунис Ўзбекистон – мардлар онаси (I, 249).

Кўриб турганимиздек, бу мисолларнинг ҳаммасида бир-бирига қиёсланаётган иккита объект бор, бироқ ўхшатиш асоси ҳам, ўхшатиш воситаси ҳам тушириб қолдирилган. Яъни бундай метафора ўхшашлик нимада эканлигини тушунтиришни зиммасидан соқит қилади, фақат ёнма-ён қўйилган икки нарса-ҳодиса орасида ўхшашлик борлигини ҳукм тарзида қайд этади. Масалан, юқоридаги мисолларда «юз йил-ку тарихда – қошнинг ораси» дегандан бошқа «шаббода – гўдак», «эртак – ширин ақида», «Ўзбекистон – мардлар онаси» метафораларнинг мазмуни контекстдагина аён бўлади. Масалан, «шаббода – гўдак» метафорасини олайлик. Бунда шоир, аввало, шамолнинг даражаларини инсон умри фаслларига ўхшатади: «Бўронга айланмай шаббода – гўдак». Сўнг гўдак кишининг

⁶⁵ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.28.

кўнглига беғуборлик бергани каби, баҳор шаббодаси ҳам дилни яйратади деган маънони ифодалайди: «Озурда дилларни яйратар бешак» (II, 35).

А.Орипов шеъриятида сифат билан ифодаланган метафоралардан ҳам кенг ва унумли фойдаланилади. Сифат метафоралар айрим ўринларда нарсаларнинг ҳолатини, жонланганликни, бошқа ўринларда предметлаштиради. Жумладан, инсонга хос сифатларни англашчи сифатлар жонлантиришга хизмат қилади. Масалан, шоирнинг «Яна келди эркатой кўклам», «Сахий қуёш сочар заррин нур» (I, 19) каби мисраларида «эркатой», «сахий» сифатлари метафорадир. Улар инсонга хос сифатни англатгани учун ҳам ўзлари қўшилган от билдирувчи предметни жонлантиради. Шу билан бирга, сифат билан ифодаланган метафоралар ҳаммиша аниқ услубий бўёққа эга бўлиб, ўзида баҳо муносабатини ташийди. Келтирилган мисолдаги «эркатой кўклам» дейилишининг ўзида баҳорга меҳр, эркалаш ҳислари ҳам акс этади. Ёки қуёшга «сахий» сифатининг қўшилиши жонлантиришдан ташқари кўклам қуёшига хос хусусиятни ҳам ифода этади. Чунки қиш ичи барча ўсимлик ва жонзот қуёшга интиқ бўлган, энди ҳамма қуёшга талпинади, қуёш эса ҳаммага аямай нур ҳамда тафт беради.

А.Орипов шеърларида сифат билан абстракт отнинг бириктиришдан ҳосил бўлувчи метафоралар ҳам анча фаолдир. Бундай бирикувда абстракт от англатган мавҳум тушунчага конкрет предметга хос белги қўчирилади. Юқорида сифат метафоралар айрим ҳолларда предметлаштиради деганда биз шуни назарда тутдик. Масалан, А.Орипов бир шеърида: «Завқингни қитиқлар ширин туйғулар» (I, 15), – деб ёзади. Аслида, «ширин» сифати таъм билиш ва ҳид билиш органлари орқали идрок этиладиган белгини билдиради, бундай белги эса моддий нарсаларга хосдир. Мисолимизда «ширин» сифати туйғуга боғланган, натижада номоддий нарсага моддий нарсасидек қаралади. Шунга ўхшаб бошқа битта шеърида А.Орипов бундай ёзади:

*Юрагингда чақнасин фақат
Ёруғ хаёл, самовий ўтлар (204).*

Бу ерда «ёруғ» сифати «хаёл» абстракт отига боғланган бўлиб, бирикма ҳолида «эзгу хаёл», «неқбин хаёл» каби метафорик маъноларни ифодалайди. Метафорик маънонинг юзага чиқишида

фольклор ва ёзма адабиётнинг анъаналари асос бўлади. Уларда эзгулик ҳамиша ёруғлик билан, ёвузлик эса зулмат билан боғлиқ талқин этилади. Шу асос борлиги учун ҳам шоир яна бир шеърда ёзади:

*Қучоқ оч, дилбарим, шу гул наҳорга,
Туманли туйғулар босмасин оғир (202).*

Кўряпмизки, лирик қаҳрамон суюқлисига баҳор чоғи киши кўнглида «туманли туйғулар» эмас, «ёруғ туйғулар» оғир босиши кераклигини эслатади, уни ҳаётдан завқланишга ундайди.

А.Орипов шеъриятида сифатдош ё равишдошли оборотлар, иборалар билан ифодаланган метафоралар ҳам анча кўп учрайди. Масалан, ўзининг «Учкун» номли илк шеърларидан бирида шоир бундай ёзади:

*Ачинмайман, чунки оташга –
Оқ йўл берар, одатда, учкун (I, 14).*

Авалло, бу мисраларда Пушкин таъсири, аниқроғи, унинг мактаб дастурларидан муқим ўрин олган «Сибирга мактуб» шеърининг таъсири сезилади. Пушкин шеъри «Пайт келар учкундан чиқар аланга» мисраси билан тугалланган бўлиб, шўро даври ўқувчилари бу шеърни ёд билганлар. Шоир «оқ йўл тиламоқ», «оқ фотиҳа бермоқ» каби иборалар ва улар билан боғлиқ ҳаётий ҳолатни ўз ҳолатига татбиқ этади, ўзининг ҳали ғўр машқларини учкун деркан, пайти келиб улар оташга айланишига ишонади. Бунда оқ йўл бермоқ иборасининг ишлатилгани ҳолатнинг моҳиятини очиб беришга жуда мос. Чунки 1957 йили ёзилган шеър лирик қаҳрамони тўғри маънода ҳам (яъни пойтахтга ўқиш учун), кўчма маънода ҳам (катта шеърятга элтувчи) йўлга чиқиш олдида турибди.

Кўп ҳолларда шоир тилимизда кенг қўлланадиган иборалар шаклини бирмунча ўзгартириб истифода этади. Лекин ўзгартириш шу даражадаки, ифода остидаги иборани таниб олиш мумкин, шунинг учун ҳам ўша ибора метафорани идрок этилишига асос бўлади. Масалан, 1960 йилда умидлар қанотидаги ёш шоир шундай ёзади:

*Ҳали олдиндадир гўзал кунларим,
Ҳали лаб тегмаган кулгулар олдда (I, 21).*

Бизнингча, бу ерда «лаб тегмаган» метафораси замирида тилимизда кенг ишлатилувчи «онаси ўпмаган» ибораси бор. Сўзлашув нутқида фаол «онаси ўпмаган» иборасининг «софлик», «бокиралик» маъноларини беришини ҳисобга олсак, бу метафора биринчи мисрадаги «гўзал» метафорик сифатлаши билан уйғунлик ҳосил қилишини сезиш мумкин. Бундан ҳам муҳимроғи шуки, ушбу метафора ёш кўнгил ва уни тўлдирган орзу-интилишлар мусаффолиги билан уйғундир. Яъни у лирик қаҳрамонни тавсифловчи муҳим деталь бўлиб хизмат қилади. Иборани ўз ижодий мақсадига мос тарзда ўзгартириш «Маломат пичоғи суякка етган» (II, 140) мисрасида ҳам кузатилади. Бир қараганда, «пичоқ суякка етган» ибораси айнан ишлатилгандек, лекин шоир пичоққа сифатловчи қилиб қўшган «маломат» сўзи ибора таркибига киришиб кетади. Аниқроғи, сифатловчининг қўшилиши ибора бутунлигига путур етказди, ўзи яхлит метафорик маъно ифодалаши лозим бўлган иборада «маломат пичоғи» метафорик бирикмаси ҳосил бўлди. Яъни, аслида, иборанинг бутунлиги бузилди дегани грамматик жиҳатдан у иборалик хусусиятидан айрилди деганидир. Шунга қарамай, матнда иборанинг кўчма маъноси сақланиб қолди, у ҳамон умумий кўчма маънонинг ўзаги бўлиб қолаверади.

Халқнинг жонли тилига яқинлик А.Орипов услубининг ўзига хос белгиларидан. Жонли тилга яқин дегани эса халқ турмуши билан яқин дегани бўлади, чунки уларни бир-биридан ажратиш ножоиз. Масалан, «Гўзалликни йўқлаш» номли шеърида лирик қаҳрамон бир вақтлар ҳамманинг юрагига ўт ёққан гўзалнинг ҳозирги аҳволини мушоҳада этади:

*Юзларингда ажин, сочларингда оқ,
Елкангдан юк бўлиб босибди йиллар.*

*Қуралай кўзларда тубсиз бир чарчок,
Бекор гап, ким деса ёшдир кўнгиллар (II, 138).*

Халқимизда «юк босмоқ» дегани «оғир аҳволга тушиб қолмоқ», «оғир дардга чалинмоқ» каби маъноларни англатиб, қадимдан келувчи ишонч-эътиқодлар билан боғланади. Худди шу тушунча шеърда умрида кўп қийинчиликлар кўрган ва ёшлик тароватини анча тез йўқотган аёлга нисбатан ишлатилади, яъни инсон умрига кўчирилади. Бундан ташқари, «елкадан юк босиш» дегани реал

ҳолатда адл қоматни эгади, худди шу нарса шеърдаги «ёшлик – кексалик» зиддиятини кучайтиради ҳамда «ажин», «соч оқи», «кўзлардаги тубсиз чарчоқ» билан уйғунлашади.

А.Орипов ўз шеърларида сифатдош обороти билан ифодаланган метафоралардан ҳам моҳирона фойдаланган. Биз метафора сифатдош обороти билан ифодаланган деганда шундай ҳолларни назарда тутамизки, унда, гарчи кўчма маъно асоси сўз бўлса ҳам, кўзланган метафорик маъно ўша сифатдошли бирикма бутунлигида юзага чиқади. Масалан, шоирнинг «Сени она дедим...» номли шеърида шундай сатрлар бор:

*Ҳеч вақт унутилмас ўша қирғин чоқ
Зафарга чорлаган нурли тимсолинг.
Рейхстаг устига тикилган байроқ,
Асли, сен силкитиб қолган рўмолинг (II, 69).*

Аввало, шоир шу тўрттагина мисрада Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабадаги аёллар ҳиссасини юсак маҳорат билан умумлаштириб, образли ифода этолганини таъкидлаш керак. Бу ифодада охирги икки мисрадаги «байроқ – рўмол» қиёси асос бўлиб хизмат қилади. Лекин шу икки сўз ўз ҳолича шоир ифодалаган маънони бермайди. Зеро, гап, умуман, байроқ ҳақида эмас, «Рейхстаг устига тикилган» байроқ ҳақида; умуман, рўмол ҳақида эмас, аёлларимиз фарзандлари, ака-укалари, ёрларини фронтга узатаётиб «силкитиб қолган» рўмол ҳақидадир. Шунинг учун сифатдошли бирикма яхлит бутунликни ташкил қилади ва шу бутунликки-на шоир етказмоқчи бўлган мазмунни ифодалайди. Шунга ўхшаш ҳолни «Мексика» номли шеърида кўриш мумкин. Аввало, мазкур шеър жамиятимизнинг 80-йиллар ўрталаридаги кайфиятини ўзида акс эттирган бўлиб, тўлалигича ҳам метафорик маъно касб этади. Шеърда лирик қаҳрамон мексикалик ҳиндунинг ўз ўтмиши, миллий анъаналарига нечоғлик содиқлиги, уларни қанчалар авайлаб-асраши, уларга қанчалик эҳтиром билан муносабатда эканига ҳавас билан қарайди. Ўз-ўзидан, бу ҳавас миллий қадриятларимиз унутилаёзган 80-йиллардаги аксарият кишилар маънавияти билан ҳинду маънавиятини яширин қиёслашдан туғилади. Ҳиндунинг «қалб кўрида замон қудрати бор», лекин ўша «қалб тўрида қачонлардир бобоси яратган тош ҳайкал». Шоир ўз ўтмишига, миллий қадриятларига бу қадар ҳурмат билан қараган ҳиндуга тасаннолар айта-

ди: «Мудҳиш босқинлардан тирилиб чиқиб Ўзини таниган элингга балли». Шу сатрларда 80-йилларга келиб миллат олдида кўндаланг бўлган миллий ўзликни англаш зарурати акс эттирилган. Бироқ 1985 йили ҳали бу гапларни очиқ айтиб бўлмас эдики, шеърда ҳиндуга айтилган тасанно, аслида, ўзлигини унутганларни қойиш, ибрат олишга ундашдир. Охирги бандда шоир шеър ёзилган давр учун, тўғриси, ҳамма даврлар учун ҳам жуда муҳим бадиий умумлашма чиқаради:

*Пойингда минг йиллик қабрлар тўпи,
Бу менинг гўрим деб йиғлайсан атай.
Ўтмишга тортилган камоннинг ипи,
Ўқ эса олдинга учмоқ учун шай (II, 70).*

Юқорида А.Орипов мумтоз шеъриятимиздаги «камон» ва «ўқ» асосида метафора яратиш анъанасини янгилаганини айтгандик. Бу ерда ҳам ўшандай новаторлик кузатилади. Шоир камон ипи ўтмишга қанчалик чуқур тортилса, ўқнинг олдинга – келажакка шунчалик шитоб ва узоқ учишини таъкидламоқда. Албатта, бу жамиятимиз ҳаётида ўз исботини топган «ўтмишсиз келажак йўқ» деган ҳақиқатнинг бадиий ифодасидир. Бу ўринда ҳам «камон» билан «ўқ» метафорик маънони ўз ҳолича эмас, балки сифатдошли бирикма бутунлигида ифодалайди.

Адабиётшуносликка оид ишларда метафорага ўхшатишнинг ихчам шакли, ўхшатишли конструкциянинг қисқариши натижаси сифатида қараш билан бир қаторда инкорли конструкциянинг қисқариши натижасида ҳам метафора ҳосил бўлиши айтилади. Яъни ўхшашлик асосидаги маъно кўчиши орқалигина эмас, зидлаш асосида маъно кўчириш ҳам метафорани юзага келтиради.⁶⁶ Албатта, бу метафора ҳақидаги биз кўниккан қарашларга мувофиқ келмайди. Лекин кўплаб адабиётларда бу нарса таъкидланиб, қомусий луғатларда қайд этилар экан, у билан ҳисоблашишга тўғри келади. А.Орипов шеърларини ўрганиш давомида чиндан-да метафора инкорли конструкциянинг ихчамлашуви деб ҳам қаралиши мумкинлигига амин бўлиш мумкин. Масалан, шоир шундай ёзади:

⁶⁶ Қаранг: Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. – С.218; Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.5 – 32.

Албатта, бунда кузни «ошиқнинг сўнган юрагига» ўхшатиш асосида метафора юзага келаётгани ҳис қилинади. Аслида, метафоранинг юзага чиқиши ўхшатиш эмас, инкор асосида амалга ошмоқда. Бунда қуйидагича мантикий структура ёрдамида кўриш мумкин: бу кўриб турилган нарса «куз (**эмас, балки**) ошиқнинг сўнган юраги (**дир**)...» А.Ориповнинг машҳур «Муножот»ни тинглаб» шеъридаги мана бу мисраларда ҳам метафора инкор орқали юзага чиқади:

*Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё! (I, 47)*

Шоир кўникилган «табиат – бешик», «дунё – она» метафораларини инкор қилиб «табиат – дор», дунё – жаллод» тарзидаги ҳукмлар билан янги метафораларни юзага чиқармоқда.

Адабиётшунос Д.Қуронов кўчимлар ишлатилиш фаоллиги, бадий бўёқдорлиги, таъсирчанлик даражаси каби жиҳатларидан бир-биридан жиддий фарқланишини айтиб, бу жиҳатдан: 1) тил ҳодисасига айланган кўчимлар; 2) анъанавий тарзда ишлатилувчи кўчимлар; 3) хусусий-муаллиф кўчимларини ажратади.⁶⁷ Мазкур тасниф нуктаи назаридан қаралса, А.Орипов ижодида уларнинг ҳаммаси ҳам учраши табиий. Чунки тил ҳодисасига айланиб бўлган метафораларни шу тил эгаси сифатида, анъанавий метафораларни шеърятимизнинг минг йиллик анъаналари давомчиси ўлароқ, индивидуал-хусусий метафораларни эса ёрқин истеъдод соҳиби сифатида қўллади. Албатта, бу учала гуруҳга мансуб метафоралар ҳиссий бўёқдорлиги, эстетик таъсири жиҳатидан тенг эмас. Лекин бу ерда бир оз аниқлик киритиш зарур. Маълумки, бадий матнга жалб этилганида кундалик мулоқотда ишлатилувчи оддийгина сўзлар ҳам поэтиклик касб этади. Бинобарин, бу нарса лисоний метафораларга ҳам хосдир. Шундай метафоралардан бирини кўриб ўтамиз. Тилимизда «умр ўтар» калимаси жуда кўп қўлланади, кўп қўлланаверганидан одатий бўлиб кетган. Балки, уни тил метафораси дейиш қийиндир, лекин шу мақомга етиб қолгани шубҳасиз. Ушбу калимада ғалати маъно нозиклиги бор: гўё «инсон

⁶⁷ Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 2007. – Б.127.

ёнидан тутқич бермай ўтиб борадиган нарса» ҳақида гап бораётгандек туюлади. Ҳолбуки, инсон ўша умр билан бирга ўтиб боради, лекин яна «умр ўтар» калимасида ўзидан ташқаридаги нарсани ҳис қилаверади. А.Орипов шеърларида ушбу метафора жуда кўп ишлатилганки, айримларини қайд этамиз:

1. Умр ўтиб борар мисоли эртак,
Эртанинг кетидан келиб қолар шом (I, 144).
2. Бир кун шаҳаншоҳлик теккан гадодай,
Умр ўтар дедим-у, дунёга боқдим (I, 202).
3. Умр-ку ўтади гулдурос солиб,
Унинг қайтганини ким ҳам кўрибди (I, 231).
4. Умр ўтаётир,
Ҳушёр бўл, болам.
Энди қақшаётир отанг асаби (II, 122).

Келтирилган парчаларда «умр ўтар» метафораси мазмунан ҳар қанча яқин бўлмасин, турлича эмоционал-руҳий ҳолатлар, лирик-фалсафий хулосалар: биринчисида умрнинг ўткинчилигини эслатиш, ғафлатда ётмасдан тўлақонли яшашга даъват; иккинчисида умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлаб, гўзалликдан завқ олиб яшашга ундаш; учинчисида умрини ҳасаду ифвога сарф этиб унинг ўтиб бораётганини ўзи англамаётган инсонларга ҳайронлик; тўртинчисида умр билан бирга ўзи ҳам охир манзил томон бораётганини юракдан ҳис этаётган инсоннинг изтиробу ташвишлари ифодасига хизмат қилади. Тўғри, метафора янги эмас. Лекин, биринчидан, бу шеърларнинг ҳаммасида «умр ўтар» метафораси мазмуннинг ўқ томири дейиш мумкин. Иккинчидан, шеърларнинг ҳар бири унинг учун алоҳида ва янги бир контекст, уни бошқа сўзлар ўраб тургани учун, ҳар сафар янги бир эмоционал бўёқ, шу бўёқ туфайли янгича жило берувчи қиррасини намоён қилаверади. Юқоридаги шеърлар билан «Умр» номли шеър контекстларини бирлаштирса, «умр ўтар» метафораси энди тамом янгича ва кутилмаган мазмун касб этади:

*Инсон туғилади, асли, белибос,
Бир парча эт бўлиб келар жаҳонга.
Либосу ҳашамдан бўлғай у халос
Кетар чоғида ҳам сўнғги маконга.*

*Лекин ўртадаги умр-чи, умр...
Ўчмас тамға бўлиб қолгай то абад.
Балки, ёғар унга раҳмат деган нур,
Балки, кўмар уни маломат, нафрат (II, 120).*

Кўриб турганимиздек, бунда «умр ўтар» метафораси ишлатилмаган, фақат «умр-чи, умр»дан кейинги кўп нуқта бир қур «умр ўтар»ни ёдга келтиради. Лекин мазкур контекстга у сиғмайди, контекст бунинг аксини ифодалашга мойил: инсон ўтиб кетади – умри қолади: қилган яхши ё ёмон амалларида, раҳмат ё нафратга сазовор бўлиб давом этаверади. Демак, «умр ўтар» метафораси шеърда ишлатилмаганига қарамай, у мазмунни ифодалаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фақат бунинг учун контекстни кенгроқ, А.Ориповнинг лирик ижоди доирасида олиш лозим, чунки шоир яратган асарлар ўзаро диалогик алоқада яшайди: бири-иккинчисига жавоб, изоҳ ё шарҳ, тўлдириш, инкор каби муносабатларда туради.

Баъзан тилдаги одатий метафорани ёйиш, бошқача шаклда бериш ҳисобига ҳам ифоданинг образли, таъсирли бўлишига эришиш мумкин. Масалан, «кун ботди» метафораси тил ҳодисасига айланиб бўлган. Кузатиб турилса, қуёшнинг ғарб уфқида йўқолиб бориши «сувга ботиб, чўкиб» бораётгандек таассурот қолдиради. Эҳтимол, аслида ҳам бу метафора шундай таассурот асосида пайдо бўлгандир. Хуллас, А.Ориповнинг бир шеърда шундай мисраларни ўқиймиз:

*Тепамдан тун каби қўйилади соч,
Қора тун ёнади оташ юзларда.
Нечун ўзгаларга нур сочган қуёш
Бизнинг орамизда бўлади парда?
Нечун иккимизни қолдириб ёлғиз
Коинот тубида қуёш чекар оҳ? (I, 32)*

Бизнингча, «коинот тубида қуёш чекар оҳ» метафораси «кун ботди» метафорасини ривожлантирган, бир қадар муболағалаштирган ҳолда ёйиб берилган шаклидир. Зеро, бу сайёрамизнинг шар шаклида эканлигини, бизлар томонда тун чўкканида ғарбий яримшарда кундуз бўлишини биладиган одам яратган метафора. Яъни қадимги одам «кун ботди» дейишдан нарисини тасаввур қилолма-

ган бўлса, замонамиз кишиси қуёш ўзига нисбатан «коинот тубида» эканлигини билади. Худди шу билим унга лисоний метафорани ривожлантириб оригинал метафора яратишга имкон беради.

Гап оригиналликка келиб тақаларкан, унинг поэтик метафорага хос белгиловчи хусусиятлигини эслатиш жоиз. Яъни бунгача кўриб ўтилган мисолларнинг кўпчилиги А.Орипов санъаткорона нигоҳи билан илғай олган ўхшашликлар асосида яратилган оригинал, индивидуал-хусусий метафоралардир. Масалан, «Қарши қўшиғи»да шундай мисра бор: «Оёқланган кўзидай довдирар елда майса» (I, 183). Шоирнинг маҳорати шундаки, эндигина оёқ босган кўзичоқни ҳам, унга қиёсан елда довдираган майсани ҳам кўз олдимизда гавдалантиради. Бошқа томони, «довдирамоқ» феъли билан ифодаланган метафора ўхшатишли конструкция таркибига киради, ўхшатишнинг асоси бўлиб қолади. Оригиналлик шоирнинг табиат билан боғлиқ метафораларида, айниқса, бўртиб кўринади. Мана, Наврўзга бағишланган шеърнинг биринчи бандини кўринг:

*Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгга куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйку,
Демак, баҳор келди,
Келмоқда Наврўз (II, 344).*

Дастлабки мисрадаги «мўраламоқ» феъл метафораси баҳорни жонлантириш билан бирга юракни эшик-туйнукли маъвога ўхшатади, бирданига иккита метафорик маънони юзага чиқаради. Муҳими, ушбу метафора шоирнинг Наврўз, баҳор, аввало, инсон юрагида бошланади деган ҳақиқатига ишонтиради. Дов-дарахтнинг куртак ёза бошлаши «баҳорнинг куртакларга сўз ўргатиши» дея берилиши ҳам, бизнингча, мутлақо оригинал. Чунки «куртаклар жилмайиши», «куртаклар кўз очиши» каби метафоралар кўп учрайди, буниси ориповча нигоҳ кўролган ўхшашликдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, А.Орипов шеъриятида метафорага материал берувчи манбалар ғоят кенг ва бой. Шоир метафора (умуман, бадиий образ) яратиш учун мурожаат этаётган манбаларнинг бойлиги ундаги метафорик (образли) тафаккур теранлиги ва қўлланган метафораларнинг ранг-баранглигини таъминловчи асосий омилдир.

А.Орипов ижодида қўлланган метафораларнинг асосий манбалари сифатида она табиат, жамият ва миллий адабий анъаналарни кўрсатиш мумкин, шоир яратган метафораларнинг кўпига табиат манба бўлиб хизмат қилган. Айни чоғда, шоир образли тафаккурида табиат билан алоқанинг кучлилиги метафоранинг жонлантирувчи ва предметлаштирувчи турлари етакчи бўлишини таъминлаган. Қисқаси, шоир ўз ижодий тажрибалари билан ҳозирги шеъриятимизда бундай метафораларнинг кенг қўлланишига замин ҳозирлаган ижодкорлардан биридир.

III БОБ. МЕТАФОРА ВА ЛИРИК АСАР БУТУНЛИГИ

Метафора ва шеър композицияси. Н.Г.Арутюнова: «Метафорани ёйиш, яъни бутун жумла (ёки ҳатто бутун шеърий матн) доирасида изчил семантик боғлиқликни амалга ошириш метафорани (алоҳида бадиий усул сифатида) образга айлантиради»⁶⁸, – деб ёзади. Олиманинг бу фикри моҳиятан Р.Якобсоннинг поэзиянинг асосида ўхшашлик принципи ётади ва худди шу жиҳати билан у прозага оппозицияда туради деган қарашига уйғун. Мазкур фикрлар метафора лирик асарда кўчимгина эмас, балки лирик асарни тематик ва композицион жиҳатдан уюштирувчи муҳим омил деган хулосага олиб боради. Бунинг исботини услуги метафорага мойил шоирлар, хусусан, А.Орипов ижодида кузатиш мумкин. Яхши маълумки, ижодкор индивидуал услуги у яратган асарнинг барча унсурлари, барча сатҳлари (тили, поэтик образлари тизими, композицион қурилиши)да ўзини намоён этади. Демак, А.Орипов шеъриятида ҳам метафора турли даражаларда: поэтик кўчим, поэтик образ ва бутун бошли шеър доирасида намоён бўлиши табиий. Бошқа томондан, бундай даражаланишда қуйидан юқорига томон интегратив алоқа мавжуд бўлади. Яъни Н.Г.Арутюнова назарда тутган «бутун жумла (ёки ҳатто бутун шеърий матн) доирасида изчил семантик боғлиқлик» метафора-кўчимнинг образ даражасидаги метафора учун, ҳар иккаласининг эса метафора-шеър учун материал, «ғиштча» бўлиб хизмат қилишини тақозо этади.

А.Ориповнинг «Саратон» шеъридаги мана бу мисралар поэтик образ даражасидаги метафоранинг юзага чиқиши ва унинг ўзига хослигини кузатишга имкон беради:

*Кўрдим-ку манглайинг тер билан қотиб,
Бераҳм оташга берганингни тоб.*

*Кўрдим-ку тепангда ўзин йўқотиб,
Ҳайратдан лол қотиб қолганин офтоб (I, 169).*

⁶⁸ Арутюнова Н. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.32.

Агар ушбу парчага оддий статист сифатидагина қарасак, унда учта метафора мавжуд: «бераҳм оташ», «ўзни йўқотмоқ» ва «лол қотмоқ». Метафораларга кўчим сифатидагина қарасак ҳам натижа бундан ортиқ бўлмайди: «бераҳм оташ» деб саратон офтоби аталмоқда, қолган икки метафора эса қуёшга инсон сифатини бермоқда. Хуллас, иккала ҳолда ҳам бадиият «ўлади». Чунки бадиият айнан контекстда – метафоралар ўзаро ва уларни ўраб турган бошқа сўзлар қуршовида олиб қаралганда юзага чиқади, шундагина тасаввуримизда образ яралади. Бу образнинг эса иккита таянчи бор: бири – саратон оташига қарамай пешона тери тўкиб ишлаган деҳқон, иккинчиси – унинг азму шижоатига лол ҳолда шундоқ тепасида қотиб турган қуёш. Яъни кўчим-метафоралар ашё сифатида бир бутунни – образни яратишга хизмат қилмоқда. Аммо образни яратишнинг ўзи пировард мақсад эмас, у ифода воситаси сифатида яралади. Яъни образ маълум бир мазмунни ифодалашга хизмат қилади. А.Ориповнинг Ватан мавзуида ёзилган барча шеърларидаги ғоявий-тематик лейтмотив шуки, уларда Ватан ва халқ тушунчалари ажралмас бутунлик сифатида талқин этилади. Жумладан, «Саратон» – пейзаж лирикаси намунаси, у юртимиз иқлимига хос бир мавсумдаги табиат ҳақида. Лекин шеърнинг ғоявий мазмуни биз юқорида келтирган банд, яъни меҳнаткаш ўзбек халқининг азму шижоатига берилган юксак поэтик баҳода юзага чиқади. Бинобарин, мазкур бандни шеърнинг кульминацион нуқтаси дейиш мумкин. Шакл эътибори билан ҳам ушбу банд шеърнинг марказини ишғол қилган: у ўн уч бандли шеърнинг еттинчиси – қоқ ўртаси. Яъни шоир бунга қадар I – VI бандларда саратонга оид тафсилотлар («зарра шамол йўқ», «осмон лов-лов ёнар», «борлиқ сувга чўккандай», «гўдак уҳича шамол топилмас» ва б.) ни бир-бир келтириб ўқувчи тасаввурида «кун найза бўйи келган палла»ни жонлантиради. Худди шу манзара фонида ўқувчи ўзбек деҳқонини кўради: у «ҳали тонг ғунчаси лаб очмасидан» даласига чиқиб келган, саратон забтига олғунига довури ишлаган, энди бирпасгина «тол тагига чўзилди». Шу тариқа илк мисралардан бошлаб келинган поэтик тема шеърнинг марказий бандида авж пардасига кўтарилади, саратон лавҳаларини тасвирлашдан кўзланган асосий муддао ошкор этилиб, шундан кейингина «офтоб қайта бошлаши» манзараларига ўтилади. Яъни шеър композицияси поэтик теманинг (саратон қуёшининг аста-секин забтига олиши – куннинг тик келиши – кун қайтиши) ривожлантирилишига мос, шакл ва мазмун

уйғунлиги эса, маълумки, бадий баркамолликни таъминловчи асосий омилдир.

А.Орипов сўз билан чизган табиат манзараларида лирик кайфият мухрланади, уларда объектив тасвирдан кўра субъектив тасвир – воқеликни кўнгилдан ўтказиб бериш устувор. Шу сабабли шоир тилга олганки нарсани унинг учун катта эмоционал қиймат касб этади: ўй-ҳисларига йўғрилади, ўй-ҳисларига туртки беради. Яъни улар поэтик мушоҳада объектигина бўлиб қолмайди, балки ўзида мушоҳада қилувчи субъектни акс эттиради. «Хотирот» шеърини ёдга олинг. Узоқ айрилиқдан сўнг қишлоғига келган лирик қаҳрамон нигоҳи тўхтаган нарсалар: «кўмилиб кетган сўқмоқ», қачондир теракка ўйиб ёзилган ва ҳозирда «жароҳатдай битиб кетган ёзув», аллақачон бузилган «ҳовли ортидаги омонат кўприк». Бир қарашда шеърнинг бошланишида булар гўё шунчаки пейзаж деталлари, яъни ўн йил мобайнида юз берган ва лирик қаҳрамон кўриб турган ўзгаришлар қайди каби зикр этилади:

*... Мен юрган йўлларда ўтлар унибди,
Кўмилиб бўлибди мен кезган сўқмоқ.
Ёшлик чоғим эди, шўхлигим тугиб
Исмим ўйган эдим битта теракка.
У ҳам жароҳатдай кетибди битиб,
У ҳам юксалибди менсиз юксакка.
Бузилиб бўлибди аллақайси дам
Ҳовли ортидаги омонат кўприк... (I, 171)*

Шеърнинг илк сатрларидаёқ энди-энди идрок этилаётган йўқотишлар залворидан эзилган қалб титроқлари сезилади ва бу титроқ беихтиёр ўқувчига кўчади. Натижада сиртдан оддийгина зикр этилишдаги ҳиссий тоналлик ўқувчида «булар шунчаки деталь эмас, балки шоирнинг дил тубидаги азиз ва табарруқ тушунчаларга алоқадор» деган иштибоҳни ҳосил қилади. Яъни ўқувчида бадий рецепция жараёнига хос «эстетик кутиш» ҳолати юзага келади. Негаки лирик қаҳрамон каби ўқувчи қалбини ҳам «ногоҳ бир сукут босади», «дилини ногоҳ бир ҳаяжон эзади». Шу рецептив ҳолатни ҳосил қилгач энди ўша оддийгина деталлар метафорик асосда лирик қаҳрамоннинг изтиробли мушоҳадаларига туртки беради: «Умрим йўлларини босмаганми ўт?» – «Бағрига исмимни ёзган бўлса гар, Учирмадимикан бирорта юрак» – «Ногаҳон бу-

зилиб кетмадимикан Бирорта юракка мен солган кўприк?» Кўриб турганимиздек, шеърнинг бошланишида берилган реал пейзаж деталлари (ўт босган сўқмоқ, битиб кетган ёзув, бузилиб кетган кўприк) охирига бориб метафорик мазмун касб этади. Демак, «Хотирот» шеъри метафорик тафаккур асосига қурилган, метафора шеър композициясини белгилаган асосий принципдир дейишга тўла асос бор. Айти шу тартибда қурилгани, бизнингча, шеърнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаган бош омилдир. Аввало, бу билан лирик ҳолатнинг ҳаётий чиқишига эришилади, натижада лирик қаҳрамон дилини чулғаган ҳислару онгида чарх урган ўйлар ўқувчига кўчади. Ўқувчи шеърда тасвирланган ҳолатни кўнглида яшаб кўради. Ҳаётийлик самимиятни келтириб чиқаради, самимият туфайли, бир қарасанг, оддийгина, ҳаётда ҳамма ҳам тушиши мумкин ҳолатда юзага келган туйғуларнинг нечоғлик гўзаллиги ҳис этилади.

«Хотирот» шеърининг қурилишида қўлланган усулни, бизнингча, метафорани композиция даражасида ёйиш деб аташ мумкин. Яна ҳам аниқроғи, шоир бунда метафорани яратибгина қўймайди, балки унинг яралиши, дунёга келиш жараёнини ҳам тасвирлайди. А.Орипов бу усулдан қатор шеърларида фойдаланган. Жумладан, унинг «Шоирлар ҳаёти» номли мўъжазгина ҳазил шеъри бор:

*Шоирлар сурати турибди қатор,
Мана бу – Лермонтов, мана бу – Фурқат.
Дунёга сиғмаган буюклар ночор
Бугун рамкалардан боқишар фақат.
Нима ҳам қиларди бир жонсиз бўёқ,
Парчалаб ташларди тирик бўлганда.
Шоирлар ҳаёти ҳамиша шундоқ,
Рамкага тушади фақат ўлганда (I, 111).*

Шеърда лирик субъект ўй-кечинмаларига туртки бераётган нарса – шоирларнинг рамкалардан сокин боқиб турган суратлари. «Хотирот»даги каби бу шеърда ҳам шу биргина деталь поэтик темани ривожлантириш, шоирлар табиатига хос хусусиятни ифодалашга асос бўлади. «Хотирот»да пейзаж деталлари метафоранинг асоси бўлса, бу шеърда ушбу вазифани деталь-таассурот («суратдаги шоирлар рамкалардан сокин боқиб турибди») бажаради. Иккала шеърнинг композицион қурилиши учун умумий жиҳат шуки, улар-

да аввал муайян деталь тавсифланади, сўнг шу деталь асосида метафора яратилади. Яъни аввалги шеърда кўрганимизга ўхшаб бунда деталь «рамкага тушмоқ» метафорасининг яралиш асоси, шу асосга таяниб метафора яратилади ва шу жараёнда метафора (шеър)нинг мазмуни ифода этилади.

Агар юқоридаги иккита шеърда метафорага алоҳида деталлар асос бўлса, бошқа қатор шеърларида бу вазифа мухтасар баён қилинган воқеа, ҳолат ёки манзара зиммасига юкланади. Масалан, А.Ориповнинг 60-йиллар ўрталарида ёзилган «Жаннат» номли ҳазил шеъри бор. Шеър мана бу мисралар билан бошланади:

*Эртак дегани бу – болага эрмак,
Эртак дегани бу – ширин ақида (I, 111).*

Аввалги бобда кўрдикки, «эртак – эрмак» қолипидagi ифода-лар субстантив метафоралар саналади. Бу ерда, бизнингча, иккинчи метафора – «эртак дегани бу – ширин ақида» ифодаси алоҳида диққатга лойиқ бўлиб, унда шеър ёзилган даврнинг ижтимоий кайфияти акс этган. Чунки «ақида» сўзи тилимизда ишонч, эътиқод маъноларида ҳам қўлланадики, шундан келиб чиқиб «ширин ақида» дегани беихтиёр коммунизм ғояларига ишора деган хулосага келамиз. Шеърнинг давомида бу икки метафора маънолари қуйидаги воқеа баёни орқали очиқроқ ифода этилади:

*Мен бир кун укамга сўйладим эртак
Афсонавий жаннат ҳақида.
Кавсардан гапирдим унга, аввало,
Сўнгера мақтаб кетдим ширу шарбатни.
Дам ўтмай у йиғи бошлади роса,
Топиб бергин деди ўша жаннатни (I, 111).*

Хуллас, шоир алданган боланинг хархашасидан қанд-курс бериб, боқчани жаннат деб кўрсатиб қутулганини айтади-да, сўнг ноаниқ адресатга мурожаат этади:

*Майли, болага бу ўйин бўлади.
Лекин катталарга сўйламанг эртак,
Улардан қутулиш қийин бўлади (I, 111).*

Шоир «эртақ сўйламанг» дея кимларга мурожаат этаётганини «Юзма-юз», «Ўйларим» («Сароб») сингари шеърлари контекстидан билиб олиш мумкин. Зеро, 60-йиллар бошларида шўро мафкурачилари ҳадемай мамлакатда «ердаги жаннат» – коммунизм қуриб битирилади дея катталарга эртақ сўйлаётганди. Бу эртаққа кўплар қатори ўсмир ёшида бўлғуси шоир ҳам дилдан ишонган, лекин юқорида эслатилган шеърлар 60-йиллар ўрталарига келиб бу ишонч дарз кетганини кўрсатади. Демак, «Жаннат» шеърида даврга аламли киноя бор, унинг намоён бўлишида дастлабки икки мисрадаги «эртақ – эрмак» ва «эртақ – ширин ақида» метафораларининг ўзаро зидлангани ҳамда шеър давомида ҳазилбоп воқеа ёрдамида шарҳлангани ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Агар «Жаннат» шеърида шоир асосий метафорани дастлабки мисраларда келтириб, сўнг уни воқеа ёрдамида шарҳлаган бўлса, «Кўзгу парчалари» шеърида бунга тескари йўлдан боради. Яъни шеърда аввал муайян ҳолат чизилади ва якунда метафорик образ воситасида хулоса ясалади. Шеърдаги метафорага асос бўлган ҳаётий ҳолат – йўлакка сочилган кўзгу парчаларида борлиқнинг ўзига хос аксланиши. Яъни кўзгу парчаларининг бир донасида юз, иккинчисида кўз, тагин бирида осмон, яна бошқасида қушлар рақси акс этмоқда. Лекин:

*Оламнинг яхлит бир сувратин аммо
Намоён этолмас бу кўзгу асло.
Хилқат унинг учун бут бўлмас мангу,
Ахир, парча-парча синган кўзгу бу (II, 60).*

Мазкур ҳаётий ҳолат орқали А.Орипов бадиий ижод ҳақида, оламу одамнинг турфалиги, уларни бадиий асарда акс эттириш имконлари ҳақида мушоҳада юритади. Яъни бир нарсанинг моҳиятини иккинчи нарса орқали очишга интилади, метафорик тафаккур йўлини тутати. Қиёс «худди кўзгу парчалари хилқатнинг яхлит бир суратини беролмагани каби, мен – шоир ҳам инсоннинг яхлит манзарасини беролмайман» деган образли поэтик хулосага етаклайди. Сабаби:

*Сенинг бўй-бастингни кўрсатмоқ учун
Кўзгу керак ахир яхлит ва бутун.*

Агар шеърнинг композицион қурилиши, унда қўйилган поэтик теманинг ривожлантирилишини чизма шаклида ифодаламақчи бўлсак, қуйидагича схема ҳосил бўлади:



Эътибор қилинса, ушбу схемада метафора (кўзгу парчалари – шоир қалби) шеър композициясининг ўзагини ташкил этаётганини кўриш мумкинки, унинг шеър бутунлигини таъминлашдаги ролини, масалан, жонзот танасини тутиб турувчи умуртқа поғонасига қиёслаш мумкин. Юқорида «Саратон» шеърининг композицион қурилиши билан поэтик теманинг ривожлантирилиши ўзаро уйғунлигини айтдик. Худди шундай уйғунлик «Кўзгу парчалари»да ҳам кузатилади. Схемага эътибор қилинса, иккинчи қисм биринчи қисмнинг кўзгудаги аксидек таассурот қолдиришини кўриш мумкин. Маълумки, кўзгуга яқин нарса яқинда, кўзгудан йироқ нарса йироқда акс этади:



Ушбу чизма билан юқоридаги схема қиёсланса, кўзгуда акс этиш принципи шеър қурилишида ҳам сақланганини кўриш мумкин. Демак, бу шеър композицияси ҳам унда ривожлантирилган поэтик темага мувофиқ экан. Шакл ва мазмуннинг бундай ўзаро уйғунлиги эса шеърга поэтик жозиба бахш этиб, унинг эстетик таъсир кучини оширади.

Кўриб ўтилган шеърлар учун умумий жиҳат шуки, поэтик теманинг ўзаги сифатида метафора уларнинг композицион қурилишини

белгилаган. Шу билан бирга, бу уларнинг композицион тарҳи бир хил дегани эмас. Масалан, «Саратон»да метафорик образ композицион (ва тематик) марказ, «Хотирот»да эса лирик мушоҳадага туртки берган реал пейзаж деталлари якунда метафориклик касб этади. «Шоирлар ҳаёти»да конкрет ҳолат тавсифланади ва ундан олинган таассурот якунда метафорик хулосага дўнади. «Жаннат» шеърида эса, аксинча, илк мисралардаги метафора воқеа орқали шарҳланади, сўнг якуний мисралар дастлабки икки мисра билан семантик жиҳатдан боғланади, натижада шеърнинг метафорик маъноси реаллашади. Бизнинг фикримизча, таҳлил қилинган шеърлар А.Орипов поэтик услубига хос бир хусусиятни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Шоирнинг кўплаб шеърларида кузатилувчи мазкур хусусиятни, масалан, шеърга метафорани ёйиш усули асосида тартиб бериш деб аташ мумкин. Ушбу усул икки йўналишда амалга ошадики, биринчисида метафорани шарҳлаш («Жаннат»), иккинчисида метафоранинг яралиш жараёнини тасвирлаш («Хотирот», «Шоирлар ҳаёти») йўлидан борилади.

Эътибор қилинса, кўриб ўтилган шеърлар ичида «Кўзгу парчалари» ўзининг композицион қурилиши жиҳатидан алоҳида ажралиб туришини кўриш мумкин. Гап шундаки, бу шеър композицион жиҳатдан икки қисмга ажралади ва уларнинг орасида ўхшашлик муносабати ётади. Боз устига, шеър ниҳоясида «шоир юраги... чилчил синган кўзгуга ўхшаш» деган ҳукм аниқ-равшан айтилади. Яъни метафорада ўхшатилаётган нарсанинг тушиб қолиши ва ўхшаётган нарса унинг маъносини беришидан келиб чиқсак, яхлит олганда, «Кўзгу парчалари»ни шеър-ўхшатиш дейиш мумкин. Бу ҳақда кейинги фаслда махсус тўхталамиз, шунинг учун ҳозирча шеър-ўхшатишга хос муҳим хусусиятни, унда маънонинг юзага чиқишида композициянинг ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлаш билан чекланамиз.

Умуман, шеърни композицион жиҳатдан икки қисмга ажратиш ва бу қисмларни ўзаро турлича муносабатлар (ўхшашлик, зидлаш) асосида мазмунан боғлаган ҳолда метафорик маънони юзага чиқариш А.Орипов услубининг композиция даражасида намоён бўлувчи хусусиятларидандир. Хусусан, А.Орипов ижодида икки бандли (кўпроқ саккиз мисрали) шеърлар салмоқли ўрин эгаллайди. Уларнинг композицион қурилишига хос умумий жиҳат бор: бандларнинг биринчисида лирик мушоҳада объекти қўйилади (таърифланади, тавсифланади, баён қилинади), иккинчисида эса шунинг асосида

лирик хулоса чиқарилади. Мазкур шеър шакли теран лирик-фалсафий мушоҳадаларни ихчам шаклда ифодалашга имкон беради, чунки юқоридаги тартибда қурилгани шеър маъно сиғимини кенгайтиради. Таъбир жоиз бўлса, бу шеър шакли ифодада мумтоз шеъриятимиздаги рубоийлар анъанасинининг давоми дейиш мумкин. Ҳар ҳолда, А.Орипов қаламига мансуб қатор шеърлар фикримизни тасдиқлай олади. Масалан, шоирнинг Италия таассуротлари акс этган «Этна вулқони» номли шеъри:

*Ҳануз ёниб ётар Этна вулқони,
Дафъатан ўхшар у оловранг гулга.
Оқиб тубанларга лава тўфони
Секин айланади қоп-қора кулга.*

*Мен унинг қошида сақладим сукут,
Ҳа, бир чоғ оловли эди йўлларим.
Энди у оташлар бўлдилар унут,
Пойингда ётибди энди... кулларим (II, 48).*

Кўриб турганимиздек, биринчи бандда Сицилиядаги машҳур вулқонга оид тафсилотлар, иккинчисид а эса кўнгил ҳоли билан боғлиқ тафсилотлар берилган. Албатта, иккала банд ўхшашлик асосида ўзаро семантик алоқага киришади (лекин, «Кўзгу парчалари»дан фарқли ўлароқ, бунда ўхшашлик кўрсатилган эмас), натижада метафорик тарзда айни дамдаги элегик кайфият ифодаланади. Бу кайфият «Мен унинг қошида сақладим сукут» сатрида яққол кўзга ташланадики, ундан видо оҳанги таралади, йўқотиш армонлари сезилиб туради. Умуман олганда, бунақа бир оз тушкунликка мойил маҳзун кайфият А.Орипов 80-йиллар бошларида ёзган кўплаб шеърларда сезилади. Яъни, айтиш мумкинки, вақти билан шундай кайфиятга тушиб турган шоирнинг Этна вулқонида ўзига қисматдошни кўриши ажабланарли эмас. Бу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, унга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Метафоранинг тафаккур механизми экани, унинг олами ва ўзни англашда беқиёс воситалиги биринчи бобда айтилди. Яна метафора табиатига кўра аксар ҳолларда миллий характерда бўлишини ҳам таъкидладик. Албатта, вулқон ўзбек миллий тафаккури учун табиий эмас, чунки юртимизда вулқоннинг ўзи йўқ. Тўғри, вулқон образ сифатида шеъриятимизда сийрак бўлса ҳам ишлатилади. Лекин бун кўпроқ

адабий таъсир натижаси, экзотикага мойиллик сифатида тушунамиз. Бироқ «Этна вулкони» шеърига бундай қараш тўғри бўлмайди. Чунки у дунё кезган шоирнинг бевосита ўзи олган таассуротлар таъсирида яралган. Шу маънода шеър миллий тафаккурни шоир тажрибаси билан бойитади, вулқонни миллий поэтик тафаккурга яқинлаштиради десак муболаға бўлмайди.

«Меъмор умр бўйи...», «Харобазор» шеърлари ҳам композицисига кўра «Этна вулкони»га ўхшаш, яъни уларда ҳам бандлар орасида ўхшатиш муносабати ётади. Жумладан, «Меъмор умр бўйи...» шеърида ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар акс этган. Шеърнинг биринчи бандида меъморнинг умр бўйи «гўзал бир иморат бунёд этиши»-ю ногаҳон машъум зилзиланинг уни вайрон айлаши айтилади ва иккинчи бандда мана бу хулоса ясалади:

*Худди шу сингари кургаймиз биз ҳам
Умр деб аталмиш гўзал бинони.
Бироқ етиб келар машъум сўнғи дам,
Вайрон этар уни ажал тўфони (II, 338).*

Бандлар орасида ўхшашлик муносабати асосидаги мазмуний алоқа борлиги учун шеър контекстида «меъмор – инсон», «умр – гўзал бино», «зилзила – ўлим (ажал тўфони)» тарзидаги метафоралар занжири юзага келади. Худди шу метафоралар силсиласи шоирнинг азалий муаммога қарабини ифодалайди. Шоир аҳлини азалдан ўйга солиб келувчи ҳаёт ва ўлим, ҳаётнинг маъниси муаммоларига оид фалсафий мушоҳадалар замирида шафқатсиз ҳақиқат ётибди, лекин бу тушкунлик ё абсурд кайфияти эмас. Зеро, шоир ҳаёт маънисиз дея қичқираётгани ёки оҳ-воҳ қилаётгани йўқ, у бешак ҳақиқатни хотиржам қайд этмоқда. Негаки шоир, оқибатдан қатъи назар, инсонлик вазифаси «умр деб аталмиш гўзал бино» қуриш деб билади, шу эътиқодини ўқувчиси билан баҳам кўришга интилади. Исломий эътиқод кишисига хос қисматга бўйин эгиш руҳи шоирнинг «Харобазор» шеърида ҳам устувор:

*Дунёда минг йиллик харобалар кўп,
Урушлардан ёдгор, селлардан ёдгор.
Мозорлар ётибди қалашиб тўп-тўп,
Аслида, улар ҳам чўнг харобазор.*

**Вужудимни тешар йиллар шамоли,
Юрак тилка-тилка турфа озордан.
Болам, хабар олгин, тутмай заволи,
Шоир деб аталмиш харобазордан** (II, 342).

Аввало, биринчи банд мазмуни «дунё – харобазор» метафорасида жамулжам этилган, банднинг қурилиши (биринчи сўз «дунё», охиригиси «харобазор» = дунё – харобазор), теманинг ривожлантирилиши (дунёда харобалар кўп – улар урушлардан, селлардан ёдгор – мозорлар ҳам харобазор = дунё – харобазор) шу метафорани яратишга қаратилган. Иккала бандни мазмунан боғловчи нуқталар қуйидагилар:

минг йиллик харобалар – йиллар шамолидан илма-тешик вужуд урушлар, селлар – турфа озорлар

мозорлар – хабар олгин (мозорларни зиёрат қилиш буюрилган)

дунё (реал олам) – шоир (субъект олами)

Худди биринчи банддаги каби иккинчисининг ҳам қурилиши (биринчи сўз – «вужудим», унинг замирида «мен» сўзи бор, охиригиси – харобазор = мен – харобазор), теманинг ривожлантирилиши (йиллар шамоли вужудни тешади, хароб этади – турфа озорлар юракни пора этган – хабар ол, мозор мисоли зиёрат эт = мен (шоир) – харобазор) битта метафорани яратишга хизмат қилади. Кўриб турганимиздек, ўхшашлик принципи банд ичида ҳам, бандларо сатҳда ҳам белгиловчи аҳамият касб этмоқда. Демак, шеърда метафора шаклни белгиловчи асосий принцип экан.

Иккинчи бобда инкорли конструкциянинг қисқариши натижасида ҳам метафора ҳосил бўлиши мумкинлиги айтилди. Шунга ўхшаш шеърнинг метафорик мазмуни қаршилантириш, яъни композицион контраст асосида ҳам юзага чиқиши мумкин. Фикримизни далиллаш учун қуйидаги шеърни олайлик:

*Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол,
Замон макон бермай уни қистайди.
Орзуси фақат шул: у ҳам тоғ мисол
Дили ором олиб ётмоқ истайди.*

*Аросатда инғарар тоғлар ҳам аммо,
Кўҳистон бағрида тополмас илож.
Армон қилар у ҳам, шамолдай гўё
Мовий кенгликларда ёзсам дер қулоч* (I, 139).

Аввало, шеърнинг фалсафий мазмунда эканлиги, унда «дунё бири кам» деган кўҳна ҳақиқатнинг образли тарзда ифодалангани, шеърга яралмиш шукроналик туйғуси билан яшамоғи керак деган ғоя сингдирилганини айтиш лозим. Бироқ шоир ушбу ғояни бевосита эмас, «шамол – тоғ» қаршилантириши орқали бавосита ифодалайди. Аниқроқ айтганда, ғояни образлар ифодалайди, бунда уларнинг ўша ғоя ифодасига мос алоқа-муносабатдорликда жойлаштирилгани, яъни шеър композицияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бандларнинг ўзаро қарши қўйилиши натижасида парадокс юзага келади: бетўхтов изғишдан безган шамол сокинликни, ҳаракатсизликдан безган тоғ эса кенгликларда қулоч ёзишни орзу қилади. Бу ҳар жиҳатдан бекаму кўст қониқтирадиган тақдирнинг бўлмаслиги, инсон ўзига берилган имкон доирасида бахтли бўлишга интилиш, дилида шукроналик (шамол ё тоғ бўлиб яралганига) билан яшаши лозимлигини образли тарзда ифодалайди. Албатта, ушбу мазмунни ифодалашда метафоралар асос, шу билан бирга, бунда шеър қурилишининг ҳам жуда катта роли бор. Яъни шеър мазмуни метафорик тафаккур билан композицион тафаккур бирлигида рўёбга чиқади. Айтиш керакки, бу ҳам А.Ориповнинг композиция яратишда намоён бўлувчи услубий ўзига хослигидир. Бунга амин бўлиш учун шоирнинг «Эркинлик» деб номланган шеърини кўриб ўтамыз:

*Эгаси йўқ тулпорман,
Дала-даштда кезгувчи.
Учиб юрган шунқорман,
Ҳар шарпани сезгувчи.*

*Қўлга тушсам тулпор деб
Кўпқарига солурлар.
Ё, бос, қани, шунқор деб
Ўлжасини олурлар (II, 257).*

Аввало, сарлавҳа шеърга калит бўлиб, уни кўргандаёқ ўқувчининг шеър мазмунига ошнолиги бошланадики, бунда шеърни номлаш маҳорати кўринади. Шеър 1994 йили ёзилган, бу унинг ёзилиш сабабини ҳис этиш, мазмуни ва ғоявий йўналишини англашда жуда муҳим. Шоир ўзини дала-даштда эркин кезувчи тулпор, эркин парвоздаги шунқор деб аташи – метафора. Иккинчи бандда тулпор ва

шунқорнинг «қўлга тушиш» эҳтимоли билан боғлиқ ҳолат чизилади ва бу ҳолат биринчи бандга қарши қўйилади. Эҳтимолдаги ҳолатда энди «кўпкарига солурлар», «ўлжасини олурлар» метафоралари юзага чиқади. Яъни иккисида ҳам эркинлик бой берилса, сендан фойдаланадилар: бамисоли бир нарса каби. Шу тариқа метафорик йўсинда ифодаланган ғоя аён бўлади: инсон учун табиий ҳолат – эркинлик, эркисизлик унинг табиатига зиддир. Таъкидлаш керакки, шеър ёзилган пайтда бу ғоя долзарб эди, юқорида шеърнинг ёзилиш вақтини бекорга эслатмадик. Зеро, собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин юзага келган иқтисодий танглик, улкан ҳудуднинг турли бурчакларидаги қонли тўқнашувлар айрим кишиларда СССРни тиклаш зарур деган фикрни уйғотган, бундан «буюк давлатчилик»ка мойил сиёсатчилар фойдаланиб қолиш пайига тушгандилар. Худди шу шароитда ёзилган публицистик чиқишларидан бирида А.Орипов ёзади: «Мустамлакачилик ўз моҳияти билан талончилик, қароқчилик билан баробардир. Шукрки, сўнгги империя – СССР тарқалиши билан бундай зулм тарих саҳнасидан бутунлай чекинди. Талончиликка асосланган шармандали тузум йўқ бўлди. Истибдод чангалидаги халқлар ўз мустақилликларига эришдилар. Ўтмиш замонда топталган миллий қадриятларини, тилини, маданиятини тиклашга, ўзлари учун муносиб турмуш шароитини яратишга киришдилар. Ана шундай бир пайтда «айрим шахслар»нинг яна собиқ империяни қўмсаётгани кишини ғоят ажаблантиради!» (IV, 207) Айтмоқчимизки, шеър эркинлик, истиқлолнинг қиммати-ни етарли идрок этолмаётган ўша «айримлар»га қориндан баланд турадиган нарсалар борлигини, қуллик инсон табиатига зидлигини эслатиб қўйиш учун ёзилган.

А.Ориповнинг икки бандли шеърларидан айримларида бандларнинг биринчиси ифодаланаётган фикрни бошқа матнлар билан боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Негаки шоир қўллаган метафоранинг маъноси илгари мавжуд бўлган матн билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. «Қалдирғоч» номли шеърининг биринчи бандида шоир эл ичидаги бир ривоятни, аниқроғи, унинг хулосаси сифатида сақланиб қолган матални эслатади: «Дейдилар, қайгадир ўт кетса, албат, Чумчуқ хас таширмиш, қалдирғоч-чи, сув» (II, 91). Айни шу матал иккинчи банддаги метафорага асос бўлади:

*Сен дунё ҳолига назар сол бирпас,
Назар сол кўзлардан оққан ёшларга.*

*Дунёда кулбалар ёнар ҳар нафас,
У доим муҳтождир қалдирғочларга (II, 91).*

Кўриб турибмизки, агар биринчи банд бўлмаса, «қалдирғочлар» метафорасининг маъносини англаш имконсиз. Демак, бу ерда метафора маъноси матнлараро алоқада юзага чиқади. Қурилиши жиҳатидан «Эски қудуқ» шеъри шунга ўхшаш: биринчи бандида машҳур ривоят эслатилади-да, иккинчи бандида унинг ёрдамида шоир ўз ҳолини баён этади:

*Ҳамма биладиган ривоят булдир:
Эмиш Искандарнинг бор экан шохи.
Уни яширолмай сартарош қурғур
Қудуққа айтибди, шулдир гуноҳи.*

*Яшаб келмоқдаман ўзимга кўра,
Ўтган-кетган сирдан кўнглим эрур тўқ.
Лекин недир менга етишмас сира,
Балки, етишмайди у эски қудуқ (II, 102).*

«Қалдирғоч» шеъридан фарқи шуки, бу шеърнинг иккинчи банди, хусусан, «эски қудуқ» метафорасини алоҳида олиб ҳам тушуниш мумкин. Бунда «ўтган-кетган сирдан кўнглим эрур тўқ» мисраси «эски қудуқ» айнан шохли Искандар ҳақидаги ривоятга ишоралигини кўрсатади. Яъни у тўртлик ҳолида ҳам мустақил шеър бўла олади, ўшанда ҳам мазмунан ютқазмайди, фақат асарни тушунадиганлар сафининг сийраклашиш эҳтимоли бор. Лекин ўшанда ҳам метафора маъноси матнлараро алоқада юзага чиқади. Иккала шеър ҳам бир хил композицион тарҳда қурилган, иккисида ҳам метафора охирги мисрадан ўрин олган, лекин метафоранинг биринчи бандга боғлиқлик даражаси бир хил эмас. Бунинг сабаби, бизнингча, метафорага асос қилиб олинган матн (бунда ривоят) нинг қанчалик машҳур экани билан изоҳланади. Маълумки, шохли Искандар ҳақидаги ривоят миллий менталитетимизга чуқур сингиб кетган, ундан жонли мулоқотда тимсол сифатида фойдаланилади. Яъни у миллий онгда тайёр бир образ сифатида (худди тилдаги ибора каби) яшайди, ундан тайёр ҳолда фойдаланилади. Қалдирғоч ҳақидаги ривоятнинг оммалашиши, универсал образга айланиш даражаси эса бундай эмас.

Матнлараро алоқа А.Ориповнинг «Гулливвер» шеърида ҳам мавжуд. Шоир жаҳон халқлари мулкига айланган асарга таяниб шеър ёзган, унинг композицион қурилиши ҳам худди юқоридаги шеърлар каби. Шеърнинг иккинчи банди:

*Атрофин улканлар қуршагани чоқ
Гулливвер заррадир, у – йўқ, у – ўлган.
Митти одамчалар қошида бироқ
Гулливвер буюқдир, Гулливвер – улкан (II, 326).*

Бизнингча, шу банднинг ўзи мустақил ҳолда ҳам метафорик маънони ифодалай олади. Бу ҳолда Гулливвер метафораси улуғлар оёғига пойандоз бўлган, ўзидан паст мақомдагилар қаршисида «жажжи наполеон»га айланувчи кишини характерлайди, шундайларга қаратилган эпиграмма бўлиб жаранглайди. Балки, тушунувчилар доираси торайиб қолишини ўйлагандир, ҳар ҳолда, шоир биринчи бандда Гулливвернинг улканлар ва миттилар оламида бўлганини, яъни асарнинг асосий мазмунини эслатиб ўтади. Ҳолбуки, машҳурлиги бундан асло ортиқ бўлмаган ривоят билан мазмунан боғланувчи метафорик тўртликда изоҳ берилмайди:

*Бир йўл чеккасида ётибман нолон,
Чорасиз бўлсам-да, мен ҳам тирик жон.
Устимга отингнинг сояси тушди,
Жиловини нари тортсанг-чи, нодон! (II, 250)*

Шеър Искандар Мақдуний билан файласуф Диогеннинг учрашуви ҳақидаги антик ривоятга боғланади. Эмишки, офтобда исиғиб ётган Диоген ёнига отлиқ Искандар келганида файласуф заррача парво қилмай ётаверади. Жаҳли чиққан жаҳонгир: «Менинг кимлигимни биласанми?» – деб дўқ уради, файласуф хотиржам: «Ким бўлсанг ҳам нари тур: офтобни тўсаяпсан!» – дея жавоб қилади. Тўртликнинг метафорик маъноси шу ривоят билан боғлиқ юзага чиқади ва бу фақир шоирнинг ўзини Искандар мисоли тутган кишига дуч келган ондаги аччиқ кинояси сифатида тушунилиши мумкин. Яъни бунда лирик субъектнинг оний кайфияти ифодаланса, «Гулливвер»да инсон феъл-атвориға оид фалсафий умумлашма чиқариш мақсади устувор. Шуни эътиборга олсак, иккала ҳолда

ҳам шеър қурилиши ифода мақсадига мос амалга оширилган деган хулосага келиш мумкин.

А.Ориповнинг турли ривоят, ҳикмат, ҳолат ва шу кабилар асосида метафорик мушоҳада юритилган шерлари композициясига кўра турлича. Масалан, улардан баъзилари шартли равишда «ўрама композиция» тарҳида қурилган дейиш мумкин. Бу типдаги композициянинг моҳияти шуки, унда аввал асос (ривоят, ҳикмат, ҳолат ва б.) келтирилади, кейин шеърнинг мавзуси ривожлантирилади, охирида яна асосга қайтган ҳолда хулоса ясалади. Масалан, шоирнинг «Бургут қисмати» шеъри худди шу тартибда қурилган бўлиб, биринчи банди мана бундай:

*Қулоққа чалинар гоҳи-гоҳида
Шундай бир ривоят, шундай бир ўғит:
Ночору ноилож қолган чоғида
Ўзини тошларга урармиш бургут (II, 266).*

Бургут билан боғлиқ ривоятни келтиргач шоир II – IV бандларда худога илтижо қилади, илтижолари кексаларимизнинг дуоларига ҳамоҳанг бўлиб, қуйидаги тартибда ўсиб борадики, қисқача мазмуни бундай: «меҳрингдан мосуво этма» – (ўзингдан бегона этма), «дўстга зор, душманга хор этма» – «қариганда бировга, ҳатто фарзандлар қўлига қаратиб қўйма» – қаноат бер, токи «такаббур зотлар» қаршисида бош эгиб юрмай. Шу илтижолардан сўнг охириги бандда поэтик мушоҳадалар хулосаланади:

*Қарайман сарғайган тунд қуёшимга,
Секин оғиб борар умрнинг туни.
Магар раҳм этмасанг, тушсин бошимга,
Майли, ўша ночор бургутнинг куни (II, 266).*

Кўряпмизки, охириги банд биринчисига боғланади ва гўё орадаги шоир мушоҳадаларини «ўраб» туради. Яъни метафорик маънонинг юзага чиқиши мана бу тартибда амалга ошади: ривоят келтирилади – кексалик остонасига оёқ қўйган кишининг ўз эртаси ҳақидаги мушоҳадалари берилади – ривоятга қайтиб хулоса ясалади.

А.Ориповнинг «Эски чориқ» шеърида метафора (эски чориқ) халқ ичида кенг тарқалган «Аёз, кўрган кунинг унутма, хом чориқинг қуритма» нақли ва шу нақл билан боғлиқ ривоятга асосланади. Бу

ҳақда ўқувчига энг аввал сарлавҳа хабар беради. Лекин аввалги шеърдан фарқли ўлароқ, бунда ривоят мазмуни баён қилинмайди, унинг қурилиши ўзгача. Чунки шеър шу нақлни фаромуш айлаган одамга мурожаат шаклида ёзилган:

Олдингда турибди тўкин дастурхон,
Энди унут бўлган гўжанг, тариғинг.
Балки, эсламассан қайда бу замон
Ўша судраб юрган эски чориғинг (II, 276).

Юқорида кўрилган шеърлардан фарқли равишда, бунда «эски чориқ» метафораси барча бандларда тилга олинади, унинг тўқимасидан қизил ип бўлиб ўтади. Сабаби, шеър мурожаат шаклида ёзилган бўлиб, унинг қурилиши ҳам шунга мосдир. Чунки шоир «эски чориқ» метафораси билан мурожаат эгасига Аёз ҳақидаги ривоятни эслатиб қўймоқчи, ибрат қилиб кўрсатмоқчи ё огоҳлан-тирмоқчигина эмас, балки бугунги ҳаётга, хусусан, адресат ҳаётига татбиқ этган ҳолда шарҳлаб беради. Зеро, инсон тақдири турфа эврилишларга бой, шунақа экан, бугун ишлари барор олиб, омад пиллапояларидан жадал кўтарилиб бораётган одам эртага нима бўлишини билполмайди. Мабодо ишлар ортга кетиб, ҳасад омад пиллапоясидан қулатса:

*Шунда ташлаб қочар не-не дўст, ёрон,
Ахир улар учун сўнган ёруғинг.
Оғзи қулоғига етганча шодон
Сени кутиб олар ўша чориғинг (II, 276).*

Шеърнинг хулоса банди ривоят сўзлаган ҳақиқатини яна бир карра тасдиқлайди, ўқувчини тажрибадан қайта-қайталаб ўтган ҳикматнинг ҳақлигига ишонтиради. Бироқ бу вазифани фақат хулоса банднинг ўзи уддалади дейиш нотўғри бўлур эди. Шеър давомида шоир айтиш шунинг хулосани тайёрлаб келдики, бунда шеърнинг қурилиши муҳим рол ўйнайди. Юқорида айтдикки, «эски чориқ» метафораси барча бандларда тилга олинган. Бунинг сабаби, шоир мурожаат этилаётган киши ҳаётига турли вақт кесимларида қарайди: аввал унинг ҳозирини кўради ва ўтмиши билан қиёслайди, сўнг омадга эш яқин келажагини, ниҳоят, бўлиши эҳтимол келажакни. Худди шу нарса ифодаланаётган фикрнинг изчил, асос-

ли ва таъсирчан чиқишини таъминлайди, ўқувчини унга ишонтиради.

Бизнинг юқорида амалга оширган таҳлилларимиз А.Орипов шеъриятида метафориклик устуворлиги ҳақида илгари билдирган фикрларимизни тасдиқлаб, шоир услубининг ўзига хос хусусияти сифатида асарларининг барча сатҳларида, хусусан, композиция сатҳида ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

А.Орипов лирикасида шеър-метафора. Шоир А.Орипов бир ўринда ўзининг «Дорбоз» шеъри ҳақидаги фикрларини «Бу – тимсол шеър» деган гапдан бошлайди (IV, 142). Бошқа ўринда эса суҳбатдош саволларига жавоб бера туриб «Тилла балиқча» шеъри ҳақида шундай дейди: «Уммон юзини кўрмай яшаётган эрксиз балиқ тўғрисидаги бу шеър бир тимсол. «Тилла балиқ» «ҳовуз» даражасида фикрлашга, яшашга маҳкумлигини айтиш орқали ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт манзарасини кўрсатишга ҳаракат қилганман» (IV, 301). Кўрялмизки, шоир «бу – бир тимсол» деганида ўша тимсол тасвирлаётган нарса билан ифодалаётган нарса битта эмаслигини назарда тутди. Ҳар иккала шеър ҳам ўз вақтида турли талқинларга учрагани, турли муносабатлар уйғотгани яхши маълум.⁶⁹ Жумладан, А.Ориповнинг ўзи «баъзи бир улуг адиблар» «Дорбоз»да шоир «ўзининг омадсизлигини акс эттирмоқчи бўлди, яъни ривожланган социализм даврида айрим одамнинг фарёдини ёзди бу дея бонг урганларини» (IV, 143) айтади. «Тилла балиқча» шеъри ёзилганидан қарийб чорак аср кейин муаллиф уни мана бундай талқин қилади: «Мазмуни шу: торгина ҳовузда яшайдиган балиқча «дунё шу экан-да» деб ўтиб кетяпти. Аммо бунда тилла балиқча эмас, муҳит айбдор. Суви эскириб, бузилиб қолган ҳовузни кўрганмисиз? Унда яшаётган балиқнинг эркин нафас олиши нақадар қийин бўлади. Баъзи балиқлар ўша сувга, ўша муҳитга кўникиб яшайверади. Аммо кўниқолмаганлар учун бундай ҳаёт тарзи ҳақиқий азоб. Шўро тузумидаги муҳит ҳам инсон эркини ана шу даражада бўғиб ташлаган эди» (IV, 301).

А.Орипов иккала шеърни ҳам «тимсол» деб атамоқда. Агар «тимсол» сўзини «образ» сўзининг синоними сифатида ишлатаётганини эътиборга олсак, шоир тўла ҳақ. Иккинчи томондан, «тим-

⁶⁹ Қаранг: Мелиев С. Тилла балиқчанинг фожиаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил 23 июнь; Мелиев С. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. №3; Қосимов Я. Тилла балиқчанинг толеи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1986. №12. – Б.182 – 184; Қосимов Я. Уйғониш садолари. – Тошкент, 1991.

сол» сўзи мисол, масал каби сўзлар билан ўзакдошлигини эсласак, ҳақиқатан ҳам, шоир бир нарсани бошқа нарса мисолида англаш ва англатишга ҳаракат қилган, яъни бу жиҳатдан ҳам сўз ўрнида ишлатилган. Хуллас, иккала шеърда ҳам яхлит образ яратилган ва шу образ орқали бошқа нарсанинг моҳиятини очишга ҳаракат қилинган. Демак, иккала шеърда ҳам бадий тафаккур метафора принципи асосида кечади. Лекин уларда метафорик маънонинг юзага чиқиши бир-биридан фарқланади. Маънонинг юзага чиқиши жиҳатидан, одатда, тимсол шеърнинг учта кўриниши ажратилади: шеър-ўхшатиш, шеър-аллегория ва шеър-метафора.⁷⁰ Бироқ, бизнингча, мазкур таснифга аниқлик киритиш зарур ва бу ҳақда қуйи-роқда тўхталамиз.

Шеър-ўхшатиш билан шеър-метафорани фарқлаш худди ўхшатиш билан кўчим даражасидаги метафорани фарқлашдек гап. Яъни шеър ўхшатишда ўхшатилаётган ва ўхшаётган объектлар мавжуд бўлиши билан бирга уларнинг орасида ўхшашлик борлиги ифода этилади (худди ўхшатишда восита бўлганидек). Шеър-метафоранинг айрим мисолларини, хусусан, «Кўзгу парчалари» ва «Меъмор умр бўйи...» шеърларини аввалги фаслда таҳлилга жалб қилдик. Мазкур шеърларда ўхшатиш воситаси ҳам ифодаланган (биринчисида: «шоир юраги... чил-чил синган кўзгуга **ўхшаш**»; иккинчисида: «меъмор... гўзал иморат куради», «**Худди шу сингари** кургаймиз биз ҳам Умр деб аталмиш гўзал бинони») бўлиб, уларда метафорик маънонинг юзага чиқишида композиция ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шеър-ўхшатишдан фарқли ўлароқ, шеър-метафора ҳамда шеър-аллегорияда биттагина объект тасвирланади, яъни битта образ яратилади. Шу жиҳатдан қараганда, А.Ориповнинг тимсол шеър дегани, аслида, кейинги иккисига, айниқса, шеър-метафорага кўпроқ мосдир. Чунки уларда лирик мушоҳада предмети матнда очиқ акс этмайди, у имплицит ҳолдагина мавжуд бўлади. Аксинча, шеър-ўхшатишда мушоҳада предмети ҳам, у ҳақдаги ҳукм (предикат) ҳам матнда акс этади. Масалан, «Кўзгу парчалари» шеърда лирик мушоҳада предмети – воқеликнинг шоир ижодида ўзига хос инъикос этиши. У ҳақдаги бадий ҳукм (предикат) воқеликнинг кўзгу парчаларида аксланишига қиёсан айтилган: шоир қалби ҳам

⁷⁰ Иванюк Б.П. Метафора и литературное произведение (структурно-типологический, историко-типологический и прагматический аспекты исследования). – Черновцы: Рута, 1998. – С.215 – 228.

кўзгу каби чил-чил бўлган, шунинг учун воқеликни яхлит акс эттира олмайди. «Тилла балиқча»да эса, агар унинг лирик мушоҳада предмети А.Орипов ўзи айтган юқоридаги масала десак, бу нарса матнда акс этмайди. Матнда предикатнинг ўзи, яъни мушоҳада предмети ҳақидаги ҳукм мавжуд, холос. Шеърнинг нима ҳақда эканлигини, яъни предметини ўқувчининг ўзи англаб олмоғи керак. Демак, бу ҳолатда Д.Дэвидсоннинг биз аввалроқ келтирган метафора тилнинг туши, тушнинг таъбири туш эгаси билан таъбирчи ҳамкорлигида амалга ошади деган фикри тўла амал қилади. Албатта, бу ерда ҳамкорлик сўзини бир оз бошқача маънода, яъни шоир ва шеърхон учун умумий контекстнинг мавжуд бўлиши, шундай контекстга эга бўлиш йўлидаги ҳамкорлик маъносида тушуниш керак. Зеро, шоир кўзда тутган маънони англаш учун ўқувчи ўша масалани шеърнинг лирик мушоҳада предметиға айлантирган шароитни ҳис қила олиши зарур. Акс ҳолда, шоир кўзда тутган маъно реаллашмайди, айти чогда, шеърда тасвирланган ҳолат бир образ сифатида ўзга маъноларни юзага чиқаришга асос ҳисобланади. Демак, «Тилла балиқча»нинг турли талқинларга учраши сабабини, аввало, шу жойдан қидириш ва буни табиий ҳол деб қабул қилиш тўғридир. Зеро, биринчидан, шеър ёзилган вақтда дунёқараши шоирниқидан фарқланувчи, масалан, шўро муҳитини «кўлмак ҳовуз» ҳис қилмаган ёки уни айти уммон деб билган кишилар ҳам бўлган; иккинчидан, орада ўтган вақт мобайнида «кўлмак ҳовуз» ҳисси актуал бўлмай қолди, демак, буни ўз танасида ҳис этиб кўрганлар билан янги авлод шеърхонларнинг англаши фарқлилиги турган гап. Бундан кўринмоқдаки, яхлит бир образ сифатида матнда конкрет предмет билан боғланмаган «Тилла балиқча»да дунёға келган вақтидан бошлаб турлича маънолар (демак, турлича талқинлар) имконияти мавжуд ва бу имконият унда ҳозир ҳам, кейин ҳам сақланади.

Шу ўринда шеър-метафора билан шеър-аллегориянинг фарқи масаласига тўхталишимиз зарур. Бунинг учун аввал шуни айтиш керакки, биз шеър-метафора деб атаётган ҳодиса адабиётшунослиқда кўпроқ шеър-символ (ёки шеър-рамз) ёки рамзий шеър деб юритилади.⁷¹ Бироқ биз уни шеър-метафора деб аташ тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки бундай шеърда ҳам кўчма маъно ўхшашлик

⁷¹ Қаранг: Иванюк Б.П. Метафора и литературное произведение (структурно-типологический, историко-типологический и прагматический аспекты исследования). – Черновцы: Рута, 1998. – С.215 – 228; Курунов Д. Адабиётшунослиқка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.74 – 75.

асосида англанади. Масалан, «Тилла балиқча»даги образлар тизимини олайлик:

«кўлмак ҳовуз»

«тухумдан чиқиши билан шу ҳовузга ташланган... тилла балиқча»

«умри ушоқ еб ўтаётган.... тилла балиқча»

«дунё шугина деб билган... тилла балиқча».

Биз бекорга тилла балиқчани учта қилиб олмадик. Негалигини билиш учун шўро ҳокимияти қатъий қарор топганидан кейин туғилган, шўро руҳида тарбияланган ва шўро муҳитида яшаган одамнинг ҳолатини тасаввур қилайлик-да, шу асосда шеърдаги образлар тизимининг ўша давр воқелигидаги ўхшаш томонларини санайлик:

Шўро тузуми

туғилиши билан шу муҳитга тушган... одам

ушоқ (эрк, имкон, маош, ахборот ва ҳоказо) еб умри ўтаётган... одам

шўродан ташқаридаги дунёдан беҳабар... одам

Бизнингча, шеър ёзилган давр кишиларининг кўпчилиги, аynиқса, ёшлари юқоридаги тизимларнинг мос элементлари орасида ўхшашлик борлигини илғай олиш учун руҳан тайёр бўлганлар. Шунинг учун ўз даврида шеър тушунилган, тегишлича қадрланган. Айни чоғда, мафкура таъсирида қотиб қолганларнинг кўпчилиги ҳам буни пайқаганлар, шу боис унда «зарарли ғоя»ни кўра олганлар ва ўз мавқеларидан келиб чиқиб танқид қилганлар. Тавсиф этилган ҳолат «Тилла балиқча»нинг ўхшашлик асосида идрок қилинишини ҳам, шеърда яратилган образ билан воқелик ўртасида реал ўхшашликлар мавжуд бўлганини ҳам кўрсатади. Шунақа экан, «Тилла балиқча»ни шеър-рамз (ёки рамзий шеър) дегандан кўра шеър-метафора (ёки метафорик шеър) дейиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Зеро, ўз вақтида академик В.М.Жирмунский символист шоир А.Блок шеърларини таҳлил қила туриб «символ метафоранинг алоҳида бир тури» деб айтгани бежиз эмас. Унинг таърифига кўра, символ воқеликдаги бирон нарсанинг образини ички кечинманинг белгиси сифатида олган метафорадир.⁷² Худди шунга ўхшаб А.Орипов ижтимоий ҳаётдаги мавжуд ҳолатнинг белгиси сифатида кўлмак ҳовузда яшаётган тилла балиқча образини оладики, бу моҳият эътибори билан метафорадир. Шундай экан, метафора асосида яралган ва метафора асосида тушунилувчи

⁷² Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – М., 2004. – С.333.

«Тилла балиқча»ни шеър-метафора дейиш илмий жиҳатдан тўғри бўлади.

Энди шеър-метафора билан шеър-аллегория орасидаги фарққа келсак, буни бир-бирига боғлиқ икки жиҳатдан кўрсатиш мумкин. Биринчиси, шеър-аллегорияда метафорик маъно субъекти (яратувчиси) муаллифнинг ўзи бўлса, шеър-метафорада ўқувчи ҳам метафорик маънонинг тўлақонли субъекти бўлади. Шунга кўра, иккинчиси – шеър-аллегорияда муаллиф ўқувчини муайян бир маънони тушунишга йўналтиради, шеър-метафорада эса образни қандай тушунишга йўналиш берилмайди. Яъни шеър-метафора (шеър-символ) матнида тасвирланган нарсa билан ифодаланган нарсa орасида боғлиқлик мутлақо кўзга ташланмайди. Шунинг учун унда яратилган образ суперлогик образ саналиб, мазкур образнинг тасвир ва ифода планлари мустақил ҳолда яшайди.⁷³ Бу эса шеър-метафорада яратилган образ ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам қабул қилинавериши мумкин деганидир. Масалан, «Тилла балиқча»да «кўлмак ҳовуз» суви айниган чоғроқ ҳовузчани, балиқча эса балиқчани англатаверади. Шу билан бирга, бевосита маънодан кўчма маъно ҳам ўсиб чиқаверади.

«Адабиётшунослик луғати» муаллифлари аллегорик образ «кўзда тутилган маънога ишора қилинишини тақозо этади» деган қарашдан келиб чиқиб ёзадилар: «А.Ориповнинг «Тилла балиқча» шеъри нихоясидаги «Менга алам қилар тилла балиқча Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни» сатрлари кўзда тутилган маънога очиқ ишора бўлиб, образнинг аллегориклигини белгилайди. Агар шу ишора бўлмай, аввалги сатрлардаги тасвир билан чекланилганда, образнинг тасвир ва ифода планларининг ҳар бири ўз ҳолича мустақил бўлардики, бу ҳолда образ рамзий (символик) саналар эди».⁷⁴ Бизнингча, «Тилла балиқча»нинг охириги сатрлари кўзда тутилган маънога очиқ ишора эмас, балки лирик субъектнинг тасвир предметиға эмоционал муносабатидир. Буни «Кўрган-билганларим» деб номланган таржимаи ҳолида А.Ориповнинг ўзи ҳам тасдиқлайди: «Ишхонамиз ёнида бир сассиқ ҳовуз бўлиб, унда уч-тўртта тилла балиқ оғзини каппа-каппа очганча ўлар ҳолда кун ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша балиқларнинг ҳолиға ачиниб, мен ҳам «Тилла балиқча» деган шеър ёзиб балoга қолганман» (I, 10). Шунинг учун «Тилла балиқча»да яратилган образни алле-

⁷³ Қаранг: Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.74 – 75.

⁷⁴ Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.26 – 27.

гория, демакки, унинг ўзини шеър-аллегория дейиш, бизнингча, тўғри эмас.

Айтилганлардан «Тилла балиқча»нинг нафақат талқинлари, унинг структураси ҳақидаги фикрлар ҳам турличалигини кўриш мумкин. Бу табиий. Чунки баъзи ҳолларда тимсол шеърларнинг биз ажратган хиллари аниқ фарқланмай қолади. Масалан, «Дор-боз» шеъри, бир қарашда, шеър-метафорага ўхшайди, лекин диққат қилинса, унда иккита объект борлигини кўриш қийин эмас: кўзларини юмиб юрган дорбоз ва биз, баъзи бир кўзи очиклар. Яъни бу ўринда метафорик маъно иккита объектни бир-бирига зидлаш асосида юзага чиқмоқда. Биз аввалги фаслда таҳлил этган «Оҳ уриб ҳар ёнда...» шеърининг структураси ҳам шунга ўхшашдир. Агар шеър-ўхшатишда иккита объект бир-бирига ўхшатилса, бунда қарши қўйилади, бирида метафорик маъно ўхшатиш, иккинчисида зидлантириш асосида юзага чиқади. Энг асосийси, мазкур шеърларда «Тилла балиқча»даги каби кўчма маъно ифодаловчи яхлит образ яратилган эмас, шунинг учун уларни тимсол шеърнинг хили деб билиш тўғри бўлмайди. Зеро, бу ўринда гап метафорик маънони ифодалашнинг композицион усуллари ҳақида бормоқда. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тимсол шеърнинг хилларини шеър-аллегория ва шеър-метафора (символ) кўринишлари билан чеклаш мақсадга мувофиқдир. Ишимиз мавзусидан келиб чиқиб энди асосий эътиборни А.Орипов лирикасидаги шеър-метафораларга қаратамиз.

А.Ориповнинг илк шеърларидаёқ образли, метафорик тафаккурга мойиллик кўзга ташланиши ва бунинг омилларини биринчи бобда кўриб ўтдик. Шунга ўхшаш шеърда яхлит бир образ яратиш ва унинг воситасида ўй-кечинмаларини ифодалашга интилиш ҳам шоирнинг илк ижодидан бошлаб кузатилади. Унинг 1963 йили ёзилган «Гиёҳ» номли шеъри бор:

*Улуғвор бир қудрат билан
Чайқалади чўнг денгиз.
Қанча оғир харсангтошлар
Тубда унга чўккан тиз.
Аммо мўъжаз, нозик гиёҳ
Ўша тубсиз ўлкада.
Кўкка ўсар, ҳа, денгизни
Кўтарганча елкада (I, 39).*

Бизнингча, «Гиёҳ» шеър-метафоранинг яхши намунаси сифатида кўрсатилиши мумкин. Зеро, унда кўчма маънога ишора қилинмаган, лекин шеърнинг мазмун структураси, метафораларнинг семантик боғланишлари пировардида метафорик маънони юзага чиқаради. Шеърда учта метафорик образ бўлиб, улар метафорик маънонинг таянч нуқталаридир: денгиз, тошлар ва гиёҳ. Денгизнинг «улуғвор қудрати» қаршисида ҳатто «оғир тошлар тиз чўккан», лекин гиёҳ денгизни елкасида кўтарганча «кўкка интилади». Тасвирланган манзара-ҳолат таъсирида ўқувчи тасаввурида беихтиёр аналогиялар уйғонади: денгиз – жамият, «оғир тошлар» – ҳаётий тажрибанинг ортиши баробарида вазмин бўлиб қолган ёши улуғ одамлар, гиёҳ – вужуди кучга тўлган ёш. Шеър мазмуни 60-йиллар бошларида жамиятда кузатилган кўтаринкилик, курашчанлик руҳи билан йўғрилган. Бундай руҳ А.Ориповнинг ўша вақтда ёзилган қатор шеърларида, жумладан, «Шундай яшар, одатда, одам», «Асримиз одами», «Альбомга» каби шеърларида ҳам устувор. «Гиёҳ» шеърининг метафорик маъноси ҳам айти шу шеърлар контекстида юзага чиқади: унда ёшлик шижоатига ишонган, дунёни лол қилишга чоғланган ва мақсадига етишига имони комил ҳолда катта ҳаётга қадам қўйган навқирон йигит руҳияти акс этади.

«Гиёҳ» билан «тенгдош» «Булоқ» (иккала шеър ҳам 1963 йили ёзилган)да эса кўзда тутилган маънога очиқ ишора мавжуд бўлиб, уни шеър-аллегорияга мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

*Қутлуғ бир саҳарда кўз очди булоқ,
Йўл солди дарёлар сари адашиб.
Унга раҳм этмоқчи одамлар шу чоғ
Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб.
Одамлар, тегмангиз, майли, тошсин у,
Майлига, тоғни ҳам кўрсин йўлида.
Қўйинг, ўз йўлини ўзи топсин у,
Завқланоқсин у ҳам кураш сўнгида (I, 39).*

Англаш қийин эмаски, бунда «булоқ» – катта ҳаётга қадам қўйган навқирон ёшдаги одам, шу жиҳати билан у «гиёҳ»га эгизак. Агар гиёҳ, денгизнинг «улуғвор қудрати» босиб турганига қарамай, кўкка интилса, булоқ ҳам ҳар қандай тўсиқни енгиб олдинга интилишга шай. Албатта, мазмуний ўхшашлик деганда биз бу шеърларнинг кўчма, метафорик маъноларини назарда тутяпмиз. Энди уларнинг

фарқли томонлари. Биринчидан, «Булоқ»да метафорик маънога ишора қилинган, уни айти шу маънода тушунишга йўналиш берилган. Унинг биринчи қисми – дастлабки тўрт мисрасида булоқ кўз очгани ва одамлар унга йўл очишга тушгани ҳақида гап боради. Бунда тасвирланган нарсаси автологик характерда, яъни тасвир ва ифода бир-бирига мос: булоқнинг кўз очгани ва одамларнинг унга йўл очишга тушгани тасвирланади, худди шу нарсаси ифодаланади ва тушунилади. Тасаввур қилинган, шеърда худди шу ерда нуқта қўйилган, яъни у тўртлик бўлсин. У ҳолда тасвирланган ҳолатни ўз маъносида, айти пайтда, бир-биридан озми-кўпми фарқланувчи турлича кўчма маъноларда тушуниш имкони пайдо бўлур эди. Модомики гап тушуниш имкони ҳақида бораётган экан, бу ҳолда метафорик маъно субъекти ўқувчи бўлур эди. Лекин шеърнинг кейинги мисраларида шоир турлича тушуниш имконларини қирқиб аниқ бир йўналишга солади. Яъни энди метафорик маъно субъекти шоирнинг ўзи бўлиб қолади. Зеро, шоирнинг «Одамлар, тегмангиз...» деган хитобидан бошланган кейинги қисм «булоқ»ни айнан «ҳаётга энди қадам қўйган ёш» маъносида тушунишга йўналтирадики, бунинг асослари қуйидагилар:

1) «майли, тошсин у» – ёшликка ғайрат-шижоат, ўз кучига бешак ишонч хос; «тегмангиз» – ғайрат-шижоатини бўғманг, ишончига раҳна солманг;

2) «тоғни ҳам кўрсин йўлида» – ҳаётда тўсиқлар, қийинчиликларни ҳам кўрсин, тобланади;

3) «ўз йўлини топсин» – ўз измингизга тушириб, тажрибангиздан келиб чиқувчи йўлга солманг, янги йўллар очсин, ўз йўлини топсин;

4) «завқланолсин у ҳам кураш сўнгида» – мақсадига эришгач ўзини чинакам бахтли сезсин, умр ниҳоясида ҳаёти бежиз кетмаганига ишонсин.

Мазкур метафорик ифодалар силсиласи шеърни айнан биз айтган кўчма маънода тушунишга йўналтиради. Шеър матнининг ўзида шу йўналтирилганлик борлиги учун ҳам «Булоқ» шеър-аллегориядир.

Бундан фарқли ўлароқ, «Гиёҳ» шеърда тасвирланган манзара-ҳолат ўзининг автологик маъносини (яъни тасвирланган нарсаси тасвирланган нарсанинг ўзини ифодалайди) сақлаган, айти пайтда, кўчма маъноларда тушуниш имконини ҳам тақдим этади. Яъни «Гиёҳ»ни манзара шеър сифатида ҳам қабул қилиш мумкин, лекин «Булоқ» шеърдаги тасвир ўз маъносида қабул қилинмайди, чун-

ки бу тасвирнинг конкрет бир маънони ифодалаш учун яратилгани очиқ кўринади. Юқорида айтилганидек, шеър-аллегорияда кўчма маънони муаллиф шакллантиради. Аксинча, шеър-метафора бўлиши «Гиёҳ»да метафорик маъно яратишда ўқувчининг фаоллиги кўзда тутилади. Сабаби, шеър-метафора дунёга келган онидан кўпмаънолилик хусусиятига эга, чунки шу пайтдаёқ унда ҳам тасвирдан келиб чиқувчи ўз маъно, ҳам кўчма маъно мавжуддир. Ўқувчининг маъно яратишдаги фаоллиги эса кўпмаънолилик имконини кенгайтиради. Чунки образларнинг структуравий-семантик алоқалари натижасида яхлит бир образга айланувчи шеър-метафора (масалан, «Гиёҳ»да: денгиз – тошлар – гиёҳ; таслим бўлиш – интилиш, кураш; тубсиз чуқурлик – кўк, яъни юксаклик) турли ҳаётий ҳолатларга татбиқ этилиши ва ўша ҳолат контекстида мос маънони ифодалайвериши мумкин.

Шу жиҳатдан қаралса, юқорида биз талқин қилган маъно «Гиёҳ»нинг кўплаб маъноларидан биригина деб тушунилмоғи керак. Агар шу нарсга эътиборда тутилса, шоирнинг суҳбатларида гоҳ-гоҳ учраб турадиган турлича талқинлардан норозиланиши, бизнингча, у қадар тўғри эмас. Жумладан, «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» шеърига тўхталиб шоир шундай дейди: «Баъзан шундай кулгим келадики, таниқли бир олим минбарга чиқиб олиб: «Бу шеърда шоир бундай демоқчи, бу мисрада ундай демоқчи», – деб муаллиф ўзи етти ухлаб тушида кўрмаган «кашфиёт»ларни топа бошлайди. Ўзича аллақандай ғоялар ахтаради. Бу – собиқ мафкурадан қолган иллат» (IV, 270). Албатта, бадий асарни ҳеч бир асоссиз, яъни матнда шунга имкон берадиган нуқталар бўлмаса ҳам, ўзи хоҳлагандек талқин қилишга уринишлар учраб туришини инкор этиб бўлмайди. Лекин, биринчидан, шеър-метафорада турлича талқинлар имкони мавжудлиги ва ўқувчи маъно яратишда фаоллигидан келиб чиқсак, муаллифга ёқмаганки талқинни «собиқ мафкурадан қолган иллат» деб баҳолаб бўлмаслиги аён. Иккинчидан, «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» шеърининг ижтимоий моҳиятини очишга қаратилган талқинлар⁷⁵, бизнингча, илмий жиҳатдан асосли. Чунки шеърни бундай талқин этган адабиётшунослар унинг ёзилган даври, ўша даврдаги ижтимоий шароит, ижтимоий кайфият, шоирнинг ўша йиллари ёзган бошқа шеърларининг мазмуни, руҳи каби қатор асосларга таяниб иш кўрганлар. Учинчидан, шеърда шахснинг ке-

⁷⁵ Қаранг: Қурунов Д. Адабиётшуносликка кириш: Маъруза матнлари. – Андижон, 2000; Турдимов Ж. Лирик кечинма ва образлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. №5. – Б.19 – 21.

чинмалари акс этади, лекин бу кечинмалар ҳаётда, конкрет ижтимоий шарт-шароитлар ва муносабатлар таъсирида пайдо бўлган. Демак, ифодаланиш жиҳатидан қанчалик шахсий бўлмасин, уларда ижтимоий маъно борлигини инкор қилиб бўлмайди.

Хусусан, А.Ориповнинг шеър-метафораларида ижтимоий кайфият акс этади, лекин бу ижтимоий кайфият шоирнинг ўз дарди даражасида кўзга ташланади. Шунинг учун уларнинг қадри баланд, аслида. Худди шундай ҳол «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси» шеърида ҳам кузатилади. Шеър-метафора сифатида у, муаллифи айтмоқчи, оний лаҳзаларда кишига тушуниксиз бир тарзда кўнгилга инган «мунис, сокин ҳасрат» (IV, 270)ни ҳам, шоирни норизо этган каби талқинлардан келиб чикувчи маъноларни ҳам ифодалай олади. Шеърнинг мавжуд талқинларига қўшилган ҳолда биз мисол тариқасида бошқа бир шеърнинг метафорик маъносини талқин қилишга уриниб кўрмоқчимиз. А.Ориповнинг «Бургут» шеъри 1964 йили, яъни «Булоқ» ва «Гиёҳ»дан бир йил кейин ёзилган:

*Ёш бургут учмоқда кўкда шиддаткор
Кумуш булутларнинг тўзғитиб парин.
Учмоқда, қалбида мағрур ишонч бор,
Қақшаган қоялар, чўққилар сари
Учмоқда! Қаерга? Чўққига нечун?
Бургутнинг шиддатин уйғотган нима?
Бўронли даргоҳда не кутар уни,
Қудратли қанотин кўзғатган нима? (I, 43)*

Фикримиз шуки, бургутдаги шиддат, қудрат уни илгари кўрилган шеърлардаги «гиёҳ», «булоқ» образларига яқинлаштиради. Лекин улардаги муштараклик шу билан барҳам топади, бошқа жиҳатлардан бургут уларнинг зиддидир. Хусусан, гиёҳ «елкасида денгизни кўтарганча» кўкка интилади, кўк эса онгимизда юксаклик, нур тушунчалари билан узвий боғлиқ; булоқ ўз йўлини топишга интилади, йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга шай. Буларнинг фонида бургут мақсадсиз қудрати билан бўртиб кўзга ташланади. Агар «Бургут»ни юқорида биз эслатган 1963 – 1964 йилларда ёзилган бошқа шеърлар контекстида олсак, унинг метафорик маъноси англашилади. Зеро, ўзи дўстларига қарата айтганидай, бу даврда шоир:

*Ногаҳонда хаёлга ботсам
Ё ухласам, уйғотинг дарров,
Беҳудага бир ёққа борсам,
Қўлларимдан ушлаб ўшал дам
Ҳайқир денг, жўш денг,
Шундай яшар, одатда, одам (I, 42), –*

деган собит эътиқодда туради. Бу – шоирнинг ҳаётий кредоси. Бекорга шоир «шундай яшар, одатда, одам» демайди. У инсон буюк мақсадлар билан яшаши керак, мақсадсиз яшамоқ одамликка хос эмас деб билади, шунинг учун қанча қудратли бўлмасин, «бургут»-га ачинади. «Бургут»да метафорик йўсинда ифодаланган бу ҳисни шоир худди шу йили ёзган «Юзма-юз» шеърида бевосита «очиқ текст» билан ифодалайди:

*Дейман: қани ёнса авлод қонида
Ўша оталарнинг буюк шиддати.
Худбин тенгдошимга қарайман ғамгин,
Кўлмак давра кўрсам, эзилар кўнглим (I, 64).*

Кўряпмизки, ачиниш ҳисси ижтимоий илдизга эга, у ҳаммадан аввал буюк мақсаддан мосуво, «кўлмак давра» ҳосил қилганча ёшлик куч-қудратини беҳуда совураётган тенгдошларга қаратилган. Бироқ бу ҳиснинг бошқа бир илдизи муаллиф руҳиятининг ҳали ўзи учун ҳам қоронғу бурчакларига кетади. Яъни, бизнингча, мақсадсиз «бургут»га ачиниш фақат объектга, яъни ташқарига қаратилган эмас, балки муайян даражада ичкарига, муаллифнинг ўзига ҳам қаратилган ҳисдир. Айтмоқчимизки, «Бургут» – шоирнинг онг-шуурига мактаб курсисидан сингиб келган ғояга нисбатан ишончи дарз кетганидан илк нишона. Шу маънода мақсадсиз кишиларга ачиниш, уларни бадий инкор этиш ўша ишончни сақлаб қолишга уриниш деб тушунилиши мумкин. Лекин воқелик бу ишончнинг асоси бўшлигини тобора равшан кўрсатаверади. Шунинг учун кўп ўтмай «Чол ва «коммунизм» қиссаси» (I, 94) шеърида коммунизм орзуси носнинг хумори парчалаб юборадиган даражада омонат нарса сифатида талқин этилса, «Жаннат»да унинг катталар учун эртак эканлигига ишора қилинади. Ҳаётга чуқур кириб борган сари бола ўсмирлик пайтларидан эътиқодга айланиб келаётган ишонч-эътиқоди чил-чил бўлаверадики, бу нарса «Ўйларим» (1966) шеърида

яққол акс этади. Унда шоирнинг ҳаёт ҳақидаги изтиробли мушоҳадалари «Гар бор бўлсанг жавоб бер, эй илоҳий қудрат, Наҳот, гўдак ишончини ёзибсан қорга?!» (I, 117) деган хитоб билан ниҳояланиши фикримиз далилидир. Зеро, бу хитоб шеърнинг бошидаги «Ниманидир ахтараман – шеърдан ҳам улуғ, Ниманидир ахтараман – нондан азизроқ» мисралари билан боғланса, энди шоир ҳоли мақсадсиз «бургут»га яқинлиги, кечагина қаршисида маёқдай порлаган мақсади хира тортиб ўчаёзгани сезилади. Яъни «ниманидир ахтараман» деганда айти шу нарса – йўқотилган ишонч назарда тутилади дейиш мумкин. «Ўйларим» шеърининг тўрт жилдлик сайланмага «Сароб» номи билан киритилгани ҳам маълум даражада шу фикрларни тасдиқлайди.

Албатта, метафорик характердаги шеърларни контекстда таҳлил қилишни давом эттирсак, юқоридагича талқинлар тасдиғи учун яна кўп асосларни топиш мумкин. Лекин шуларнинг ўзи ҳам бу шеърларда давр руҳи, жамиятнинг кайфияти шоир қалби орқали акс этган деган хулоса учун етарли деб ўйлаймиз. Шунга кўра, уларнинг талқинида ижтимоий ёндашувни инкор қилиб бўлмайди. Зеро, ҳатто метафорик характердаги шеърлар шунчаки ёзилиш тартиби бўйича жойлаштириб чиқилса ҳам, ўқувчида шоир онгу руҳида юз берган бурилиш даври (1964 – 1966) ҳақида тасаввур ҳосил бўлади: «Булоқ» – «Гиёҳ» – «Бургут» – «Тилла балиқча». Айти чоғда, мазкур шеърларда яратилган образлар ўзида контекстдан айри ҳолда, турли рецептив шарт-шароитларга мос маъноларни шакллантириш имкониятини сақлаб қолаверади. Демак, юқоридаги талқинларга ҳам, кейинча амалга оширилиши мумкин бўлган талқинларга ҳам бор-йўғи образда имконият сифатида яшовчи метафорик маънолардан бири деб қараш керак.

А.Ориповнинг «Минораи Калон тепасидаги лайлак» шеъри ҳам турли талқинларга имкон берадиган, ўз вақтида шоирга турли маломатлар келтирган метафорик характердаги шеърлардан. Шу ўринда айтиш керакки, биз шўро даврида адабий асарлардан «ғоявий хато» излашни гўё йўқ ердан айб излаш, шунчаки тирноқ остидан кир қидириш деб тушунамиз. Бу тўғри эмас. Чунки ҳақиқатан ҳам шўро даврида яратилган кўплаб асарларда, жумладан, А.Орипов асарларида жамиятдаги мавжуд ҳолатдан норозилик оҳанглари бўлган. Норозиликни эса шўро даври ижодкорлари образ қатига яшириб ифодалашга мажбур эдилар. Демак, ҳақиқатда мафкура ҳимоясига отланган танқидчилар образдаги кўплаб маънолардан бирини очишган ва

уни мафкура нуқтаи назаридан қоралашган. Жумладан, «Минораи Калон тепасидаги лайлак» шеърини ўқисак, унда ийҳом санъатидаги каби яқин ва узоқ маънолар борлигини кўриш мумкин. Уч бандли шеърнинг биринчи бандида шоир шундай дейди:

*Ташлаб кетди бу шаҳарни беклар, амирлар,
Ташлаб кетди бу шаҳарни ислом шавкати.
Ташлаб кетди бу шаҳарни шайхлар, кабирлар,
Ташлаб кетди маҳмадона Манғит давлати (I, 149).*

Ушбу сатрлар шўро мафкурасига мос, чунки ундан «Бухорони «қора кучлар, текинхўр эксплуататорлар ташлаб кетди» деган маъно чиқаверади. Лекин иккинчи банднинг дастлабки икки мисраси маънони бошқа ўзанга буриб юбориши мумкин:

*Булбуллар ҳам кетди бундан кўзини ёшлаб,
Товуслар ҳам қайларгадир аста йўқолди...*

Адабий анъанамизда булбулнинг ижод, завқ-шавқ, ишқ-муҳаббат, товуснинг эса гўзаллик рамзи сифатида ўрин олганини эсласак, биринчи банд билан семантик зиддият юзага келганини кўрамиз. Лекин кейинги икки мисрада:

*Фақат бир қуш бу шаҳарни кетмади ташлаб,
Фақат лайлак Бухорода мангуга қолди, –*

дейилгани худди булбул ва товус образлари ўзгача маъно ифодалаш учун эмас, балки қаршилантириш орқали лайлакнинг садоқатини бўрттириб кўрсатиш ниятида ишлатилган деган тасаввур ҳосил қилади. Яъни бу ҳол ҳақиқатда ифодалаш кўзда тутилган маънони яна яширади. Ниҳоят, охириги бандда ўқиймиз:

*Мен бу ҳолга ҳайрон бўлиб боқдим ҳар сафар,
Бир шеър излаб Бухорони кезаркан узоқ.
Ажаб, қушнинг оёқлари гўзага ўхшар,
Қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ.*

Иккинчи бандда лайлакнинг садоқати бўрттирилгани сабабли, бундан «пахта ҳам юртимизга шундай садоқатли» деган мафкура

нуқтаи назаридан «ижобий» маънони ҳам эплаб чиқариш (аниқроғи, мен шундай демоқчиман дея ўзни оқлаш) мумкин. Иккинчи томондан, қулоғи бор одам булбул ва товус – завқ-шавқ билан яшаш, ижод, гўзаллик каби эзгуликлар ўрнида биргина пахта қолди, пахтадан бошқа ҳеч вақомиз қолмаяпти деган ташвишли бонгни ҳам эшита олади. Шеърнинг бундай қурилиши, аслида, шўро даври шароитида, яъни мафкура тазйиқи остида туриб ҳам юракдагини айтиш эҳтиёжини қондиришга интилиш туфайли шаклланган услуб хусусиятидир. Бундай услубда ёзилган шеърлар шўро даврида ижод қилган Чўлпондан бошлаб мустабид тузумнинг сўнгги йилларида қўлига қалам олган шоирлар ижодида ҳам учрайди. Зеро, шўро шароитида метафора, жумладан, шеър-метафора кўнгилдагини ифодалашнинг, эҳтимол, ягона йўли бўлиб қолган. Бошқача айтсак, бу даврда шеър-метафора А.Орипов «Эски қудуқ» шеърида етишмаётганидан нолиган «қудуқ» вазифасини бажарган дейиш мумкин.

А.Ориповнинг Шарқ ривоятлари йўлида ёзилган «Ҳангома», «Эчки» каби воқеабанд шеърлари борки, уларда тасвирланган ҳодиса яхлит ҳолда метафорик маъно ҳам касб этади. Уларда ҳикоя қилинган воқеа бевосита маъносида ҳам тушунилаверади, яъни кўчма ва ўз маънолар бир-бирига ҳалақит қилмайди, шу жиҳати-га кўра уларни ҳам шеър-метафоралар дейиш мумкин. «Ҳангома» шеъри, албатта, шунчаки ҳангома учун ёзилган эмас: унинг асосида ётган воқеа шоир учун қайсидир жиҳати билан эстетик қиммат касб этган. Йўқса, у шеър қилинмаган бўларди. Ахир киши ҳаётида эшитган, кўрган-билган ҳангомадан кўпи борми? Эстетик қиммат касб этган деганни қандай тушуниш керак? Айтмоқчимизки, ўша воқеа шеър ёзилган пайтда шоирни ўйлатган бирон-бир муаммога ечим, муайян бир ҳаётий ҳолатга жавоб ёки муносабат ифодаси бўлган. Сизган бўлсангиз, биз бу ерда А.Потебнянинг масал ҳақидаги фикрларига эргашмоқдамиз. А.Потебня антик юнон масалларининг кўпи аниқ бир ижтимоий ҳодиса билан боғлиқ яратилган дейди. Фақат вақт ўтиб масалнинг яратилишига сабаб бўлган ижтимоий ҳодисани одамлар унутадилар. Натижада масалда тасвирланган воқеада умумлаштирилганлик, универсаллик хусусиятлари кучаяди ва у метафорик тарзда бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини очишга хизмат қила бошлайди.⁷⁶ Шунга ўхшаб А.Орипов ҳам шеърни ёзган пайтда воқеада ҳикмат кўрган, лекин шеърда ҳикматни

⁷⁶ Потебня А. Эстетика и поэтика. – М., 1976. – С.464 – 559.

ифода этмаган, воқеани тасвирлаш билан чекланган. Лекин воқеанинг ўзи, аниқроғи, унинг шеърда муайян бир тартибда тасвирланиши – шеърнинг ички структураси фаол ўқувчи онгида кўчма маънони шакллантириш учун етарли. Қизиқарли, латифанамо бўлгани учун шеър воқеаси кўпчиликнинг ёдида қолади ва у шахслараро мулоқотда масал функциясини бажара бошлайди. Масалан, мос ҳаётий ҳолатда кимдир: «Йўлни эшак бошлади, От эргашди лўкиллаб» (I, 207), – деса бўлди, кўпчиликнинг ёдига шеър келади, шеър мазмуни ҳолат билан боғланади ва ҳаёллардан «охири бахайр бўлсин» деган ўй ўтади. Яъни бу ўринда образ ҳаётий ҳолатга муносабатни ифодалашга, уни мушоҳада этиш ва тўғри йўлни белгилашга хизмат қилади. Кўрамизки, «Ҳангома»да А.Ориповнинг кўплаб шеърларида кузатилувчи шарқона донишмандлик воқеада ўз ифодасини топган.

Қурилиши, ифода тарзига кўра шоирнинг «Шарқ ҳикояти», «Эчки» каби шеърлари ҳам «Ҳангома»га ўхшашки, юқоридаги гапларни уларга нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Фақат «Шарқ ҳикояти» шеърида кўчма маъно муаллиф томонидан шакллантирилган бўлиб, унда шеър-аллегория хусусиятлари устунроқ. Маълумки, халқ оғзаки ижодида «Шарқ ҳикояти» шеъридаги воқеанинг турли вариантлари мавжуд. Лекин бу шоир ўша вариантлардан бирини ёки умумлаштирган ҳолда шеърга солди дегани эмас. Шоир уни ижодий қайта ишлайди, воқеанинг янги маъно қирраларини очадик, бу шеърнинг якунловчи бандида акс этган:

*Қондошликнинг миллион йиллик
Ришталари узилди.
Ўртага бир эшак тушиб
Оралари бузилди (I, 327).*

Агар ривоятнинг халқ ижодидаги вариантларида: 1) «эл оғзига элак тутиб бўлармиди, нимаики қилма, ундан иллат қидирувчилар ҳамиша топилади»; 2) «одам ўзгаларнинг нима дейишига қараб эмас, ақл-фаросати билан иш қилмоғи керак» деган маънолар келиб чиқса, А.Орипов маъно урғусини кишилар орасини бузувчиларга кўчиради, уларни эшакка менгзайди. Шоирнинг кашфи туфайли ривоят ўзининг янги умрини бошласа ажаб эмас. Чунки энди «ўртага бир эшак тушиб...» дейилсаёқ кўпчилик ёдига шу шеър келади, демак, у энди «масал», яъни мос ҳаётий ҳолатларнинг ечими

сифатида мулоқотда фаол яшайверади. Кўряпмизки, «Ҳангома» билан «Шарқ ҳикояти» шеърлари кўп жиҳатдан ўхшаш, уларнинг орасидаги фарқ кейингисида кўчма маънога очиқ ишора борлиги билан белгиланади.

Шу ўринда айтиш керакки, 80-йилларга томон А.Орипов ижодида шеър-метафораларнинг камайиб бориши кузатилади. Тўғри, шоир ижодий услубида метафориклик ҳамон етакчи хусусият бўлиб қолаверади, лекин энди шеър-аллегориялар салмоқлироқ ўрин тута бошлайди. Жумладан, унинг «Шоир ва илҳом», «Тулки фалсафаси», «Бир танишим ҳақида баллада», «Маймуният», «Иблис», «Икки каламуш» каби қатор шеърлари аллегорик образлилик асосига қурилган. Албатта, бунинг турлича ижодий, руҳий, ижтимоий сабаблари борлиги шубҳасиз. Бироқ, бизнингча, мазкур ҳолат, биринчидан, сўз айтиш имконининг жуда секин бўлса ҳам кенгайиб боргани, иккинчидан, жамиятда миллий ўзликни англаш эҳтиёжи етила бошлагани билан изоҳланиши мумкин. Яъни янгиланган шароитда шеърининг имкон қадар очиқ сўзлаши ва бу билан мазкур жараёни тезлатиши тақозо этиладики, энди унинг зиммасига ғоят улкан ижтимоий-тарихий миссия – миллат руҳини уйғотиш ва уни эркак чорлаш вазифаси юкланаётганди.

Ушбу бобда юритган мулоҳазаларимиз қуйидаги асосий хулосаларга олиб келади:

1. А.Орипов бадиий тафаккурида метафориклик устувор, ижодий услуби метафорага мойилдир. Услуб эса ижодкор яратган асарнинг барча унсурлари, барча сатҳлари (тили, поэтик образлари тизими, композицион қурилиши)да ўзини намоён этади. Шу сабабли А.Орипов шеърларида метафоранинг поэтик кўчим, поэтик образ ва бутун бошли шеър даражасидаги кўринишлари кузатилади.

2. Шоирнинг метафорик характердаги шеърларида метафораларнинг матн доирасидаги мазмуний алоқалари интегратив характерда бўлиб, улар бирликда яхлит бир образни юзага келтиради, ўз навбатида, бу образ шеърни («Баҳор шамоли», «Саратон») тематик ва композицион жиҳатдан уюштирувчи марказ бўлиб хизмат қилади.

3. А.Орипов метафорани композиция даражасида ёйиш усулидан самарали фойдаланади, мазкур усул қўлланган шеърда метафоранинг яралиш жараёни акс этади. Бунда шеърнинг бошланишида метафорага асос бўлган нарсалар («Шоирлар ҳаёти»), пейзаж деталлари («Хотирот»), ҳолат («Баҳор кунларида кузнинг

ҳавоси»), фикр («Эртақ дегани бу – ширин ақида») кабилар берилади, сўнг шу асосга нисбатан метафорик ҳукм (предикат) ифодаланади. Натижада шеър тўлалигича битта метафорага айланади.

4. А.Орипов ижодидаги метафорик характердаги шеърларнинг композицияси аксар иккита қисмни бир-бирига ўхшатиш («Кўзгу парчалар»), зидлаш («Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол») усулларида қурилади. Бундай шеърларда метафорик мазмуннинг юзага чиқишида композицион тафаккур, яъни шеърнинг муайян бир тартибда қурилиши муҳим аҳамият касб этади.

5. А.Ориповнинг лирик ижодида тимсол шеърларнинг шеър-метафора ва шеър-аллегория кўринишлари кенг ўрин тутати. Шеър-метафорада лирик мушоҳада предмети матнда очиқ акс этмайди, у ҳақдаги ҳукм (предикат)гина бор. Шеър-аллегориядан фарқли ўлароқ, шеър-метафорада предметни аниқлаштириш ўқувчига ҳавола қилинади. Яъни шеър-аллегорияда метафорик маъно субъекти муаллиф бўлса, шеър-метафорада ўқувчи маъно субъекти бўлиб қолади.

6. Шеър-метафорада мазмун структурасидаги юқоридагича ўзига хослик туфайли унда турлича талқин имкониятлари мавжуд бўлади, шунга кўра, бундай шеърдан турлича мазмунлар чиқарилиши («Тилла балиқча», «Дорбоз») табиий ва қонуний ҳолдир.

7. А.Орипов ижодида 80-йилларга томон аллегория характердаги шеърлар ва шеър-аллегориялар салмоқлироқ ўрин тутати бошлайдики, бу ижтимоий шароитнинг ўзгариб бориши, яъни сўз айтиш имконининг кенгайиб бориши, адабиёт зиммасидаги ташвиқий функциянинг долзарблашуви билан боғлиқдир. Аксинча, шоирнинг шеър-метафоралари кўпроқ сўз-фикр эркинлиги бўлмаган давр маҳсули.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб шеъриятда янгиланиш эҳтиёжи туғилди. 30-йиллардан бошлаб шеърда устувор бўлиб келган сохта кўтаринкилик, декламативлик, риторика давр маънавий-руҳий талабларига жавоб беролмай қолган, «чин шеърият» соғинчи кучайганди. Шу даврда майдонга чиққан шоирларнинг, хусусан, А.Ориповнинг илк қадамларидан образли тафаккурнинг устуворлик касб этиши шу эҳтиёжни теран ҳис қилиш натижасидир. Шоир воқеликни ўзича кўради: нигоҳи тушган нарса-ҳодиса, жонивору қушлар, эшитган ёки гувоҳи бўлган воқеалардан ҳикмат, ўзини ўйлатган масалаларга жавоб излайди. Шу тариқа метафорик тарзда образ яралади, мазкур образ ўзида шоирнинг инсон, жамият ҳақидаги ўй-қарашларини мужассам ифода этади. Метафора принципи А.Орипов шеъриятида етакчи мақомни эгаллайди, унинг тафаккур тарзи ва услубини белгиловчи асосий омилга айланади. Шуни назарда тутиб А.Орипов шеъриятидаги метафора масаласини тизим сифатида махсус тадқиқ қилишга жазм этдик ва қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Метафора қадимдан ўрганила бошланган, бу масаладаги назарий қарашлар метафорани «нутқ безаги» деб тушунишдан инсон тафаккурининг муҳим механизмларидан бири сифатида тушуниш томон ўзгариб борган. Хусусан, ижодий индивидуалликка эътиборнинг кучайиши билан поэзияда метафоранинг аҳамияти ҳам орта борган, унга тил ва тафаккур билан боғлиқ ҳодиса сифатида қара-ла бошланган.

2. Метафора термини ҳозирда ўхшашлик асосида кўчма маънода қўлланган битта сўзни, матннинг бир бўлагида ифодаланувчи образни, баъзан эса бутун бошли асарни ҳам англатади. Яъни кенг маънода метафора поэзияда (умуман, санъатда)ги бир нарса-ҳодиса моҳиятини иккинчи нарса-ҳодиса орқали очиш, фикрни образли ва бавосита ифодалашнинг ҳар қандай шаклини англатади.

3. Метафора бадий тафаккурнинг асосий механизми бўлиб, бадий асарнинг барча сатҳларида (тилдан бошлаб композицион қурилишгача) кузатилади. Шунга кўра, ўрганилиш кўламидан қатъи назар (муайян асар, алоҳида санъаткор ижоди, у ёки бу адабий йўналиш, мактаб, авлод ва б.), метафорани тизим сифатида ўрганиш талаб этилади.

4. А.Орипов ижодида қўлланган метафораларнинг асосий манбалари сифатида она табиат, жамият ва миллий адабий анъаналарни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, шоир метафоралари миллий турмуш тарзи, урф-одатлар, ишонч-эътиқодлар, фольклор, жаҳон адабиёти анъаналари каби манбалардан ҳам озиқланади. Метафора (умуман, бадий образ) яратиш манбаларининг бойлиги метафорик (образли) тафаккур теранлиги, қўлланган метафораларнинг ранг-баранглигини таъминловчи асосий омилдир.

5. Шоир ва шахс сифатида шаклланишига асос бўлган болалик ва ўсмирлик йилларининг табиат қўнида, у билан бевосита алоқа-муносабатда ўтгани А.Орипов лирик тафаккурида чуқур из қолдирган. Табиат билан боғлиқ образларнинг устуворлиги шоир ижодидаги образлиликнинг ўзига хослигини белгилайди. Жумладан, шоир яратган метафораларнинг кўпига табиат манба бўлиб хизмат қилган.

6. А.Орипов миллий адабиётимиз учун анъанавий метафораларни қўллаганида ҳамиша уларга янгидан оҳор беришга интилади, салафлар билан ижодий мусобақага киришади. Шундай ижодий ёндашув туфайли анъанавий метафоралар ўзининг янги ва кўпинча қутилмаган қирраларини намоён этиб адабиётимиздаги янги умрини бошлайди.

7. А.Орипов услубининг ўзига хос белгиларидан бири халқ жонли тилига яқинликдир. Жонли тилга яқин дегани эса халқ турмуши билан яқин дегани бўлади, уларни бир-биридан ажратиш ноўрин. Халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ишонч-эътиқодларини чуқур билиш шоир қўллаган метафораларнинг халқона бўлишини таъминлайди, уларга содда гўзаллик, самимият бахш этади.

8. А.Орипов шеъриятида метафораларнинг турли-туман хиллари қўлланган. Айни чоғда, шоир образли тафаккурида табиат билан алоқанинг кучлилиги метафоранинг жонлантирувчи ва предметлаштирувчи турлари етакчи бўлишини таъминлайди.

9. А.Орипов шеъриятида субстантив метафоралар ҳамда ўхшатиш эмас, балки инкор асосида яратилган метафоралар кенг

қўлланади. Адабий анъаналаримизда метафоранинг бундай кўринишлари нихоятда кам бўлиб, А.Орипов ўз ижодий тажрибалари билан ҳозирги шеъриятимизда бундай метафораларнинг кенг қўлланишига замин ҳозирлаган ижодкорлардан биридир.

10. А.Орипов бадиий тафаккурида метафориклик устувор, ижодий услуги метафорага мойилдир. Услуб эса ижодкор яратган асарнинг барча унсурлари, барча сатҳлари (тили, поэтик образлари тизими, композицион қурилиши)да ўзини намоён этади. Шу сабабли А.Орипов шеъриятида метафоранинг поэтик кўчим, поэтик образ ва бутун бошли шеър даражасидаги кўринишлари кузатилади.

11. Шоирнинг метафорик характердаги шеърларида метафораларнинг матн доирасидаги мазмуний алоқалари интегратив характерда, улар бирликда яхлит бир образни юзага келтиради, ўз навбатида, бу образ шеърни («Баҳор шамоли», «Саратон») тематик ва композицион жиҳатдан уюштирувчи марказ бўлиб хизмат қилади.

12. А.Орипов метафорани композиция даражасида ёйиш усулидан самарали фойдаланади, мазкур усул қўлланган шеърда метафоранинг яралиш жараёни акс этади. Бунда шеърнинг бошланишида метафорага асос бўлган нарса-ҳодиса («Шоирлар ҳаёти»), пейзаж деталлари («Хотирот»), ҳолат («Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси»), фикр («Эртас дегани бу – ширин ақида») кабилар берилади, сўнг шу асосга нисбатан метафорик ҳукм (предикат) ифода этилади. Натижада шеър тўлалигича битта метафорага айланади.

13. А.Орипов ижодидаги метафорик характердаги шеърларнинг композицияси аксар иккита қисмни бир-бирига ўхшатиш («Кўзгу парчалар»), зидлаш («Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол») усулларида қурилади. Бундай шеърларда метафорик мазмуннинг юзага чиқишида композицион тафаккур, яъни шеърнинг муайян бир тартибда қурилиши муҳим аҳамият касб этади.

14. А.Ориповнинг лирик ижодида тимсол шеърларнинг шеър-метафора ва шеър-аллегория кўринишлари кенг ўрин тутди. Шеър-метафорада лирик мушоҳада предмети матнда очиқ акс этмайди, у ҳақдаги ҳукм (предикат)гина бор. Шеър-аллегориядан фарқли ўлароқ, шеър-метафорада предметни аниқлаштириш ўқувчига ҳавола этилади. Яъни шеър-аллегорияда метафорик маъно субъекти муаллиф бўлса, шеър-метафорада ўқувчи маъно субъекти бўлиб қолади.

15. Шеър-метафорада мазмун структурасидаги юқоридагича ўзига хослик туфайли унда турлича талқин имкониятлари мавжуд бўлади, шунга кўра, бундай шеърдан турлича мазмунлар чиқарилиши («Тилла балиқча», «Дорбоз») табиий ва қонуний ҳолдир.

16. А.Орипов ижодида 80-йилларга томон аллегория характеридаги шеърлар ва шеър-аллегориялар салмоқлироқ ўрин тута бошлайдики, бу ижтимоий шароитнинг ўзгариши, яъни сўз айтиш имконининг кенгая бориши ва адабиёт зиммасидаги ташвиқий функциянинг долзарблашуви билан боғлиқдир. Аксинча, шоирнинг шеър-метафоралари кўпроқ сўз-фикр эркинлиги бўлмаган давр маҳсули.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
4. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.67.
5. Абдуллаев О. Қалбга очилган йўл. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 256 б.
6. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1992. – 248 б.
7. Аристотель. Этика. Политика. Риторика. Поэтика. Категории. – Минск: Литература, 1998. – 392 с.
8. Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. – 264 с.
9. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 624 с.
10. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 28 с.
11. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 213 б.
12. Акрамов Б. Шеърят гавҳари: Лирикада образ муаммоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 168 б.
13. Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги: Лирикада образ муаммоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 200 б.

14. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. – Бухоро, 1994. – 34 б.
15. Афоқова Н. Шеър, ҳадис, ҳикмат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил 3 июнь.
16. Бабенко Л.Г., Казарин Ю.В. Лингвистический анализ художественного текста. Теория и практика: Учебник; практикум. – М.: Вланта, Наука, 2005. – 496 с.
17. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – М.: Прогресс, 1989. – 616 с.
18. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 262 б.
19. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 560 б.
20. Бондарев Ю. Диалоги о формулах и красоте. – М.: Просвещение, 1990. – 224 с.
21. Будагов Р.А. Что же такое лингвистическая поэтика? // Филологические науки. 1980. №3. – С.18 – 26.
22. Буало. Шеърый санъат. – Тошкент: Фан, 1978. – 56 б.
23. Боров Ю. Эстетика. – М.: Политиздат, 1987. – 212 с.
24. Блэк М. Метафора // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.153 – 172.
25. Валиев Б. Инсон ва табиат мадҳи (Шоир А.Орипов шеърларида инсон ва табиат масаласи) // Адабий мерос. 1982. №4 (24). – Б.104 – 105.
26. Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. – М., 2000. – 436 с.
27. Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – 124 с.
28. Вовк В.И. Языковая метафора в художественной речи. – Киев: Наука, 1986. – 144 с.
29. Воҳидов Э. Изтироб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 333 б.
30. Гак В.Г. Метафора: универсальное и специфическое // Метафора в языке и тексте: Сб. статей / Отв. ред. В.Н.Телия. – М., 1988. – С.11 – 26.

31. Гердер И. Тракта́т о происхождении языка. – М.: Изд-во ЛКИ, 2007. – 164 с.
32. Гинзбург Л.Я. О лирике. – Л.: Наука, 1964. – 168 с.
33. Гиршман М.М. Анализ поэтических произведений А.С.Пушкина, М.Ю.Лермонтова, Ф.И.Тютчева. – М.: Наука, 1981. – 112 с.
34. Гиршман М.М. Литературное произведение: Теория и практика анализа. – М.: Наука, 1991. – 236 с.
35. Гусев С.С. Наука и метафора. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1984. – 152 с.
36. Гусев С.С. Смысл возможного. Коннотационная семантика. – СПб.: Наука, 2002. – 156 с.
37. Дэвидсон Д. Что означают метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.173 – 193.
38. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 387 с.
39. Жабборов А. Ижодкорнинг адабий-танқидий қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №3. – Б.3 – 6.
40. Жирмунский В.М. Преодолевшие символизм. Поэтика русской поэзии. – СПб.: Наука, 2001. – 268 с.
41. Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. Курс лекций. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 335 с.
42. Женетт Ж. Работа по поэтике: Фигуры. В 2-х т. – М.: Наука, 1998.
43. Иванюк Б.П. Метафора и литературное произведение (структурно-типологический, историко-типологический и прагматический аспекты исследования). – Черновцы: Рута, 1998. – С.252.
44. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006.
45. Исҳоқов Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услуб // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 3. – Б.108.
46. Ганиев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 254 б.
47. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 290 б.

48. Каримов Ҳ. Истиқлол даври шеърят. – Тошкент: Зарқам, 2005.
49. Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.41.
50. Квятковский А. Поэтический словарь // Сов. энциклопедия. 1966. – С.338.
51. Кожевникова Н.А. Метафора в поэтическом тексте // Метафора в языке и тексте: Сб. статей / Отв. ред. В.Н.Телия. – М., 1988. – С.145 – 165.
52. Кураш С.Б. Метафора и её пределы: микроконтекст-текст-интертекст. – Мозырь: МозГПИ, 2001. – С.121.
53. Левин Ю.И. Структура русской метафоры // Труды по знаковым системам. – Тарту, 1965. Т.2. – С.293 – 299.
54. Левин Ю.И. Русская метафора: синтез, семантика, трансформации: Труды по знаковым системам (Учён. зап. Тартуского гос. ун-та. Вып. 236). – Тарту, 1969. – С.290 – 305.
55. Литературные манифесты западноевропейских классиков. – М., 1980. – С.7 – 8.
56. Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. – 218 с.
57. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Л.: Наука, 1972. – 284 с.
58. Мамажонов С. Шеърят баҳсида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – 215 б.
59. Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 219 б.
60. Мамажонов С. Теранлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 189 б.
61. Мак-Кормак Э. Когнитивная теория метафоры // Теория метафоры. – М., 1990.
62. Мелиев С. Тилла балиқчанинг фожиаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил, 23 июль.
63. Мелиев С. Шеърый сўз ва эстетик таъсир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. № 2.

64. Мелиев С. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №3.
65. Миллер Дж. Образы и модели, уподобления и метафоры. – М., 1990.
66. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
67. Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1988. Вып. XXIII. – С.291 – 292.
68. Мягкова Е.Ю. Эмоциональная нагрузка слова: опыт психолингвистического исследования. – Воронеж, 1990.
69. Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 268 б.
70. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Шарқ, 2007.
71. Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 224 б.
72. Назаров Б. Абдулла Орипов ҳақида. Севинч дардим – бари Ватаним // Шарқ юлдузи. 1997. №11. – Б.154 – 162.
73. Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной поэзии. – М., 1982.
74. Ницше Ф. Об истине и лжи во внеэтичном смысле // www.nietzsche.ru/works/other/about-istina/ 10.05.2011.
75. Норбоев Б. Ҳақиқат ва бадиият қирралари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 264 б.
76. Норматов У. Талант тарбияси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 175 б.
77. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди: Адабий мақолалар. – Тошкент, 1988. – 224 б.
78. Орипов А. Митти юлдуз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1965. – 44 б.
79. Орипов А. Онажон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969. – 80 б.
80. Орипов А. Рухим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – 94 б.
81. Орипов А. Ҳайрат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 78 б.

82. Орипов А. Юзма-юз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 390 б.
83. Орипов А. Нажот қалъаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 278 б.
84. Орипов А. Сурат ва сийрат. – Тошкент: Ёш гвардия, 1981. – 151 б.
85. Орипов А. Дунё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 56 б.
86. Орипов А. Савоб: Шеърлар. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 112 б.
87. Орипов А. Бедорлик: Шеърлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1999.
88. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 431 б.
89. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 496 б.
90. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 384 б.
91. Орипов А. Адолат кўзгуси: Шеърлар, мақолалар, суҳбатлар, таржималар. – Тошкент: Адолат, 2005. – 400 б.
92. Палиевский П.В. Внутренняя структура образа // Теория литературы: Основные проблемы в историческом освещении. – М., 1962. – 176 с.
93. Парандовский Ян. Сўз кимёси // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 249 б.
94. Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. – М.: Наука, 1978. – 148 с.
95. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – 429 с.
96. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – 342 с.
97. Поэтика: Труды русских и советских поэтических школ. – Будапешт, 1982. – С.64 – 66.
98. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.

99. Расулов Т. Бадий асар қанотлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – 176 б.
100. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – 190 б.
101. Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 184 б.
102. Раҳимжонов Н. Инсон қалби жараёнлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 3 май.
103. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърятининг етакчи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №3. – Б.9 – 16.
104. Рашид ад-дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии. – М.: Наука, 1985. – 146 с.
105. Рикер П. Живая метафора // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.
106. Рикер П. Метафорический процесс как познание, воображение и ощущение // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.
107. Ричардс А. Философия риторики // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.44 – 67.
108. Рустамов А. Сўз ҳақида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 156 б.
109. Сабирдинов А. Ойбекнинг шеърӣй маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005. – 171 б.
110. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
111. Сафаров М. Дунё кирмоқдадир шоир қалбига. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – 120 б.
112. Теория литературы. В 2-х томах / Под ред. Н.Д.Тамарченко. – М.: Academia, 2004. – С.221 – 223.
113. Типология и периодизация культуры Возрождения. – М.: Наука, 1978. – С.26 – 37.
114. Тимофеев Л.И. Слово в стихе: Монография. – М.: Сов. писатель, 1987. – 424 с.

115. Тўлаков И. Давр, лирик қаҳрамон ва бадиият қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. №5 – 6. – Б.13 – 18.
116. Турдимов Ж. Лирик кечинма ва образлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. №5. – Б.19 – 21.
117. Успенский Б.А. Анатомия метафоры у Мандельштама // Новое литературное обозрение. – М., 1994. № 7. – С.140 – 162.
118. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 109 б.
119. Х.Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.70.
120. Х.Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства. – М.: Радуга, 1991. – 291 с.
121. Худойберганов Н. Ҳақиқат ёғдулари: Ўйлар, кузатишлар, баҳслар (Адабий асарлар ҳақида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 309 б.
122. Чўлпон. Адабиёт надур? – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 240 б.
123. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар: Рисола. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 224 б.
124. Шарафиддинов О. Замон, қалб, поэзия. – Тошкент: Ўзадабнашр, 1962. – 231 б.
125. Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб: Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 223 б.
126. Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 181 б.
127. Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас (Адабий мақолалар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – 216 б.
128. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 640 б.
129. Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б.216.
130. Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 299 б.
131. Якобсон Р. Работы по поэтике. – М.: Прогресс, 1987. – 464 с.

132. Якобсон Р. Два аспекта языка и два типа афатических нарушений // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 386 с.

133. Қосимов Я. Тилла балиқчанинг толеи // Шарқ юлдузи. 1986. №12. – Б.182 – 184.

134. Қосимов Я. Уйғониш садолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 142 б.

135. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш: Маъруза матнлари. – Андижон, 2000. – 196 б.

136. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 224 б.

137. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.

138. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари: Адабий ўйлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 192 б.

139. Қўшжонов М. Камалақдек сержило // Орипов А. Ёиллар армони. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – Б.3 – 22.

140. Қўшжонов М. Онажоним шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – 109 б.

141. Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 136 б.

142. Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 158 б.

143. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 400 б.

144. Ғафуров И. Дил эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 130 б.

145. Ҳаққулов И. Бадиий сўз шукуҳи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 184 б.

146. Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 192 б.

147. Ҳаққулов И. Ибрат ва маҳорат мактаби (Ғафур Ғулом ва Абдулла Орипов шеърияти муносабатига доир) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. №4.

148. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 199 б.

149. XVII век в мировом литературном развитии. – М.: Наука, 1969.

150. http://virtualcoglab.cs.msu.su/CogSci_R.html

МУНДАРИЖА

Б.Назаров. Гулбаргдаги учқунлар ёхуд Абдулла Орипов шеърларида метафора.....	3
Кириш.....	7
I боб. Поэзияда метафоранинг ўрни ҳақида	11
II боб. Абдулла Орипов шеърларида метафора ва метафориклик	42
III боб. Метафора ва лирик асар бутунлиги	78
Хулоса ўрнида.....	112
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	116

Илмий-оммабон нашр

Обиджон КАРИМОВ

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА
МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР**

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Хуршид ИБРОҲИМОВ

Саҳифаловчи: Алимардон АҚИЛОВ

Мусахҳиҳ: Отабек БОҶИЕВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 07.01.2014 й.

Босишга рухсат этилди: 25.03.2014 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.

Arial гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 6,09. Шартли б.т.: 7,44

Адади: 500 нусха.

Буюртма № 20

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77.

e-mail: akademnashr@mail.ru

web-site: www.akademnashr.uz



ОБИДЖОН КАРИМОВ

Наманган давлат
университети ўзбек тили
ва адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди.
«Ўзбекистон халқ таълими
аълочиси» кўрак нишони
соҳиби. 50 дан ортиқ илмий-
назарий ҳамда услубий
мақолалари республика
журналлари ҳамда турли
тўпламларда эълон қилинган.
Абдулла Орипов шеъриятига
доир мақолалари Россия,
Германия ва Туркияда чоп
этиладиган журналларда
ҳам чиққан. 2013 йили
Германиянинг Гамбург
шаҳрида ўтказилган халқаро
конференция қатнашчиси.

Абдулла Орипов

шеъриятида
метафорик образлар

ISBN 978-9943-4295-6-7



9 789943 429567